

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Э.М.Мухамадиев, Ш.Х.Тугизов, К.Б.Юнусова

ДИЗАЙН АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

(касб-ҳунар коллежлари талабалари учун)

Самарқанд – 2017

УДК-
ББК-

Э.М.Мухамадиев, Ш.Х.Тугизов, К.Б.Юнусова “Дизайн асослари”.
Касб-хунар коллежлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Самарқанд:
СамДАҚИ, 2017 й.

Ушбу қўлланма коллеж ва лицей талабалари учун яратилган бўлиб, дизайн тарихини ўрганиш, ўқитиш, унинг бугунги кундаги ҳаётимиз фаровонлигини ошириш ва уни гўзаллаштиришдаги ролини қанчалик аҳамиятлилигини тушунтириш учун ўқувчиларга бу соҳа тўғрисида сабоқ бериш таълим тизимининг долзарб эканлиги ҳақида маълумот беради.

Қўлланма коллежлар Давлат таълим стандартига мос тайёрланган “Дизайн асослари” фанининг намунавий дастурлари мавзуларига мосланиб ёритилди. Қўлланмада дизайн ҳақида келтирилган маълумотлар дизайн талабаларини бу соҳадаги билим ва кўникмаларини шаклланишида ёрдам беради.

Учебное пособие “Основы дизайна” предназначена для учащихся профессионально-ремесленных колледжей и лицеев Узбекистана. Содержит материалы касающиеся истории развития, значимости дизайна в жизнедеятельности человека. Рассмотрены классические и современные виды дизайна, активно и органично участвующие в культурной и духовно-эстетической жизни современного человека.

Пособие выполнено в соответствии с ГСО, учебных планов и учебных программ колледжей по дисциплине дизайн.

The textbook “Basis of Design” is intended for students of vocational and art colleges and lyceums of Uzbekistan. Contains materials relating to the history of development, the significance of design in design, actively and organically participating in the cultural and spiritual and aesthetic life of modern man.

The manual is implemented in accordance with the GSO, curricula and training.

Илмий муҳаррир:

Меъморчилик фанлари доктори,
профессор А.С.Уралов

Такризчилар:

Архитектура номзоди, доцент Д.Н.Султонова
Санъатшунослик номзоди, доцент Х.Х.Жўраев

МУНДАРИЖА

КИРИШ	9
1-Мавзу: Дизайн тушунчаси ва унинг моҳияти	12
1.1 Дизайннинг юзага келиши шарт-шароитлари	14
<i>Дизайн касби</i>	<i>16</i>
1.2 Дизайнер фаолиятининг лойиҳавий-бадiiй хусусийлиги	
<i>Дизайн формаларини қулайлиги ва хилма-хиллиги, комфорт</i>	<i>19</i>
1.3 Дизайн ва маркетинг	21
1.4 Жисмлар муҳитини комплекс ташкиллаштириш	22
1.5 Формаларнинг функционалиги ва рационаллик	24
1.6 Дизайн ва мода	25
1.7 Дизайнни соҳаларга бўлиниши	
<i>Дизайннинг классик турлари.....</i>	<i>27</i>
<i>Дизайннинг янги турлари</i>	<i>30</i>
2-Мавзу: Дизайн ва тураржой.....	33
2.1 Кишилик жамияти тарихида маскан тушунчаси	33
2.2 Масканнинг функционал вазифаси ва безатилиши.....	36
<i>Сарой ва қабулхоналар</i>	<i>37</i>
<i>Тураржой хоналари</i>	<i>41</i>
3-Мавзу: Дизайнда қўлланиладиган материаллар.....	45
3.1 Дизайн ва замонавий материаллар	45
3.2 Дизайн соҳаларида қўлланиладиган безак ишлари (интерьер, саноат маҳсулотлари, матолар, халқ амалий безак санъати ишларида).....	49
3.3 Наққошлик санъати тарихига оид маълумотлар. Ўзбек халқ амалий санъати, унинг тарихи, турлари. Наққошлик санъати	54
<i>Стилизация. Табиий ўсимлик турларини нақш элементлари</i>	
<i>ҳолатида чизиш</i>	<i>57</i>
3.4 Нақш турлари ва уларни чизишда кетма-кетлик	61
<i>Гирих ва унинг турлари</i>	<i>63</i>

3.5 Нақшда рангларнинг ўрни ва ранг уйғунлигини яратиш	69
3.6 Раппорт ҳақида тушунча.....	77
<i>Тўқима раппорти.....</i>	77
<i>Нақшнинг конструктив элементлари.....</i>	80
3.7 Дизайнда халқ амалий, декоратив санъат турларининг қўлланилиши	
<i>Кулолчилик</i>	82
<i>Чинни-идишлар (фарфор) санъати.....</i>	83
<i>Батик</i>	86
<i>Витраж</i>	90
<i>Коллаж санъати.....</i>	92
4-Мавзу: Дизайн категориялари. Дизайн композициясида	
категориялар	
Дизайн категориялари ва уйғунлаштириш воситалари	95
4.1 Контраст ва нюанс	97
4.2 Симметрия ва асимметрия, статика ва динамика	98
<i>Аксий, ўқли ёки айланма (винтовия) симметриялар.....</i>	99
4.3 Метрик ва ритмик кетма-кетлик	101
4.4 Пропорциялар ва пропорционаллик тушунчаси. Мувозанат ва	
масштаблилик тушунчаси	103
5-Мавзу: Дизайнда рангларнинг аҳамияти	
5.1 Спектр ранглари	108
5.2 Дизайнда рангларнинг аҳамияти	110
5.3 Рангларни инсон руҳиятига физиологик таъсири	116
5.4 Рангларнинг объектив хусусиятлари ва улар чақирадиган	
реакциялар	117
6-Мавзу: Ландшафт дизайни - вужудга келиши ва ривожланиши	
6.1 Ландшафт дизайнинг асосий тушунчалари	124
6.2 Ландшафт архитектурасининг тарихий ривожланиши	131
Глоссарий (атамаларнинг изоҳли луғати)	140
Адабиётлар руйхати	153

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ.....	9
1-Тема: Понятие о дизайне и его сущности	12
1.1 Условие возникновения дизайна	14
<i>Дизайн как профессия</i>	<i>16</i>
1.2 Особенности проектно-художественных работ в деятельности дизайнера	
<i>Разнообразие и комфорт в формах дизайна</i>	<i>19</i>
1.3 Дизайн и маркетинг	21
1.4 Комплексная организация предметной среды	22
1.5 Функциональность и рациональность форм	24
1.6 Дизайн и мода	25
1.7 Разделение дизайна на отрасли	
<i>Классические виды дизайна.....</i>	<i>27</i>
<i>Современные виды дизайна.....</i>	<i>30</i>
2-Тема: Дизайн и жилище	33
2.1 Понятие жилища в истории человеческого общества	33
2.2 Функциональные задачи жилища и его обстановка.....	36
<i>Дворцы и приемные помещения</i>	<i>37</i>
<i>Комнаты жилища</i>	<i>41</i>
3-Тема: Материалы применяемые в дизайне.....	45
3.1 Дизайн и современные материалы	45
3.2 Украшательские работы в отраслях дизайна (интерьер, промышленные товары, ткани, народно-прикладные искусства)	49
3.3 Сведения об истории орнаментального искусства. Узбекское народное прикладное искусство, история и его виды. Орнаментальное искусство	54
<i>Стилизация. Изображение природных растений в виде орнамента</i>	<i>57</i>
3.4 Виды орнамента и последовательность в процессе его изображения..	61
<i>Гирих и его виды</i>	<i>63</i>

3.5 Цвет в орнаменте и создание гармонии в орнаменте	69
3.6 Понятие о раппорте	77
<i>Ткацкий раппорт</i>	77
<i>Конструктивные элементы орнамента</i>	80
3.7 Применение видов прикладного, декоративного искусства в дизайне	
<i>Гончарное искусства</i>	82
<i>Искусства фарфора. Фарфоровые изделия</i>	83
<i>Батик</i>	86
<i>Витраж</i>	90
<i>Искусство коллажа</i>	92
4-Тема: Категории композиции дизайна	
Категории дизайна и средства гармонизации	95
4.1 Контраст и нюанс	97
4.2 Симметрия и асимметрия, статика и динамика	98
<i>Зеркальная, осевая или винтовая симметрия</i>	99
4.3 Метрическая и ритмическая последовательность	101
4.4 Понятия пропорции и пропорциональности. Понятие равновесия и масштабности	103
5-Тема: Значения цвета в дизайне	
5.1 Цвета спектра	108
5.2 Значения цвета в дизайне	110
5.3 Физиологическое воздействие цвета на психику человека	116
5.4 Объективные особенности цвета вызываемые ими реакции	117
6-Тема: Возникновение и развитие ландшафтного дизайна	
6.1 Понятие о ландшафтном дизайне	124
6.2 История развития ландшафтной архитектуры	131
Глоссарий (словарь основных терминов)	140
Использованная литература	153

CONTENT

INTRODUCTION.....	9
1-Topic: The concept of design and its essence	12
1.1 Design condition	14
Design as a profession	16
1.2 Features of design and artwork in the activities of the designer	
<i>Variety and comfort in the forms of design</i>	<i>19</i>
1.3 Design and marketing	21
1.4 Complex organization of the subject environment	22
1.5 Functionality and rationality of form	24
1.6 Design and fashion	25
1.7 Division of design in the industry	
<i>Classical designs</i>	<i>27</i>
<i>Modern types of design</i>	<i>30</i>
2-Topic: Design and housing	33
2.1 The concept of dwelling in the history of human society	33
2.2 Functional tasks of the dwelling and its furnishings	36
<i>Palaces and reception rooms</i>	<i>37</i>
<i>House rooms</i>	<i>41</i>
3-Topic: Materials used in the design	
3.1 Design and modern materials	45
3.2 Decorative works in the design industries (interior, industrial goods, fabrics, folk-applied arts.)	49
3.3 Information about the history of ornamental art. Uzbek folk arts and crafts, history and its types. Ornamental art	54
<i>Stylization. Picture of natural plants in the form of an ornament</i>	<i>57</i>
3.4 Types of ornament and sequence in the process of its image	61
<i>Girih and its kinds</i>	<i>63</i>
3.5 The color in the ornament and the creation of harmony in the ornament ...	69

3.6 The concept of the report	77
<i>Weaver's report</i>	77
<i>Constructive elements of ornament</i>	80
3.7 Application of applied, decorative art in the design of pottery	
<i>Pottery</i>	82
<i>The art of porcelain. Porcelain products</i>	83
<i>Batik</i>	86
<i>Stained glass</i>	90
<i>Art of the collage</i>	92
4-Topic: Design composition categories	
Categories of design and means of harmonization	95
4.1 Contrast and nuance	97
4.2 Symmetry and asymmetry, statics and dynamics	98
<i>Mirror, axial or helical symmetry</i>	99
4.3 Metric and rhythmic sequence	101
4.4 The concepts of proportion and proportionality. The concept of balance and scale	103
5-Topic: The importance of color in design	
5.1 Spectrum colors	108
5.2 The meaning of color in the design	110
5.3 Physiological effects of color on the human psyche	116
5.4 Objective characteristics of color caused by their reactions	117
6- Topic: The emergence and development of landscape design	
6.1 Concept of landscape design	124
6.2 History of the development of landscape architecture	131
Glossary (dictionary of basic terms)	140
Used literature	153

КИРИШ

Мустақиллик йилларида кундан-кунга ўсиб бораётган турмуш тарзимиз республикамизда бозор иқтисодиёти шароитида гуркираб тараққий қилиб бораётган ишлаб чиқариш корхоналари, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатининг юқори даражада бўлишлигини тақозо қилади. Ишлаб чиқариш маҳсулотларининг рақобатбардош бўлишлиги, уларнинг нафақат ташқи кўриниши гўзаллиги билан баҳоланади, балки қулайлиги, мустаҳкамлиги, қисмларининг бежиримлигини кўзда тутди ва бунини таъминлаш учун албатта дизайн ёрдамга келади. Дизайн инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб келаётган бир пайтда ўлкамизнинг ўқув муассасаларида дизайнни ўқитиш муаммолари юзага келмоқда. Бу жараён эса ижтимоий, табиий, техник фанларни ишлаб чиқариш билан интеграцияда бўлишликка чорламоқда. Келажакда замонамизнинг мураккаблашиб бораётган турли муаммолари қаторида илм-у фан ва маданият тараққиётининг комплексли ташкил қилиш формаларининг структуравий таркиби сифатида ўрни ва олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ҳам қўйилмоқда.

Гуманитар, илмий-техник билим ва кўникмаларни ўзида мужассамлаштирган олий ва ўрта махсус маълумотли бадиёт мутахассисларининг тайёрлашда дизайн билимисиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам дизайн асосларининг ўрганиш ўқувчининг фақатгина тор профессионал даражасининг ўстирибгина қолмасдан, балки уни ҳам эстетик, ҳам маданий-маънавий жиҳатдан юксакликка кўтаради.

Дизайн соҳасидаги билим ва тушунча барча ёшдаги инсонлар ҳамда уларнинг касби-кори учун зарурий бўлиб, уларнинг ижтимоий онгининг шакллантиришда хусусий воситадир. Дизайнинг инсоннинг шахс сифатида маънавий дунёсининг, ижодий потенциалининг шаклланишидаги беқиёс ролини

баҳолаш қийиндир. Улар ҳар бир кишига тилни, адабиётни, тарихни билиш каби заруриятдир.

Дизайннинг ибтидоси жуда қадим замонларга бориб тақалади. Инсон дастлаб қор, ёмғир ва совуқ-иссиқдан сақланиш воситаларини қидирар экан, турли мосламалар ёрдамида ҳайвон териларига ишлов берган, ўз қадди қомадига мослаб, қулай кийимлар ихтиро қилган, шунингдек оиласи билан бемалол истиқомат қилиш учун уй қуриб, уни ўз эҳтиёжига кўра мослаб яшаган. Кейинчалик аста-секин ўз кийим-кечаги ва хонадонига маълум даражада безак бериб бадийликка қадам қўя бошлаган. Бу жараён дизайн таракқиётининг қадимийлигидан, нафосат оламига инсон табиий, кетма-кет ҳолда кириб келишидан далолат беради. Демак, инсон таракқиётга ҳар доим юз тутиб келган ва бу жараён шундай давом этаверади.

XXI асрда техника мисли кўрилмаган даражада таракқий этди. У дизайннинг экодизайн, эргодизайн, амалий дизайн, экспозиция дизайни, инженерлик дизайни, арт дизайн, футуродизайн, компьютер дизайни каби янги-янги турларини вужудга келтирди. Шунинг билан бирга жаҳон мамлакатларида кўплаб дизайн мактаблари ҳам вужудга келди. Бугунги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар дастурларига дизайн сабоқлари киритилиши ҳам бежиз эмас. Ўлкамиз ёшларини нафосат сирлари билан таништириш ва тегишли сабоқлар бериш албатта уларнинг комил инсон бўлиши, уйғунлашган, маънавий-маданий қиёфасининг тўғри шаклланишида асосий воситалардан бири дейиш мумкин.

Дизайн сабоқларида рассомчилик, рангшунослик, архитектура, архитектуравий муҳит, интерьер, жисмлар олами, макетлаш, композиция, эргономика, ландшафт ва бошқа соҳалардан тушунчалар берилиши ўқувчиларда дизайнни яхши тушуниб олишга ёрдам беради.

Буюмлар оламини яратиш — ташқи фазовий муҳитни шакллантиришдаги инсон фаолиятининг муҳим компонентларидан биридир. Бу чуқур ижтимоий муаммо бўлиб, қайсики инсоннинг иқтисодий муаммолари билан боғлангандир. У маълум бир жамиятнинг, ҳудуд

аъзоларининг маънавий даражасини, бадий эстетик интилишларини акс эттиради. Бундай маданиятни ўстириш, шакллантириш албатта ташқи дунё гўзаллигини ва бу дунёни мақсадга мувофиқлиги, мослигини тушуниб олиш каби муҳим масалалар бўйича ўқувчиларни тарбиялаш лозим. Бундан келиб чиқадики, дизайнерлар яратган бадиёт, гўзаллик дунёси, улар яратган буюмлар дунёси ҳам инсонларнинг бадий карашларини шакллантириши, ҳам уларни тарбиялаши лозим. Дизайнер жамиятнинг эстетик идеалларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиши, одамлар ва ишлаб чиқариш ўртасида боғловчи бўлиши, инсоннинг гўзалликка бўлган хоҳиш ва интилишларини руёбга чиқариши лозим. Шунингдек, бу жараён бадиёт ва илмий йўналишларнинг ўзаро омукта тараққиётини дизайнер фаолиятида мужассам бўлишини тақозо этувчи жараёндир.

Дизайннинг функционал вазифаси бугунги кунда ниҳоятда чексиздир. Чунки, у инсон фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этади. У ҳар доим ўз замонасида жамиятнинг маданий даражасини белгилаб ҳамда шу жамиятнинг эстетик ижтимоий талабларини қондириб, уларнинг турмуш тарзини характерлаб келган. Биз археологик материаллар орқали маълум бир жамиятнинг моддий маънавий ва маданий ҳаётининг қанчалик тараққий қилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунда дизайн маълум тарихий даврнинг барча жабҳалари тараққиётининг ойнаси, акси сифатида маълумот берувчи соҳа тарзида намоён бўлади. Дизайннинг ҳар бир намунаси маълум давр ёки асрда ушбу буюм қандай қатламдаги шахсларга тегишли ва шу давр тараққиёти даражаси ҳақида гувоҳлик беради.

Келажакдаги миллий дизайннинг тараққиёти жамиятнинг моддий, маънавий ва энг асосийси иқтисодий тараққиётига боғлиқ бўлиб, ўлкамизда кундан-кунга гуркираб тараққий қилаётган ишлаб чиқариш, бунёдкорлик ишларида ҳамда инсонларимиз маънавий ва эстетик дунёсинининг янада барқарор бўлишини таъминлашда бевосита иштирок этиб бораверади.

1-МАВЗУ

ДИЗАЙН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

РЕЖА:

- 1.1 Дизайннинг юзага келиши шарт-шароитлари
- 1.2 Дизайнер фаолиятининг лойиҳавий-бадий хусусийлиги
- 1.3 Дизайн ва маркетинг
- 1.4 Жисмлар муҳитини комплекс ташкиллаштириш
- 1.5 Формаларнинг функционаллиги ва рационаллик
- 1.6 Дизайн ва мода
- 1.7 Дизайннинг соҳаларга бўлиниши

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

1. Дизайн – тушунчалар, моҳияти, касб сифатида шаклланиши.
2. Лойиҳалаш, конструкциялаш.
3. Дизайн ва ишлаб чиқариш.
4. Саноат ва маҳсулот.
5. Бадий лойиҳалаш фаолияти, эстетик талаблар.
6. Мухандислик, техник билимлар.
7. Ижтимоий, назарий билимлар.
8. Дизайн индустрияси – дизайн коммерция сифатида.
9. Баухауз ва ВХУТЕМАС мактаблари – дизайннинг бошланғич мактаблари.
10. Техник эстетика – дизайннинг дастлабки номланишларидан бири сифатида.


*Дизайн бу буюмлар ишлаб чиқариш жараёни,
улкан муаммоларнинг оқилона ва ижодий ечимидир.*

Брайен Хорриган


Дизайн тушунчаси ва унинг моҳияти

“Дизайн” сўзининг ифодаси итальянча “disegno” яъни дастлаб Ренессанс асридан лойиҳа, чизма, тасвирлар ва иш жараёнидаги ғоялар ҳақидаги тушунчаларни ифодаловчи сўздан юзага келди. Кейинчалик XVI асрда Англияда “design” тушунчаси юзага келиб, ғоя, чизма, безак ва шунингдек лойиҳалаш ва конструкциялаш кабиларни ифода эта бошлади. Дизайннинг торроқ маънодаги яъни касбий тушунчаси юқори истеъмол ва эстетик сифатга эга саноат маҳсулотларини яратиш, инсон учун қулай ҳаёт муҳитини – ижтимоий, маданий, ишлаб чиқариш, буюм ва жиҳозлар муҳитини ташкиллаштириш бўйича бадиий лойиҳалаш фаолиятidir.

Дизайн бир неча фаолият турлари яъни бадиий лойиҳалаш дастурлари, оммавий саноат, муҳандислик лойиҳалаш кабиларнинг ўзаро уйғунлашуви натижасида туғилди. Бугунги кунда дизайн инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини кенг қўламда қамраб олиб, табиий, назарий, техник, гуманитар, ижтимоий билимлар, ишлаб чиқаришдаги нарсалар оламини шакллантиришга қаратилган соҳалараро бадиий лойиҳалаш фаолиятidir.




б



В

1-расм. а – Ернст Албан яратган юкори босимли пресслаш ускунаси. Германия, 1840 йил; **б** – Жеймс Ватт. Кўп нусха ишлаб чиқарувчи пресслаш ускунаси. Англия, 1765 йил; **в** – тўқув машиналари



Дизайннинг марказий муаммоси бўлиб бу эстетик баҳолаш нуқтаи-назаридан олиб қаралганда маданий ва антропометрик жиҳатдан мос буюмлар дунёсини яратиш ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики лойиҳалашда муҳандислик, техникавий, табиий ва назарий билимлар, фалсафа, маданиятшунослик, социология, психология, семиотика¹ ва бошқа ижтимоий фанлар воситаларидан фойдаланиш дизайн учун ўта муҳимдир. Чунончи, ана шу билимлар бадий лойиҳалашнинг моделлаштириш жараёнида ўзаро интеграциялашади.

1.1. Дизайннинг юзага келиши шарт-шароитлари

Лойиҳавий бадий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида дизайннинг пайдо бўлиши XIX аср охирларига тўғри келади. Бу вақтда саноат революцияси натижасида оммавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнатнинг бўлинишини вужудга келтирди.

Саноат ишлаб чиқариши шароитида ишлаб чиқарувчилар товар ва маҳсулотлар ташқи кўринишининг жозибадорлиги, хилма-хиллиги шунингдек маҳсулот ишлатилишидаги сифати ва қулайлиги каби жиҳатларига алоҳида эътибор қарата бошлади. Натижада нафақат истеъмолчи талабларига жавоб берадиган жозибадор ташқи кўринишга эга маҳсулот формасини ярата оладиган, балки конструкторлаш масалалари ва




¹Семиотика – касаллик аломатларини аниқловчи фан

машина ишлаб чиқариш технологиясини яхши тушунадиган махсус мутахассисга эҳтиёж вужудга келди. Амалиёт шуни кўрсатадики, фақатгина инженерлик-техникавий ва бадий масалалар комплекс ҳал этилсагина рақобатбардош маҳсулот яратиш мумкин.

Саноат дизайнининг шаклланиши техника ривожланиши тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Буг қозони, ички ёнув двигатели, электромотор, ҳавода учиш аппарат (дирижабл) лари каби кашфиётлар машинасозликнинг янги жабҳаларини очиб бериш билан бирга дизайн ривожланишида тарихий босқичлар бўлиб хизмат қилди.

XIX аср ҳайратланарли даражада юксалиш асри бўлди. Бир техникавий мўъжиза ўрнини бошқаси эгаллай бошлади. Аср бошида одамлар оддий ёзув пероси ва оддий аравадан фойдаланган бўлса, аср охирида улар ўрнини ёзув машинаси ва автомобил эгаллади. Телеграфнинг кетидан телефон, кейинчалик эса “симсиз телеграф” – яъни радио ихтиро қилинди. Инсонлар расом ёрдамисиз натурадан аниқ тасвир ва нусха яратиш усуллари, ҳаводан оғир аппаратларда учишнинг илк кўринишларини, инсон овозини ёзиб олиш ва уни сақлашни, ҳаракатланувчи расм яъни кино санъатини кашф қилишди.

Ҳунарманд меҳнати, буюм формасини яратиш жараёни унинг тайёрланиши билан бевосита боғлиқ. Саноатлаштириш асри даврида маҳсулотнинг чизмалар, моделлар ва тажриба намуналари кўринишидаги нусха (прототип)лари яратила бошланди. Кейинчалик кўплаб миқдорда машиналар ёрдамида улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шундай қилиб юз йиллик чегарасида ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг бўлиниши вужудга келди. Дизайн лойиҳавий-бадий фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида ажралиб чиқди ҳамда “дизайнер” деб номланган янги мутахассислик шакллана бошлади.





2-расм. а – Карл Бенцинг биринчи уч ғилдиракли автомобили. Германия, 1886 йил;
 б – Эдисоннинг фольга ёпиштирилган мум ўкли товуш ёзадиган фонографи. 1878 йил;
 в – Август Борсиг Локомитиви. Германия, 1841 йил.

Дизайн касби

Дизайн касб сифатида тан олинганлигига қарийб 100 йил бўлди. Унинг ҳисоби Англияда XIX аср охирида бошланган “Санъат ва ҳунармандчилик яқдиллиги учун” деган машҳур шиор раҳнамочиси, буюм ва жиҳозлар ижодиёти соҳасининг таниқли рассоми ва назариятчиси Уильям Моррисдан бошланади. Айнан ўша пайтларда дизайн назариялари ва ижодий принциплари асосланиб маълум даражада шакллана бошлаган ва бу борадаги кейинги йўналишлар ва мактабларга ўз таъсирини ўтказиб келган эди. Дизайн мутахассислигининг пайдо бўлганлиги санасини баъзан XX аср бошларида юзага келган деган, яъни қачонки саноат соҳаларида етакчи лавозимларда банд бўлган фирма стилларини яратиш имкониятига эга бўлган рассомлар даврига ҳам ишора қилишади. Мисол сифатида, АЭГ немис электротехник компанияси ва Американинг “Форд моторс” автомобиль фирмаси келтирилади. Бу мавзуда бошқа фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, дизайнни профессия деб фақат дизайн мактаблари юзага келган ва уларда ўқитиш методикалари яратилган ҳамда илк бор дипломли мутахассислар чиқарила бошланган даврдан бошланади дейилади. Булар Германиядаги биринчи мактаб – Баухауз ва совет Россиясидаги ВХУТЕМАС мактаби, шунингдек яна бир нуқтаи назар мавжуд бўлиб у 1929 йил содир бўлган дунёвий кризисни сабаб бўлганлигига ишора қилиниб, унда Америка номи билан боғланади. Дарҳақиқат, 1929 йилги кризисгача Европа дизайннинг


саноат ишлаб чиқаришига таъсири деярли кўзга ташланмайди. Кризиснинг бошланиш арафасида Америка дизайни реал коммерция кучига айланди ва ялпи характерга эга бўлиб профессионал “дизайн индустрияси” юзага келади.



3-расм. а – “Пфафф” русумли қўл тикув машинаси. Германия, 1862 йил;

б – биринчи стол телефон аппарати, 1888 йил; в – тошкўмир билан қиздириладиган дазмол, Германия, 1850 йил.

Асримиз бошларида Америка ва катор Европа мамлакатлари архитектурасида шаклланган янги стил йўналиши “функционализм” деб аталиб, ўзига хос назарий манба сифатига ва дизайнда янгича форма шакллаштириш принципига айланди. Бадий формалар гўзаллигини уларнинг функционал мақсадларга мослигида кўрган пешқадам (лидер) функционалистлар айнан машиналар яратиш дизайнининг ҳам бошида турар эдилар. Булар ичида Чикаго архитектура мактаби асосчиси ва ўзининг машхур “Машина асри” бинолари билан танилган архитектор Луис Саллим; Америка функционалистлари, немис архитектори ва рассоми Петер Беренс – дизайన్ని ривожланиши асри билан ва “фирма стили”нинг юзага келиши, унинг исми билан боғлиқ деб ҳисобланади; Веркбунд номли Германия ишлаб чиқариш уюшмаси пешқадамларидан бири Мис Ван дер Роэ ҳам шулар каторида эди. Дунёга машхур замонавий архитектура ва дизайн асосчиси Вальтер Гропиус; Герит Томас Ритвельднинг “Қизил-кўк” концептуал креслоси эса замонавий дизайннинг скульптуравий симболи бўлиб қолди.



4-расм. а – Чарлз Макинтош яратган стул, 1903 йил; б – Отто Лилиенталь, тўнғич учувчининг планердаги парвози. Берлин, 1893-1896 йй.; в – Геррит Ритвельд яратган “Қизил-кўк” стули, 1918 йил.

Дизайн пионерларидан¹ ишлаб чиқариш саноатига кириб келганлар ичида архитекторлар ва модернист-рассомлар ҳам бор эди. Модерн намояндалари ҳам бўлиб улар жонга тегиб кетган эски стилдан воз кечиш йўлларини қидирар бадиий ечимда эклектика², безакбозлик, нақшбозлик кабиларни кескин танқид қилар эди. Уларни ўрнига рационал-геометрик формалар таклиф қилишар ва материалларнинг ҳақиқий фактурасини сақлаб қолишга интилишар эди. Мазмунан бундай интилишлар индустриал формалар яратиш фалсафасига янги қадам эди. Булар ичида “Модерн” стили асосчиси таниқли Анри Ван де Вельде; Бутун дунёга машҳур “Вена стили”нинг муаллифи Михаэл Тонет; Шотланд архитектори “Арнуво” стилини пешқадам яратувчиларидан бири Чарлз Макинтош. Бу стил Европа модернининг юқори чўққиси ҳисобланиб, унинг мебеллари бугунги кунгача ишлаб чиқарилмоқда; профессионал дизайн асосчиларидан бири Рэймонд Лодини саноат дизайнининг ҳам яратувчиси деб тан олишади. Камилло Оливетти, Эрвин ва Артур Браунлар; италян архитектори “Домус” журналининг асосчиси Джованни Понти; замонавий фин архитектураси ва

1. Пионер – бу ерда кашфиётчи, янгилик яратган одам маъносида.

2. Эклектика – бир неча услубни ўзида мужассам этган махсулот ёки санъат асари

дизайни асосчиси Алвар Аалто ва шунингдек Россия дизайнер-рассомлари – К.Малевич, А.Родченко, В.Татлин, А. Лисицкий ва бошқалар дизайн ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Кейинги йилларда “Дизайн” тушунчаси: Бадий конструкциялаш, “Саноат санъати”, “Техник эстетика” терминлари остида шунингдек, дизайнер эса “Конструктор-рассом” деб номланиб келди.

Дизайн мактаби собиқ СССР ҳудудида бутун Иттифоқ техника эстетикаси, илмий текшириш институти деб номланган эди. 1960-1980 йилларда энг оммавий донг таратган “Техника эстетикаси” журнали ўз даврида дизайн тараққиётида катта роль ўйнади.

1.2. Дизайнер фаолиятининг лойиҳавий-бадий хусусийлиги

*Машиналар бир хил, бепарво, ҳам
гўзаллик, ҳам хунук нарсалар яратаверади.
Аммо унинг забардаст қўлларини гўзаллик
бошқарсагина улар гўзаллик ярата
бошлайди...*

Анри Ван де Вельде

Дизайн формаларининг қулайлиги ва хилма-хиллиги, комфорт

Бадий лойиҳалаш фаолияти бошқа фаолият турларига қараганда қулайлик ва комфорт тушунчаларига энг яқин ва чамбарчас боғлиқдир. Дизайн ўзининг пайдо бўлган давридан бошлаб ҳар доим индустриал саноат моллари, сериялаб ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб келди. Шунинг учун ҳам маҳсулоти ҳар доим ўрта хол харидорларга мўлжалланиб келади.

Индустриал маҳсулотлар



5-расм. Чарлз Имс. Оёқ қўйиш учун мўлжалланган кресло. АҚШ, 1956 йил

Ўзида икки муҳим сифатни мужассамлаштиради, яъни арзонлиги ва шаклий жихатдан мукаммал ўйланганлигидир. Ана шу сифатлари жихатдан у хунармандчилик маҳсулотлари билан рақобат қила олди. Шундан келиб чиқадики, агар дизайнер ўз лойиҳасида хатога йўл қўйса, унинг маҳсулоти жуда қимматга тушиб кетиши мумкин. Шунинг учун у ёки бу моделни ишлаб чиқаришда жуда муҳим жавобгарлик талаб қилади. Ана шу талабга жавоб бериш учун замонавий дизайн махсус билим, илмий ва амалий усуллар билан қуролланишини тақозо қилади.

Бу билимлар ичида энг муҳимларидан бири эргономика бўлиб, у инсоннинг антропометрик, психо-физиологик, функционаллик аломатларини ўрганади. Дизайнда майда-чуйда деган тушунча бўлмайди. Чунки у “Инсон учун” деган шiorга бўйсунди. Бугунги куннинг автомобилида унинг панелидаги приборлар, рулининг ва барча ричаг, креслолари, кулдонларию педалларининг ҳолати ҳамда уларнинг ҳаракати мукаммал ўрганилиб, эргономик талабларга жавоб бериши, шунингдек ҳар бир қисмнинг ечими, эстетик нуқтаи назардан гўзал бўлиши талаб этилади. Техник ва эстетик жихатдан уйғунликка эришиш замонавий дизайннинг бирламчи вазифаси бўлиб, у замонавий саноат ривожининг гаровидир.

Бундан ташқари автомобилнинг бадиий образини, шунингдек фирма стилини яратиш унинг эсда қоладиган ёрқин шаклини топиш, ўз эмблемаси, логотипи, хуллас фирма нишони, плакати, реклама қурилмалари, интерьер ва экстерьер, ишчи ва хизматчилар кийими, қисқа қилиб айтганда фирманинг барча атрибутлари ўзаро гармонияда бўлиши керак.

Архитектура ва мебель ишлаб чиқаришда қулайлик принциплари аъзалдан маълум. Бунинг учун қадимги ўтов ва кўчма чодирларни эслаш кифоя. Улар йиғма ширмалардан иборат бўлиб, фазода исталганча жойлаштириш, кенгайтириш, яқинлаштириш мумкин.

Дизайнда ихчамлик ва мақбуллик (рационаллик) билан фазодан фойдаланиш бош принциплари ҳисобланиб, улар алоҳида аҳамиятга эгадир. Элементларнинг ўз ташқи формаларини ўзгартира олиши, бошқа функционал

ҳолатга ва ўзгача конкрет ситуацияга мослаша олиши (мобилликни), қулайликни мақбул томонларидан бўлиб, дизайнерлар ўз фаолиятларида кенг фойдаланадилар.

Ялпи индустрияли ишлаб чиқаришда кўп учрайдиган муаммолардан бири ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларининг камлиги бўлиб, буюмлар ташқи кўринишининг бир хиллигидир. Бу ҳолда дизайнерга серияли чиқариладиган элементларнинг хилма-хиллиги ёрдамга келади. Дизайнерга бу элементлардан конструктор принципида турли композициялар тузиш, янгича хилма-хил компоновкаларга эришиш имконини беради. Маҳсулотлар ташқи кўринишининг хилма-хиллигига эришишда катта потенциалга эга бўлган ранг, фактурали ечимдан фойдаланиш жуда қўл келади. Саноатда кўп турлилиқ ечимдан фойдаланиш, кўп тиражли арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради. Бунда харидорнинг турли эҳтиёжларини қондира оладиган юқори сифатли, хилма-хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилади.

1.3. Дизайн ва маркетинг

Эргономик лойиҳалаш билан бирга замонавий дизайнер ишининг ажралмас қисми – молларнинг истеъмол сифати ва маркетингдир. Дизайнернинг иши фақат бўлажак маҳсулотни лойиҳалаш билангина тугамайди. Буюмнинг яққол кўзга ташланиши – бу ҳали дизайнерни иши тугади деган сўз эмас. Асл дизайнерлар ўзларини ишлаб чиқариш фирмасидаги истеъмолчиларнинг ҳақиқий вакили деб ҳисоблайдилар. Сотув бўлими кўпроқ сотишни, ишлаб чиқариш бўлими – товарнинг тан нархини камайтиришни ўйлашади. Фақат дизайнер ўзини харидорлар ўрнига қўйиб, товарнинг функцияси, иш бажариш вазифаси, уларнинг иш бажаришдаги қулайлиги, уни сақлаш, тутиш кабилар ҳақида ўйлайди.


Кўпгина дизайн бўлимларида мутахассислар, саноат психологлари “инсон фактори”га мўлжалланган истеъмолчи ва товар ўртасидаги алоқани

диққат билан ўрганиб борадилар. “Microsoft Corporation” йирик компанияси компьютернинг янги “сичқонча”сининг янги моделини ишлаб чиқиш учун инженерлар, психологлар, дизайнерлар иштирокида кенг доирада текширув олиб бордилар. Бунда ўнлаб моделлар ишланиб, унинг ўлчами, клавишлар конфигурацияси, ишга тайёрланиши, формаси ва хоказолар бўйича психологлар, харидорлар гуруҳи тузилиб, синовдан ўтказилгандан сўнг уларни дизайнерларга узатишдилар. Компания фикрига кўра ўтказилган тадқиқот ишлари бекорга кетмаган. Компания томонидан ярим йил ичида, ўтган бир неча йилларга нисбатан бир канча кўпроқ “сичқонча”лар сотилган.

Дизайнерлик лойиҳалаш бўлажак моделнинг эскиз вариантларидан бошланади. Кейин улар таққосланиб, энг мақбули танланиб, моделлашга ва синов учун анализга юборилади. Тадқиқот текширув жараёнида айрим ўзгартиришлар киритилади. Аммо текширув ишлари бу билан тугамасдан биринчи партия чиқарилгандан кейин ҳам текширув давом этиб, фақат ундан сўнг саноат намуналарини модернизациялаш ўтказилади. Лойиҳалашнинг турли поғона, босқичларида бундай чуқур анализ, маркетинг билан яқин ҳамкорлик дизайн лойиҳасини бошқа бадиий лойиҳалаш турларидан кескин фарқлайди.


1.4. Жисмлар муҳитини комплекс ташкиллаштириш

Замонавий дизайнернинг фаолияти алоҳида бир турдаги маҳсулот яратиш билан чегараланиб қолмайди. Бугунги кунда унинг диққат доирасини бутун муҳит – жамоат ва турар жойлар интерьерлари ёки ташқи муҳит ландшафт дизайни, шаҳар муҳити дизайни кабилар ҳам қамраб олади. Дизайнернинг ишини шартли равишда рассом ва архитектор ишлари билан таққослаганда, архитектор майдонни



6-расм. Пьер Лиссони яратган Мет 250 русумли юмшоқ мебеллар тўплами.

ташкил этади, архитектуроник урғу беради, эшик, ойналар ўлчамларини белгилаб нур ёғдуларини аниқлаштиради, уларнинг ранг фактурасини, ишловини ва бошқаларини яратади. Рассом эса текисликда ишлай бошлаб ранг ечими, бадиий образ, турли шакллар, монументал рангтасвир, барельеф ва ҳайкалларни фазовийлигини, бадиий образини, муҳитнинг функционал талабларидан келиб чиқиб яратади. Дизайнер эса ана шу фазони керакли функционаллик, психофизиологик талабларга кўра комфортли муҳитни ташкиллаштиради, яъни жихозлайди. Дизайнернинг бундай фаолияти бугунги кунда “Шаҳар муҳити дизайни” деб ном олди.



7-расм. Марсель Бройер. Алюмин ва пўлатдан ишланган стуллар турлари, 1933 йил

Бугун шундай алоҳида ўзига хос фазовий муҳитлар турлари вужудга келдики, қайсики улар дизайн қонуниятларига риоя қилинган ҳолда ташкиллаштирилади. Масалан: авиалайнер салони, тез юрар пассажир поездлар салонлари, турли замонавий теплоходлар, батисфак кабинаси ёки космик кема кабиналари ва ҳоказолар.

1.5. Формаларнинг¹ функционаллиги² ва рационаллик³

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши унинг эстетик сифати ҳамда бевосита унинг рақобатбардошлиги билан боғлиқ. Улар кўпинча бозорда ҳал қилувчи, мақбуллик ролини ўйнайди. Барча бадиий безак ишлари унинг тан нархини оширади ва ўз-ўзидан унинг рақобатбардошлиги сусаяди. Шунингдек машинада тайёрланган декорли элемент қолипдан минглаб нусхада чиқарилгандан сўнг унинг ноёблик сифати йўқолади. Бундай ҳолларни саноат дизайни ўтмишида ҳам учратиш мумкин. Дастлаб машина саноатида ишлаб чиқарилган нарсалар ҳунармандлар ясаган формалардан кўчирилган буюмларга ўхшар эди. Аммо бу ишлаб чиқарилган буюмларнинг технологияси машинада ишланганлиги учун бошқача эди. Ўз-ўзидан унинг



кўриниши ҳунарманднинг маҳсулотига нисбатан “кўчирма”га ўхшаб, унинг ишини фақатгина эслатиб турар эди. Бундай ҳол эса яхши дидли кишига ҳақоратомуз туюлар эди.

Дизайнерлар бундай ечими қийин бўлган ҳолга барҳам бердилар. Бунда буюмларни эскича нақшинкор безаккашлик ўрнини янги геометрик услубидаги, яъни янги шаклий

8-расм. Егон Айерман. “SE 18” моделдаги йиғилувчи стул. ўзгариш кўринишидаги формалар безай бошлади.

Энди маҳсулот формаларини умумий шакли ва барча қисмларини майда-чуйдасигача обдон ўйланган ҳолда ишлов берилиб, уларнинг конструктив, технологик функционаллиги ва тежамлилигига алоҳида эътиборини қаратдилар. Дизайнерлар лойиҳалаш жараёнига ўзгача ёндошиб

1. Форма – шакл. 2. Функционаллик – белгиланган вазифага мослик. 3. Рационаллик – тежам ва ақл идрок билан бажариш.

маҳсулотни эскизлашда кўплаб вариантлар бажариб, улардан энг мақбуллари танлагандан кейингина уни саноатга киритила бошлади. Буюм гўзаллиги, унинг тектоникаси ва функционаллиги ишлаб чиқаришнинг асосий мақсадига айланди.

Функционаллик ва рационаллик – дизайн фалсафасининг асосий мезонлари бўлиб, кам харажат билан юқори сифатга эришишдир. Шунинг учун ҳам дизайн тарихий изланиш ва тадқиқот ишларида XX асрда кўпгина мамлакатларда ҳукм сурган “Функционализм” архитектура-вий стили билан яқин алоқадорлиги ҳақида эслаб ўтилади. Бунда фаоллик кўрсатган намояндалари замонавий дизайн пионерлари бўлиб етишди.

Ханс Майер, Баухауз директорларидан бири шундай ёзган эди: “Дунёдаги ҳамма нарсалар функциянинг рационалликка кўпайтмасидан ҳосил бўлган натижалардир”.

Материаллар ва конструкция рационаллиги талаблари Россиянинг машҳур архитектура ва дизайн мактаби ВХУТЕМАСнинг ҳам бош тамойили эди.

Бу мактабда талабаларга бериладиган топшириқларга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагича эди:


- мавжуд нарсани (буюмни) соддалаштириш (ундан безакларни олиб ташлаш, конструкциясини аниқлаш, ишламайдиган қисмларини олиб ташлаш);

- мавжуд нарсани (буюмни) яхшилаш (уни янада қулайлаштириш, функционаллаштириш).

1.6. Дизайн ва мода

Дизайн маҳсулотлари нафақат замонавийгина бўлиб қолмай, балки маълум бир инсонлар гуруҳининг эстетик талабларини қондира оладиган бўлиши лозим. Замонавийликни ва модани ўткир ҳис этиш дизайнер ишининг муваффақияти гаровидир.

Америка мутахассисларининг таъкидлашича – дизайн нафақат миқдор жиҳатдан, яъни ўлчамлари, тезлиги, кучи, нархи кабилар билан характерланибгина қолмасдан, балким янада нозик, сифат томонлари – қулайлиги, комфортлиги, стили билан ҳам характерланади. Масалан, одамлар “Форд-Таурус” автомобилени унинг соатига неча километр тезликда юра олиши ёки қанча бензин сарфлаши учунгина сотиб олмайди. У миқдорий кўрсаткичлари жиҳатидан бошқа автомобиллардан унчалик фарқланмайди. Одамлар унинг ташқи формасининг гўзаллиги, оригиналлиги туфайли ўзларининг кимлигини бошқаларга билдириш ёки қандай шахс бўлиб таъсирот қолдириш учун ҳам харид қиладилар.



9-расм. а – Ташиуки Кита яратган кресло (ёғоч, алюмин ва чарм), 1989 йил;

б – Вильям Савайя. Ёғочдан ишланган стул, 1992 йил;

Замонавий дизайн ривожининг негизида модадан ҳам муҳимроқ нарса ётади – у ҳам бўлса инсоннинг маънавийлиги, унинг аниқликка интилишидир. Бугунги кунда техника ҳаётимизнинг бош мезонига айланиб қолди. Харид қилинган нарса нима ўзи, у билан қандай мулоқотда бўлиш мумкин, ундан инсонга қандай фойда каби саволлар ўз-ўзидан туғилмоқда. Масалан, мобиль телефони ёки телевизор сотиб олсангиз аввало уни қандай ишлаши қизиқтиради.

Дизайннинг асл моҳияти инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўқис қондиришга қаратилган буюмлар дунёсини

гармоник равишда яратишдир. Дизайннинг энг муҳим икки компонентлари бу – функционаллик ва эстетик сифатидир.

1.7. Дизайннинг соҳаларга бўлиниши

Дизайннинг классик турлари

Дизайннинг глобаллашуви натижасида бугунги кунда лойиҳачиларнинг ихтисослашуви кузатилмоқда. Бу жараён нисбатан шартли бўлиб, кўпчилик дизайнерлар бир вақтнинг ўзида бир неча соҳаларда муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Замонавий лойиҳавий дизайн ижодининг асосий турларини санаб ўтамыз.

Графикавий дизайн. Лойиҳалаш объекти: шрифтлар, пиктограммалар, фирма стили, турли нишонлар ва ҳоказолар. Булар қоғоз ва бошқа текислик юзаларида ишланадиган тур. Дизайннинг кенг тарқалган ва кўп асрли анъаналарини давом эттириб келаётган турларидан ҳисобланади. XX аср бошида реклама билан биргаликда жадал тезлик билан ривожланаётган амалий графика санъати жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эгаллаб олди. Анъанавий китоб ва плакат беазаги, шрифтлар, ғилофлар, этикеткалар ечими, фирма белгилари ва фирма услублари ишланмаларига дастлаб коммуникатив тармоқ (бинолар интерьерлари, аҳоли турар жойлари муҳити ва кўчалар)лар беазаги дизайни, кейинчалик телевидение лавҳалари, реклама роликлари, сўнгги ўн йилликларда эса компьютер дизайни қўшилди.

Саноат (ишлаб чиқариш) дизайни. Лойиҳалаш объекти: турли машиналар, приборлар, жиҳозлар, мебель, идиш буюмлари, кийим. Умуман олганда шакл (объём) лар устида ишлайдиган тур. Саноат дизайни жуда кенг объектлар кўламини эгаллаб, бунда “игнадан тортиб самолётгача” бўлган объектлар лойиҳаланади. Илмий жиҳатдан кўп меҳнат талаб қиладиган, техник жиҳатдан мураккаб, давлатнинг иқтисодий потенциалини белгилаб берувчи “А” гуруҳи маҳсулотлари лойиҳалашда асосий ўринни эгаллайди. Машинасозлик маҳсулотлари ва ускуналар, транспорт воситалари, ҳарбий

техника ва қурол яроғлар шулар жумласидандир. Кўпроқ оммавий характердаги дизайнга хос истеъмол предметлари “Б” гуруҳи маҳсулотларини ташкил этади. Гуруҳ ўз навбатида ўзига хос гуруҳчаларга бўлинади. Бошқачароқ қилиб айтганда, саноат дизайнига маиший жиҳозлар, асбоблар, буюмлар, хўжалик ашёлари ва ҳ.к.лар тааллуқлидир.

Био интерьерлари учун мебел ва жиҳозлар, шунингдек идишлар, ошхона жиҳозларининг дизайни муҳим аҳамият касб этади. Уларни лойиҳалаш илдизлари узоқ тарихга – хунармандчилик ишлаб чиқаришига бориб тақалади.

Кексалар ва ногиронлар учун жиҳозлар, тиббиёт жиҳозлари дизайни ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Болалар учун лойиҳалар яратиш, айниқса ўйинчоқларни лойиҳалаш ҳам шулар жумласидандир.

Ҳозирда эса кўп тарқалган дизайнерлик фаолиятининг соҳаси буюмларини ташкил этадиган - оммавий эҳтиёж маҳсулотлари ҳисобланади. Булар идиш-товоқлар, рўзғор асбоблари, аудио ва видеоаппаратуралар, электр агрегатлар ва механизмлар, мебел ва шу кабилар. Бозор шароитида русум ўзгариши, комфорт даражаси талабларининг доимий ўсиши дизайнердан бу буюмлар формаси, модификациясини доимий ўзгартириб бориш учун тинимсиз меҳнат қилишни талаб этади.

Архитектуравий муҳитлар дизайни – ташқи ва ички (интерьерлар) архитектуравий муҳитларни лойиҳалашни ўз ичига қамраб олган. Жамоат, тураржой, ишлаб чиқариш бинолари интерьерлари ва жиҳозлари ечимини яратиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар дизайн вазифалари ва лойиҳалаш услубларини аниқлаб беради.

Замонавий дизайнерлик фаолиятида архитектуравий муҳитлар дизайни кундан-кунга кенг тарқалиб бормоқда. Ушбу йўналиш ўз ўрнида интерьер ва ташқи архитектуравий муҳитлар дизайнига бўлинади.

Жамоат бинолари интерьери ўнлаб ва юзлаб инсонлар ташриф буюрадиган биринчи даражали вазифа бу образли – семантик¹ масала ҳисоб-

1. Семантика – маъноли, бирор нарсани асл маъноси.

ланиб, объектнинг юқори бадий образини яратиш талаб этилади. Шунинг учун дизайнер эътиборни пардозлаш материалларига қаратади. Бунда кўпинча ёғочнинг қимматли ноёб турлари, табиий тошлар ва шу каби бошқа узоқ хизмат қилишга мўлжалланган ноёб материаллардан фойдаланилади. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик оммани қабул қилишга мўлжалланган жамоат бинолари фазоси кўп пролетли конструкцияли зал кўринишига эга бўлади. Бинонинг худди шу хусусияти ва тектоникаси интерьер бадий ечимининг асосий масаласига айланади (пилястри, юк кўтарувчи устунлар, формалар). Уларнинг шакли, рангги интерьер композициясининг ўзига хос кўринишини юзага келтиради.

Турар жой бинолари интерьерларининг ўлчамлари анча кичик бўлиб, жамоат биноларидан фарқ қилади ва нисбатан содда, компакт формаларга эга бўлади. Уларнинг интерьерларини ташкил этишда асосий урғу мебел ва жиҳозларни жойлаштиришга қаратилади. Турар жойлар интерьерларининг ўзига хос образли ечимига мебел ва жиҳоз элементларининг жойлаштирилиши, шрифт, пол ва деворнинг ранг ва фактуравий ечимлари, шунингдек интерьерга алоҳида уникал элементлар-соатлар, картиналар, ёритгичлар, каминлар ва шу кабиларни қўллаш орқали эришилади. Деворлар пардози даврий, янгилаб туришга мўлжалланганлиги маъқул. Кичик ўлчамли хонадонларда жой камчилиги сабабли, мобил (йиғма) мебеллар кенг қўлланилади (йиғма стол ва диванлар, кресло ва диван кроватлар, кроват-шкафлар). Улар ёрдамида интерьер фазосидан унумли фойдаланиб, бир хонанинг ўзида турли функционал жараёнларни ташкил этиш мумкин. Бундан ташқари турар жойлар интерьерларида эргономикага ва муҳитга катта эътибор қаратилади. Ушбу масала биринчи навбатда хонадон ишчи зоналарига тааллуқли бўлиб, овқат тайёрлаш жойи, оила аъзоларининг қизиқишлари, ўқув ва касбий фаолиятлари интерьерни характерини аниқловчи омиллар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш бинолари интерьерлари ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир. Ишлаб чиқариш характери интерьер фазоси ва конструктив ечимини

аниқлаб беради. Масалан, пўлат қуйиш цехи интерьери конструкциялари ва фазовий ўлчамлари автомобиль конвейерлари ёки қўл соатлари тайёрланадиган цехдан анча фарқ қилади. Саноат интерьерларини ташкиллаштириш жараёнида муҳим талаб ишчи ўринлари, уларнинг ёритилганлик даражаси, ранглар ечими, гаммаси ишлаб чиқариш жиҳозлари ўлчамларига қўйилади.

Архитектуравий дизайн. Лойиҳалаш объекти: бино ва иншоотлар ва уларнинг комплекслари. Интерьер лойиҳаси. Архитектуравий дизайн асосан фазовийлик билан боғлиқ тур.

Дизайн ўзининг ривожланиш жараёнида муттасил шаҳар фазосига кириб боради. Дастлаб у автомобиллар ва киоскалар, савдо автоматлари ва телефон автоматлари кўринишида намоён бўлди. Шаҳар муҳити дизайни ёки бошқачароқ айтганда “шаҳар дизайни” айниқса ўтган асрнинг 60-йилларида шаҳар марказларида юқори камфортли ободонлашган пиёдалар фазолари ташкил этилиши кўринишида ривожлана бошлади.

Бугунги кунда эса анъанавий боғ-парк санъати ва ландшафт архитектураси асосида ландшафт дизайни деган тушунча пайдо бўлди.

Дизайннинг янги турлари

Дизайннинг янги турларини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1) Сфера дизайни: экодизайн, эргодизайн (бу турнинг бош мақсади эргономик талабаларга жавоб бериш), футуродизайн (келажак лойиҳалари устида ишлаш – қайсики бугунги кунда уни қўллашни иложи йўқ), амалий дизайн, экспозиция дизайни (кўргазмалар); инженерлик дизайни (турли техник қурилмалар, масалан кўприклар);

2) Ишнинг натижасига мўлжалланган дизайн: арт дизайн (санъат объектлари билан боғлиқ айрим дизайн объектлари. Масалан, амалий санъат билан омукталашган монументал услубдаги бажариладиган ишлар. Штрихли, компьютер дизайни ва энг замонавий Web дизайни).

Кўргазма экспозициялари дизайни – ҳаёт фаолияти муҳитини байрамона безатиш, мавжуд анъаналар ва ўзига хос хусусиятга эга

архитектуравий муҳитлар дизайни ва график дизайн кесишмасида муҳим ўрин эгаллайди.

Кийим ва аксессуарлар дизайни эндигина умуммуомалага кириб келаётган тушунчалар тоифасига киради.

Мода саноати фақатгина унинг ўзига хос қоидаларига асосланиб яшайди. Ҳозирда модельер-рассомлар томонидан “модельер (haute couture)* дан” тортиб оммавий кўплаб миқдорда ишлаб чиқариладиган “тайёр кийим” (pret-a-porter)** гача бўлган ноёб коллекциялар яратилмоқда. Аҳолининг



10-расм. Вячеслав Зайцев.

барча қатламлари қизиқишини ҳисобга олиб, замонавий материал ва технологияларни қўллаган ҳолда юқоридаги икки йўналишда ҳам кенг ассортиментда кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

Арт-дизайн (ингл. art - санъат) нинг хусусияти шундан иборатки, дизайнернинг диққат эътибори биринчи навбатда объект образлилигига эришишга, бадиий таассурот уйғотишга йўналтирилади. Маҳсулот фойдалилик аҳамиятини йўқотиб (ёки жуда кам даражада сақлаб қолади), ҳаддан ташқари декоратив, кўрғазмали кўриниш олади, яъни амалда эмоция лойиҳаланади. Бозор муносабатлари шароитида пайдо бўлган “эмоционал харидлар” – арт-дизайн асарларини яратиш малакаси ҳозирда саноат дизайни маҳсулотларини лойиҳалашда ҳам кенг қўлланилмоқда.

* **Юксак мода** (франц. Haute couture, итаъл. alta moda, “от-кутюр” яъни модельер ўз қўли билан яратган) - юқори сифат даражасидаги тикиш санъатини билдиради. Халқаро мода соҳасида ўз ўрнига эга етакчи мода салонлари маҳсулотлари шулар жумласига киради. Машҳур мода салонларида мижоз буюртмаси бўйича ноёб ижод намуналари ишлаб чиқарилади. 1868 йилда тузилган Париж Юксак Модалар Бирлашмаси қоидаларига асосан буюртманинг 70 фоизи қўлда бажарилиши шарт. Буюртмалар махсус тайёрланган матолардан тикилади.

** **“Прет-а-порте”** (франц. “тайёр кийим”) – бу омма учун ишлаб чиқарилган тайёр кийимлар бўлиб, улар тайёр андозалар бўйича фирма магазинлари ёки бутик (франц. “boutique” - дўкон) ларда сотиш учун кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилади. Дизайнер фақатгина эскизлар яратади, кийимлар эса фабрикаларда тайёрланади. “Прет-а-порте” бугунги кун анъаналарини ўзида ифода этади. Ушбу тушунча XX асрнинг 50 йилларида оммавий моданинг тарқалиши билан пайдо бўлган.

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Дизайн тушунчаси дастлаб қандай юзага келди?
2. Дизайн маҳсулоти намуналари қандай яратилади?
3. Лойиҳалаш, конструкциялаш жараёни қандай кечинади?
4. Саноат маҳсулотлари ва дизайнда ўзаро боғлиқлик ва улар кимга хизмат қилади?
5. Дизайнга қўйиладиган “гўзаллик” талаби ҳақида фикрингиз?
6. Мухандислик, техник, ижтимоий, назарий билимларни дизайнга алоқадорлиги қандай?
7. Дизайн индустрияси нима?
8. Дизайннинг дастлабки мактаблари, номланишлари ҳақида сўзлаб беринг?

2-МАВЗУ

ДИЗАЙН ВА ТУРАРЖОЙ

РЕЖА:

2.1 Кишилик жамияти тарихида маскан тушунчаси


2.2 Масканнинг функционал вазифаси ва безатилиши

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Ибтидоий жамоа. Маскан. Архитектура. Шаҳарсозлик. Архитектуравий услуб. Ижодий, профессионал маҳорат. Эволюцион ривожланиш. Функционаллик. Конструкция. Кам харажатлик. Эстетика ва бадийлик. Умумий ва хусусий архитектуравий шакллар. Бадий безаклар.

2.1. Кишилик жамияти тарихида маскан тушунчаси

Инсоният архитектуравий-қурилиш фаолиятининг бошланиши палео-лит даврига тўғри келади ва у энг оддий тош қуроллари ёрдамида одамларнинг ўзига уй-жой қуриши яъни маскан ташкиллаштириши билан боғлиқ. Ёғочга бой ҳудудларда



11-расм. Йирик ҳайвонлар суякларидан
ясалган қапа



12-расм. Ғорлардан жамоавий яшаш
манзили сифатида фойдаланиш

шоҳ-шаббалардан икки томонга қия жойлаштирилган томли чайлалар қурилиши кенг тарқалган. Тоғлик ҳудудларда эса тошдан, яланг тангликларда пахса, ер тўлалар каби қурилмалар юзага кела бошлаган.

Архитектуравий масканларнинг пайдо бўлиши сўнгги полеолит даврига тўғри келади. Бу даврга келиб қурилиш жараёни фақатгина техник фаолият билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балким одамларнинг маънавий талаб-ларини ҳам қондиришга хизмат қилишга қаратилган. Оддий конструкцияларга эстетик томондан ишлов бериш ва қуриш жараёнига бадиий-техник талабларнинг киритилиши қурилиш фаолиятига маълум даражада ғоявий образ тушунчасини олиб киради.

Неолит даврида тош қуролларини такомиллаштириши инсониятнинг моддий имкониятларини кенгайтди. Бу даврга келиб ёғочдан ясалган уй-жойлар тўғри бурчакли шаклда қурилиб, деворлар устунлар ва уларга бириктирилган шох-шаббалар ўрмидан иборат эди. Худди шундай иморатлар Днепр дарёси бўйларида Коломийщина-1 деган жойда топилган. Бу жойда иморатлар 2 та консетрик давра шаклида жойлаштирилган: диаметри 170 м айлана бўйича катта уйлар жойлаштирилган бўлиб, айлана ичида эса кичик уйлар жойлаштирилган. Бу тураржой маскани энг қадимий мунтазам шаклдаги тураржой бўлиб, ибтидоий жамоа хусусиятлари ва муҳофаа вазифаларини бажаришга мослаштирилган бўлган.

Янги тош даври – неолит даврида (эрамиздан олдинги VI-II минг йиллик) меҳнат қуроллари кенг қўламда ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа аъзолари деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаган. Бу даврда дарёлар ва қўллар устида қозик қоқиб қурилган бинолар тури кўп тарқалган. Бундай биноларнинг қурилиши балиқчилик билан шуғулланиш учун яхши шароит яратган.

Неолит даврининг сўнгги даврида, яъни бронза асрида металлдан ясалган иш қуроллари пайдо бўлди. Шу даврда мегалитик қурилмалар ҳам кенг тарқалган. Мегалитик қурилмалар жуда катта тош бўлакларидан қурилган бўлиб, улар ҳар хил диний удумлар билан боғлиқ бўлган. Мегалитик қурилмалар асосан уч турга бўлинган: менгирлар, долменлар ва кромлехлар.

Менгирлар – бу вертикал шаклда ўрнатилган баландлиги 20 метрли катта тош бўлакларидир. Энг катта менгирларнинг оғирлиги қарийб 300 тонна бўлган. Улар одатда бирор бир тарихий ҳодиса шарафига ўрнатилган.

Долменлар – бу бир неча вертикал ўрнатилган тош ва уларнинг усти горизонтал тош плитаси билан ёпилган қурилма бўлиб, асосан, қабила бошқарувчиси учун қурилган. Қабила бошлиғи ўлиmidан кейин шу ерда дафн этилиб, долмен макбара вазифасини ўтаган.

Кромлехлар – мегалитик қурилмалар ичида энг мураккаб ва композицион жиҳатдан уйғунлашган иншоотдир. Англиянинг Стоунхендт деган жойидаги кромлех диаметри 30 метр бўлган айлана бўйлаб қўйиб



13-расм. Кўчманчи қабила

аъзолари ўтови

чиқилган тошлар ва уни бир-бири билан ўзаро боғланган иншоотдир. Ички айланада яна уч жуфт вертикал тошлар жойлаштирилган бўлиб, уларнинг усти ҳам ўзаро тўсин орқали боғланган. Айлананинг геометрик марказида энг катта вертикал тош жойлаштирилган. Кромлехлар қадимги ибтидоий жамоа учун ибодатхона вазифасини

ўтаган.

Кромлехларнинг айлана шакли уларнинг қуёш ибодатхонаси рамзий кўриниши эканлигини ифодалайди.


Ибтидоий жамоа ривожланишининг сўнгги даврларида мудофаа учун мўлжалланган қалъасимон иншоотлар ва ибодатхона вазифасини бажарадиган қурилмалар кенг тарқалади.

Сиклопик қалъалар деб номланган қурилмалар деворлари катта ўлчамдаги вертикал тошлардан қурилган. Ёғочга бой ҳудудларда эса деворлар дарахтлар танасидан ясалган. Одатда, қалъалар икки ёки уч қатор деворлар билан ўраб олинган.

Ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа тузумининг инқирозига олиб келди. Бу

инқироз натижасида ибтидоий жамоа таназзулга юз тутди ва қулдорчилик тузуми юзага келади.

Неолит даврида Ўрта Осиёда ҳам чайлага ўхшаш катта қабила уйлари қурилганлиги маълум. Жумладан, эрамиздан аввалги IV-III минг йилликларга тааллуқли қадимги Хоразмда очилган “Жонбоз-4” деб номланувчи овчиларнинг чайласимон тураржойи бунга мисол бўла олади. Бу иморат қум бархани устида қурилган бўлиб, ўлчамлари 290x17 метрни ташкил қилган. Иморат марказида диаметри 1,2 метр бўлган бош ўчоқ ва иморат чеккаларида 100 тадан ортиқ рўзғор ўчоқлари жойлашган. Чайланинг томи ва устунлари терак ёғочлардан тайёрланган. Бу жойдан кўплаб тош қуроллари, сопол идиш бўлаклари ва бошқа ашёлар ҳам топилган.



14 -расм. а – катта оила учун мўлжалланган чодир; б – чайлалардан ташкил топган маскан.

2.2. Масканининг функционал вазифаси ва безатилиши

Инсон биринчи навбатда ўзи яшаб турган жой муҳитини ўз дидига мослаштиришга ҳаракат қилади. Чунки у умрининг кўп вақтини шу ерда ўтказади. Қулай ва чиройли муҳит кишига илҳом бағишлайди, уни гўзал ҳаёт кечиришига, гўзаллик яратишига даъват этади. Ота-боболаримиз ҳар қандай шароитда ўзлари яшайдиган жойларини обод қилишган. Бу



15-расм. Ички маконнинг ташкил этилиши

борада яшайдиган хоналари, иш жойлари, сиғинадиган жойларидан ташқари хатто охиратларини ҳам эсдан чиқаришмаган.

Сарой ва қабулхоналар

Археологлар Хоразмда милоднинг III асрига доир Тупроқ-қалъа саройини қазииш чоғида ер қаъридан учта ҳар хил услубда безатилган хонани топишган. Улардаги безаклар хоналарнинг бир пайтлар шоҳлар зали, раққосалар зали, аскарлар зали бўлганлигини ифодалайди. Аскарлар зали киши диққатини ўзига тартади. Хона атрофи супа билан айлантйрилган. Супада қўчқор шоҳига ўхшаш шакл, яъни валюталар жойлаштирилган. Ҳар қайси валюта устида кичикроқ ҳажмдаги қуролланган аскар ҳайкаллари ўрнатилган.

Саройлардаги қабулхона ва меҳмонхоналар атрофи пол сатҳидан қўтарилган супа билан айлантйрилган. Хонага кирган киши хонанинг исталган қисмидан супага чиқиб ўтириши мумкин. Хонанинг ўрта қисмидаги майдонча оёқ кийимини ечишга мўлжалланган.

Тўй ҳашамларда меҳмонлар хонанинг тўрт девори бўйлаб йўналган супада ўтиришган. Ўртада эса раққосалар ўйинга тушишган. Меҳмонлар олдиғи ёзилган дастурхон атрофида бир қаторода ўтириб, ўртадаги базмни томоша қилишган. Шундай эпизодни Болаликтепа саройи хоналаридан бирида кўрамиз. Хонада 28 нафар меҳмон ва мезбон жуфт-жуфт ўтиришипти, жуфтларнинг бирида эркак киши ёнидаги бир эркак аёлга май кўйилган қадахни узатапти. Бу манзара Болаликтепа қасри меҳмонхонасидаги деворий сурат. Расмда персонажлар характер, композиция жиҳатидан битта сюжетни, яъни меҳмондорчиликни ифодалайди.

Варахша сарой (VII-VIII асрлар) шоҳи қабулхонаси “қизил хона” деб номланган. Сарой девори қизил рангга бўялган. Девор юзаси узунасига ҳамма томонидан уч қисмга бўлинган. Қисмлар баландлиғи ҳар хил. Биринчи қисм 1,5-2 метр, ўрта қисм бир метрга яқин, учинчиси 3-5 метр баландликка эга. Биринчи қисм фил устида бораётган қаҳрамонларнинг қоплонларга найза ураётганлари тасвирланган. Иккинчи қаватда фил, от ва йиртқич

хайвонларнинг бир томонга кадам ташлаб боришлари, учинчи каватда дарахт ва қанотли туялар сурати тасвирланган. Хона атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Хона шифти ўрта қисми тўсинларнинг бир неча қаторда бири-бирига нисбатан кўндаланг жойлаштирилиши натижасида гумбаз шаклини олган. Гумбаз ўртасида катта туйнук қолдирилган.

Хона тўрида тўрт томони очик ҳашаматли кўшк мавжуд. Кўшкнинг ёйсимон равоқлари тўртта кариатида билан кўтариб турибди. Кариатидалар қанотли аёл сиймосини ифодалайди. Кўшк остида шоҳ ҳашаматли тахтда ўтирибди. Кўшк тўридаги супанинг ўнг қисмида баланд чироқ қўйилган. Супада тўшалган гиламда ўтирган шоҳ хаттоки янги битилган фармонни ўқиётгани тасвирланган. Хона деворларидаги қизил заминда ишланган суратлар кишини ҳайратда қолдиради. Тахти ва кўшкнинг серҳашам нақшлари ҳам хона композициясига улуғворлик бағишлайди.

Гурқалъа ҳокимининг қабулхонаси ҳам диққатга сазовор. Хона ўртасида иккита устун шифт тўсинларини кўтариб турибди. Хона чап томонидаги баланд супа ўртасида оташдон мавжуд. Унинг тўғрисидаги деворда меҳробга ўхшаш бўлинма ўрнатилган. Меҳроб атрофи камонга монанд эгри чизиқли қалин ҳошия билан айлантирилган. Супа устида ўчоқ, оташдон мавжуд. Унинг тўғрисидаги деворда меҳробга ўхшаш бўлинма ўрнатилган. Меҳроб атрофи камонга монанд эгри чизиқли қалин ҳошия билан айлантирилган. Супа устида ўчоқ, оташдон ўрнатиш одатини Болаликтепа кўшкidan топилган ашёлар ҳам тасдиқлайди. Тахмин қилинишича, ўчоқ диний вазифани бажарган, яъни муқаддас олов ёқишга мўлжалланган. Ўчоқ тўғрисидаги деворда кенг ва баланд панно назарда тутилган.

Араблар истилосидан сўнг саройлар, қабулхоналар аввалгидек ҳашаматли қилиб қурилган. Сарой қабулхоналарида тахт ўз моҳиятини сақлаб қолган. Энди унинг безагида кўпроқ ўсимликсимон панно тасвирланади. Тирик мавжудотлар расми ишланмайди. Тахт кариатидалари

ўрнига устунлар ишланади. Деворларда ҳам ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар ишланади. Қабулхона шифтларига рангли нақшлар солинади.

XII асрга оид Термиз саройи деворий ганч безаклари бизгача қисман сақланиб қолingan. Нақшлар кўпроқ мураккаб чизиқларни, ҳандасавий чизиқлар тизимини ташкил қилади. Ҳандасавий чизиқлар заминида ҳам турли нақшлар ифодаланган. Саройнинг жанубий деворида ҳайвонлар расми гералдик услубда тасвирланган.

Темур ва темурийлар сулоласи даврида Ўрта Осиёда салобатли, ҳашаматли саройлар қурилганлиги тўғрисида Шаҳрисабздаги Оксарой обидасининг сақланиб қолган қисми гувоҳлик беради.

XIX асрнинг охирларида Ўрта Осиё Россия томонидан ишғол қилингандан сўнг саройлар ички кўринишида Европа маданиятига хос элементлар пайдо бўлади. Шу ўринда Бухородаги Ситораи Мохи Хоса саройига қисқагина тўхталиб ўтамыз.

Ситораи Мохи Хосада подшонинг қабулхонаси “Оқ хона” деб номланган. Мазкур хона ўзининг ҳаддан зиёд гўзал безаги билан ажралиб турган. Хонанинг пардоз ишлари маҳаллий уста Ширин Муродов томонидан бажарилган. Хона деворларидаги ганч нақшлар заминида кўзгу ойналари ўрнатилган. Шунингдек, худди Бухородаги уй-жойлардагидек катта-кичик равоқли токчалар мавжуд. Равоқ ичи ҳам ранг-баранг мураккаб муқарнас шарафалар билан тўлдирилган. Бу хонада илк бор кўзгу заминида уймакорлик ишлари бажарилган. Ганчли нақшлар, токчалар, шарафалар акси кўзгуларга тушади, натижада ниҳоятда улкан, серҳашам ва ҳатто баҳаво кўриниш касб этади. Шунингдек олтин ва биллур қандилларнинг, ранг-баранг шифтнинг акси кўзларга тушиб, хонага кишини кўзини қамаштирадиган даражада тантанаворлик бағишлайди.

Милоддан аввалги I асрга оид Нисодаги ибодатхона мажмуаси иккита катта хонадан иборат. Улардан биттаси диаметри 17 метрли айлана тарҳга эга. Ибодатхона девори ички томондан икки ярусга бўлинган. Биринчи ярус девори текис юзага эга. Иккинчи ярус девори биринчи девор юзасидан бироз

орқага силжитилган. Улар бир-биридан фигурали сопол шарафа қатори билан ажратилган. Горизонтал қатор ора-орада динлар ва сулолалар нишонлари (эмблема) тасвири билан бўлинган. Иккинчи ярусда девор юзаси бир ритмда ўрнатилган устунлар ёрдамида бир нечта бўлинмага ажратилган. Устунлар орасида токчалар ўрнатилиб, ичига Парфия (Хуросон) худоларининг лойдан ишланган ҳайкаллари жойлаштирилган. Хона ўртасида махсус оёқларга ўрнатилган махсус идишда Муқаддас олов ёниб турган.

Ўрта Осиёда VIII асрда ўрнатилган ислом дини таъсири меъморчиликда ҳам ўз аксини топди. Собиқ динларга оид таълимотларга кескин равишда барҳам берилди бошланди.

Биринчи навбатда дин ривожланган марказларда ибодатхоналар йўқотилиб, ўрнига масжидлар қурилади бошланди. Бунга Бухородаги Мох, Термиздаги Чор Сутун, Туркменистондаги Данданакон масжидлари гувоҳлик беради. Мусулмонлар ҳар куни беш вақт намозни Маккага қараб ўқишлари шарт. Шунинг учун масжидларда Макка томон девори меҳроб билан белгиланган. Омма дилига исломни жойлашларни масжидларга даъват этишга меъморлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бунинг учун меъморлар масжид ички ва ташқи кўриниши ва меҳробига эътибор беришган. Меҳроб ўзининг кўркми, "бежирим беаги" билан кишини ўзига жалб қилган. Киши дилида ислом динига нисбатан ишонч, мойиллик уйғотган. Уни масжидга қатнашга даъват этган.

Масжид ва бошқа турдаги иморатларнинг ички ва ташқи беагига IX-X асрлардан бошлаб декоратив элемент сифатида чиройли ҳуснихатли ёзувлар киритилади.

IX-XII асрларда масжид ички ва ташқи деворлари беагида пардозланган безакли ғиштлардан фойдаланилган. Интерьердаги композицияларда девор юзаси бўйлаб ғиштлар арчасимон, шахмат тахтаси юриши йўналишида, жуфт-жуфт қилиб терилган. Шунингдек, композициялар яратишда бир томонига безакли бўртма чизиқлар ишланган ғиштлардан фойдаланилган.

XIV асрдан бошлаб интерьерлар монументал нақш билан безатила бошланди. Ганч девор юзасига ўсимликсимон ва хандасавий нақшлар елимли ранглар билан ишланади.

Безак композициясининг кўп қисмини зарҳал юритилган нақшлар эгаллайди. Мисол тариқасида Бухородаги XVI асрга оид Хожа Зайниддин ва Баланд маҳалла масжидлари ички безагига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Хожа Зайниддин масжиди гумбази зарҳал юритилган майда ўсимликсимон нақш билан қопланган. Гумбазнинг остки қисми бағаллар, меҳроб ва иккита равоқ қисми мураккаб шарафалар билан безатилган.

Баланд масжиди шифти ёғочдан бўлиб, унинг юзаси кўп бурчакли марказий турунж ва унинг атрофида жойлаштирилган нокка ўхшаш кўп қиррали юлдузсимон нақшларни ташкил қилади. Масжид деворлари оқ рангга бўялган бўлиб, бўртма ганч чизиқлари ёрдамида ҳар хил бўлинмаларга ажратилган.

XVI асрдан буён масжид хонақоҳи ва айвон деворлари ганч безаги, ранг-баранг нақшли шифти билан киши диққатини ўзига тортади.

Тураржой хоналари

Турар жойлар қадимги шаҳарларда, маконларда бир-бирига туташган ҳолда қурилган. Археологик қазилмалар натижасида очилган материалларни кўздан кечиран эканмиз, асосан икки хил тузилишдаги хоналарни илғаб оламиз. Бир хиллари узунчоқ тузилишли, иккинчи хиллари эса тўғри тўртбурчак ёки томонлари тенг хоналардир.

Жумладан, Афросиёб, Варахша, Панжакент шаҳарлари маҳаллаларида квадрат шаклдаги уйлар кўпроқ учрайди. Бундай хоналарда меҳмон қутилган. Шундай турдаги хоналардан бирини тадқиқотчи В.Л.Воронина таъмири мисолида кўриб ўтамиз. Панжакентдаги уй тарҳда квадрат тузилишида бўлиб, хона атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Хона марказида тўртта устун жойлаштирилган. Устунлар оралиғига ёғочлар бир неча қаторда бир-бирига нисбатан кўндаланг равишда шундай жойлаштирилганки, натижада шифтнинг ўрта қисми гумбаз ҳолатига келган. Гумбазнинг ўртаси

очик туйнук бўлган. Илк ўрта ва ўрта асрлардаги турар хона бурчаги персонажлар, амалий санъат буюмлари, ип газлама маҳсулоти билан безатилган, буни Болаликтепа деворий суратлари, археолигик материаллар асосида тасаввур қилишимиз мумкин.

Ислом дини ўрнатилгунга қадар тураржойларда ҳам саждагоҳлар бўлган. Бунга Далварзинтепадаги ва қадимий Панжакентдаги саждагоҳли хоналар мисол бўла олади.

Саждагоҳ меҳроби хонага кириш эшигига яқин ерда жойлашган. Унда ҳам меҳроб икки ёни нақшинкор устун ҳамда усти равоқ хошия билан чегараланган. Хона эшигидан кираверишда девор тўсикчага дуч келинади. Эшикдан кирган киши чап томонган бурилиб, равоқли деворча орқали хонанинг асосий қисмига ўтилади.

Табиийки, тураржойлар давр ўтиши билан уй эгаси томонидан бузилиб, қайтадан қурилган. Жанг-жадаллар оқибатида вайронага айлантирилган. Шунинг учун ҳам ўрта аср турар хоналари ички тузилиши ва безаги ҳақида маълумотлар бизгача кам етиб келган. Шу ўринда Панж ва Вахш дарёлари оралиғидаги Хуттал воҳаси археологлар томонидан топилган X-XI асрларга оид уйлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мазкур уйларда хона деворлари бўйлаб супалар ўрнатилган. Деворлар уймакорлик билан ишлангач нафис ганч нақшлар билан безатилган. Юқори қисмида барглар билан бирлаштирилган устунлар расми чизилган. Нақшда оқ, кўк, қизил ранглар ишлатилган. Қизиғи шундаки, устунлар расми билан хона девори юзасини қисмларга бўлиш одати ҳозиргача Қоратегин тоғ қишлоқларида сақланган. Мазкур нақш заминида хонага худди маъмурий бинолардагидек, тантанаворлик, салобат бахш этиш, уни табиат манзараси билан боғлаш орзуси ётади. Олимларимизнинг айтишларича, XIX-XX асрларда қурилган уйларнинг тузилиши, безаги сақланиб қолинган.

XIX асрда ҳамда XX аср бошларида қурилган уйларни барпо қилишда табиат инжиқликлари, табиий ашёларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Асрлар давомида тажрибада кўриб ўтилган анъаналарнинг ижобий

томонлари қабул қилинган. Турар жойлар шаҳарларда, ҳатто тоғ қишлоқларида қишки ва ёзги қисмларга бўлинган. Ёзги хоналар баланд, катта ҳамда қуёш чиқадиган томонга қаратиб қурилган.

Бухоро уйларидаги меҳмон кутадиган уй ҳам кишини ўзига жалб қилади. Бундай жой хонанинг бир қисмини худди антресолга (токчага) ўхшаган ҳолда эгаллайди ёки хона бир томонида шохнишин токча шаклида ўрнатилган. Унинг тўғрисидаги тор девор уч-тўрт бўлинмага (тахмон ва токчабанд) тақсимланган. Ҳовли томон қараган деворда деразалар, унинг қаршисидаги деворда токчалар ўрнатилган. Унинг тўғрисидаги тор девор уч-тўрт бўлинмага тақсимланган. Ҳовли томонга қараган деворда деразалар, унинг қаршисидаги деворда токчалар ўрнатилган. Хона поли сатҳи пешгоҳ ва пойгоҳга бўлинган. Пойгоҳ биров пастроқда бўлиб, унинг бир бурчагида ташнов (обрез) жойлашган. Хона пойгоҳи деворида мўри ўрнатилган. Иқлим шароити оғир бўлган тоғ ҳудудларида ёзги ва қишки хоналар умумлаштирилган. Натижада уй битта катта хонадан иборат бўлиб қолган. Бунга тоғли Бадахшондаги уйларни мисол қилиб олиш мумкин.

Хона катта майдонни эгаллайди (томонлари 7x7,8x9,8x8,1x10 м). Хона ўртасида кичкина пойгоҳ қолдирилиб, атрофи супалар билан ўралган. Супалар вазифасига қараб, ҳар хил баландликда бўлади. Хона ўртасидаги шифт тўсинларининг кичрайиши, бир-бирига нисбатан диагональ ўрнатилиши натижасида гумбаз шаклини олган. Ўртада эса кичкина туйнук қолдирган. Туйнукдан хонанинг ҳамма бурчагига ёруғлик тушган. Хона туйнуғи – тўғрисидаги полда обрез-ташнов қолдирилган. Туйнукдан тушган ёмғир суви тўғри ташновга оқиб кетган.

XIX аср ва XX аср бошларида Ўрта Осиё шаҳарлари ва айрим қишлоқларида хона шифти ва деворлари нақшу ниғорга тўлдирган. Ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар композицияси бир-нечта стандарт-андоза тусига кириб қолган нақш элементларидан тузилган. Жумладан Фарғона шаҳарлари наққошлари “гул”, “банди гул”, “марғула”, “барг”,

“шобарг”, “ислими”, “ислими печон”, “нохуни паланг”, “бодомча лола” каби элементлардан яхлит нақш ва композиция тузишган.

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ибтидоий жамоа давридаги масканларни таърифлаб беринг.
2. Ибтидоий жамоа масканларининг шаклланиши нимага боғлиқ бўлган?
3. Архитектура ва маскан фарқланадими?
4. Шаҳарсозлик қандай шаклланган?
5. Маъмурий услуб нима?
6. Мегалитик қурилмаларнинг вазифалари нималардан иборат бўлган?
7. Бадийлик элементларининг шаклланиши нимага боғлиқ?

3-МАВЗУ

ДИЗАЙНДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАР

РЕЖА:

- 3.1 Дизайн ва замонавий материаллар
- 3.2 Дизайн соҳалари (интерьер, саноат маҳсулотлари, матолар, халқ амалий безак санъати ишлари) да қўлланиладиган безак ишлари
- 3.3 Наққошлик санъати тарихига оид маълумотлар. Ўзбек халқ амалий санъати, унинг тарихи, турлари. Наққошлик санъати
- 3.4 Нақш турлари ва уларни чизишда кетма-кетлик
- 3.5 Нақшда рангларни ўрни ва ранг уйғунлигини яратиш
- 3.6 Раппорт ҳақида тушунча
- 3.7 Дизайнда халқ амалий, декоратив санъат турларининг қўлланилиши

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

Натурал, соф материаллар, сунъий материаллар, пластмасса, полистирол, синтетик ламинант, интерьер безаги, қоплама материаллар. Геометрик нақш, ислими нақш. Нақшда рангларнинг иштироки. Раппорт, орнаментал композиция. Кулолчилик, чинни-фарфор санъати. Иссиқ ва совуқ батик. Классик витраж, комбинацияланган витраж. Коллаж.

3.1. Дизайн ва замонавий материаллар

*Ҳар қандай ҳақиқий эстетика
табиатга тааллуқлидир.*

Френк Ллойд Райт

Қадимдан маълумки материал рассом ва ҳунарманд ижодининг хусусияти, уларнинг касбий масалалари ечими ва фаолияти доирасини белгилаб берган. Ҳозирда ҳам маҳсулот билан бирга ишлаб чиқариладиган материал асосан дизайнерлик фаолияти, унинг ихтисослашувини аниқлаб бермоқда. Илк дизайн мактаблари Баухауз ва Бутун Иттифоқ Бадий

техникавий устахоналар (ВХУТЕМАС)да факультетлар тасодифий номланмасдан, балки аниқ материаллар билан ишлашга мўлжалланган бўлиб, металлга ишлов бериш, дурадгорлик ишлаб чиқариши, кулолчилик иши ва ҳ.к. деб номланган.

XX асрни бежизга янги технологиялар асри деб аташмайди. Сабаби куқунли металлургия, компьютер ва лазер технологияси, микроэлектротехника, атом ядросининг парчаланиши натижасида бир қанча янги материаллар ихтиро қилинди. Ҳозирда бизни металлдан қуйма полиэтилен, полиурибан, полистиролдан ва бошқа турли органик кимёвий бирикмали, керамикани металлдан чидамлироқ, шишани енгил ва синмайдиган худди пластикдай, металлни иссиқлик ўтказувчанлиги бўйича шиша ва керамикага тенглаша оладиган хусусиятга эга маҳсулотлар ўраб турибди.

Замонавий бозор муносабатлари ишлаб чиқариш жараёнларининг доимий такомиллашувини, янги самарали технологияларнинг яратилишини, ишлаб чиқаришга илмий ишланма ва техник янгиликларнинг ва янги материалларнинг тадбик этилишини талаб этмоқда. Буларнинг барчаси дизайнер ижодининг чегараларини кенгайтириш билан бирга унинг касбий билимлари ва малакаларига муҳим талаблар қўймоқда.

Материаллар кўламининг доимий янгиланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шаклининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Экологик пластмассанинг пайдо бўлиши, бир марта ишлатиладиган рўзғор буюмлари (бир марта ишлатиладиган идишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ғилофлари ва ҳ.к.) нинг ишлаб чиқарилишига асос бўлди. Қайта ишлаш жараёнини тўғри ташкиллаштириш натижасида ушбу материаллардан бир неча марта фойдаланиши мумкин бўлади.

Шиша таркибига пластик қўшимчалар қўшилиши синмайдиган идишлар турлари авлодини, ёритгичлар ва чироқлар, ҳатто мебелнинг янги турлари яъни бутун шишалардан эгилган ва шаклга келтирилган усулда ясалган столлар, стуллар, жавонларни яратиш имконини берди.

У ёки бу материалнинг танланиши маҳсулот ишлатиладиган шарт-шароитларга бевосита боғлиқ. Шунинг учун материал танлаш жараёнида унинг физикавий-кимёвий хоссалари, шунингдек маҳсулот фойдаланишида уни ўзгартириш мумкин бўлган шарт-шароитлар таҳлил қилинади.

Кўплаб табиий ва сунъий материаллар хусусиятидан келиб чиқиб улардан фойдаланиш ва қўллашда баъзи бир чеклашларга рухсат берилади. Масалан, гипсокартондек замонавий пардозлаш материални намлик даражаси юқори хоналарда қўллаб бўлмайди. Сабаби бундай шароитда гипсокартон ўзининг чидамлилиқ хоссаси ва эстетик сифатларини йўқотади.

Замонавий қопламали материаллар хусусида фикр юритадиган бўлсак, ҳозирги кунда дизайнер палитрасини турли туман металл конструкциялар юзасини аннодлаш (металл юзасига кимёвий усул билан ишлов бериш), металл конструкцияларга мўлжалланган пластмасс ва синтетик қопламалар, масалан “газон” кўринишидаги синтетик қопламалар, замонавий мебел саноатида қўлланилаётган ёғоч фактурасини берувчи қопламалар (ламинант), шиша маҳсулотлар учун ёруғлиқ қайтарувчи металл қопламалар каби материаллар бойитмоқда. Улар конструкцияларни атроф-муҳитнинг ноҳуш таъсирларидан ҳимоялаш, инсоннинг улардан фойдаланишда қулайлиқ ва ҳавфсизлиқ кўрсаткичларини таъминлаш ва маҳсулотга юқори эстетик сифат бериш каби бир қанча вазифаларни бажаради.

Қоплама материаллар ишлатилиш жараёни билан боғлиқ қўшимча маҳсус вазифаларни ҳам бажариш мумкин. Масалан, овозни тарқатувчи ва ютувчи материаллар овоз ёзиш студияси, киноконцерт залларини пардозлашда қўлланилади. Ёруғлиқ тарқатувчи ва ёруғлиқни акслантирувчи материаллардан фото ва кино студиялар интерьерларида, маяклар, прожекторлар, чироқлар ва бошқа ёритиш ускуналарини ўрнатишда фойдаланилади.

Етарли даражада синалмаган янги органик кимёвий ва бошқа сунъий материаллардан ясалган маҳсулотлар кенг тарқалган шароитда ҳавфсизлиқ ва гигиена масалалари инсон олдида турган долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар бир материал ёки маҳсулотнинг асосий кўрсаткичи бу халқаро экология ва гигиена талабларига жавоб берадиган махсус белги ҳисобланади (“Grünepunkt”).

Бу талабга айниқса болалар учун маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришда риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи бир машҳур корхоналар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилган материаллар ва бўёқлар болаларда аллергияни келтириб чиқаришга сабаб бўлган. Ушбу талабларни инсон кўп вақтини ўтказадиган ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса беморлар даволанадиган хоналар учун пардоз материалларини қўллашда ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Девор ва пол учун қопламалар, турли бўёқ ва локлар, шифт конструкциялари, мебел ва ускуналар тайёрланадиган материаллар шулар жумласидандир.

Замонавий шароитда экологик нуқтаи назардан абсолют хавфсиз предмет муҳитини яратиш афсуски мумкин эмас. Бу кўп жиҳатдан иқтисодий ва техник кўрсаткичлар билан белгиланади. Табиий, экологик соф материаллар одатда сунъий материалларга нисбатан анча қиммат баҳоланади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришдаги чидамлилиқ ва ишлатилиш кўрсаткичлари бўйича улар сунъий материалларга тенглаша олмаслиги, баъзи бир ҳолатларда эса умуман фойдаланишга яроқсиз бўлиши ҳам мумкин.

Дизайн амалиётида материал танлашга дифференциал¹ муносабат мавжуд. Бир шароитда инсонга зарар келтирадиган материал бошқа бир шароитда анча қулайликларга эга бўлиши мумкин. Табиий материаллардан ясалган мебел хона шароитида гигиена талабларига жавоб беради. Пластик ёки бошқа сунъий материаллардан ишланган мебел ва ускуналар тоза ҳавода масалан ёзги кафелар, павильонлар яъни мавсумий объектларда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Дизайнерлик фаолиятининг кўпгина объектлари қисқа вақтга мўлжалланиши, бир марталик фойдаланиш буюмларининг пайдо бўлиши,

Дифференциал¹ – фарқлаш, мосланиш маъносида

яроксиз нарсалар муҳитини қайта ишлаш муаммоларини келтириб чиқармоқда. Муаммо сўнгги йилларда сунъий материаллар, биринчи навбатда полимерлар ва бошқа органик қайта ишлов берилиши қийин бўлган маҳсулотларнинг қўплаб ишлаб чиқарилиши билан кучаймоқда. Шу сабабли бугунги кунда дизайнер олдида фақатгина нарсалар оламини яратиш масаласигина эмас балки, уларни қайта ишлаш ва улардан қайта фойдаланиш вазифаларини ҳам ҳал этиш масалалари турибди.

3.2. Дизайн соҳалари (интерьер, саноат маҳсулотлари, матолар, халқ амалий безак санъати ишларида)да қўлланиладиган безак ишлари

Ўлкамиз замини қатламларини қазилар натижасида топишган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг бадиий ишлов бериш усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган ва асрлар оша ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Амалий санъатга чуқур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стилизация - рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, ҳозирда жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наққошлик, хаттотлик, тоштарошлик ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлигидан ва мужассамлигидан иборатдир. Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати инсонларни бадиий ахлокий, умуминсоний хислатлар даражасида тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда ҳамда маданий савияларини оширишда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган наққошлик, ганчкорлик, тош ва суяк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, буйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, кигизчилик,

саватчилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари бутун жаҳонга донғи кетган.

Дастлаб Ўрта Осиё меъморчилигида IX-XII асрларда жамоат биноларининг ички ва ташқи деворлари безагида пардозланган безакли ғиштлардан фойдаланила бошланди. Интерьердаги композицияларда девор юзаси бўйлаб ғиштлар арчасимон, шахмат тахтаси юриши йўналишида, жуфт-жуфт қилиб терилган.

XIV асрдан бошлаб интерьерлар монументал нақш билан безатила бошланди. Ганч девор юзасига ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар елимли ранглар билан ишланган. Безак композициясининг кўп қисмини зарҳал юритилган нақшлар эгаллайди. Ўрта Осиё меъморчилигида қадимдан тўсинли шифтлар қўлланилган. Тўсинли шифт хона сатҳининг катта-кичиклигига қараб 4, 9, 12, 15 ва ундан ортиқ қисмларга бўлинган. Шифт юзасидаги бўлинмалар оддий ва мураккаб кўринишда бўлган. Оддий бўлинмалар тўғри тўртбурчак, квадрат тузилишида, мураккаб бўлинмалар ҳар хил кўриниш ва катталиқдаги ромб, учбурчак, олтибурчак каби композициялар кўринишида яратилган. Бўлинмаларда кўп бурчакли, турунж, даврагул нақшлари ишланган. Тўсинлар эса асосан мадохил, ўсимликсимон ва морпеч-ўрама нақшлар билан ўйиб безатилган. Уйларда жиҳозларни сақлаш учун тахмон токчалар ўрнатиш одати қадимдан мавжуд. Уларнинг гўзал ва шином бўлишига алоҳида эътибор берилган. Токчалар усти ганчдан жимжимадор нафис равоқчалар шаклида ишланган. Равоқчалар атрофига эса майда нафис нақшлар ўйилган ва рангли ўсимликсимон нақшлар чизилган.

Устунлар хона интерьерида конструкция вазифасини бажаради. Улар калтароқ тўсинлар билан майдони кенг хона томини ёпиш имконини беради. Устунлар асосан пойкурси, кўзаги, тана, калла каби қисмлардан ташкил топади. Уларнинг кўзаги, калла қисмларига геометрик ҳамда

Ўсимликсимон мураккаб нақшлар ўйиб ишланади. Шунингдек, устун қисмлари катта яхлит барг ёки гул нақш, майда-майда ўйикчалар, ҳар хил катталиқдаги халқалар билан, пойустунлар эса мрамар, тошга ўйиб ишланган ислими ва геометрик нақшлар, чиройли ёзувлар, нақш-нигорлар билан безатилади.

Ёғоч ўймакорлиги ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан биридир. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади. Бадиий санъатнинг бу тури деярли барча халқлар хусусан қадимги Шарқ антик дунё мамлакатлари архитектурасида кенг ишлатилган.



16-расм. Кириш эшигида бажарилган ёғоч ўймакорлиги намунаси




17-расм. Ўймакорликда ўсимликсимон нақшнинг қўлланилиши

Амалий санъатнинг ушбу тури XI-XII асрларда янада гуркираб ривожланди. Мураккаб нақш тури бўлган геометрик нақш, яъни гирих нақши етакчи ўринни эгаллади. Ёғоч эшиклар асосан “боғдоди” яъни юзасига ўймакорлик нақши солинган ва текис юзали “увайди” турида бўлади. Увайдининг юзаси занжира нақш билан бўлинмаларга бўлинади. Бўлинмалар марказида доирасимон ва бурчакларида чорак доира нақшлар ўйиб ишланади.

Хона жиҳозларидан курси, хонтахта, тагкурси, сандиқ ва бешиклар ўзининг вазифасидан ташқари хона кўринишига фойз киритиб, ўзига хос гўзаллик бағишлайди. Ушбу жиҳозларнинг қисмлари юзаларига доирасимон, кўп баргли, зарур қисмларига ўйиб майда нақшлар ишланган. Юза

атрофлари эса занжира-ингичка йўл-йўл нақшлар тизими билан айлантрилади.



18-расм. Буюмларнинг юзаси ҳамда интерьерда қўлланилган ўймакорлик ишларидан намуналар: а – қутича ва лавҳ; б – саккиз қиррали курси; в – бинонинг кириш қисми.

Республикамизда ҳозирги кунда қад кўтараётган замонавий архитектура иншоотлари, уй-рўзғор буюмларини безатишда ҳам ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналарини кўришимиз мумкин.

Ганч ўймакорлиги санъати асрлар давомида ўзига хос услублар билан ривожланиб келди. Ҳар бир даврда унинг ўзига хос жиҳатлари ва фарқлари сезилиб туради. Қадимги ганч ўймакорлиги ҳажмий кўринишда бўлиб, реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири, ўсимликсимон нақшлар, геометрик шаклли нақшлар кўп қўлланилган. Баъзан эса горельефли усулда ишланган ганч намуналарини ҳам кўриш мумкин.



19-расм. Ганчдан ясалган қандил

X-XI асрларда наққошлик ёғоч, тош ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб абстракт тасвирни акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Шунингдек, ҳар хил геометрик шаклли қилиб ғишт териш кенг қўлланилди. Ганчкорликнинг гуллаб яшнаган даври XVIII асрнинг охири

XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Унинг услублари, техникаси анча



мураккаблашди. Рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар, панжарасимон ўйма нақшнинг ўсимликсимон, геометрик ва рамзий турларидан ташкари нишон кўринишидаги турлари қўлланиладиган бўлди. Ганч ўймакорлигида асосий нақш бўлган ҳошия нақшни боғлаб турадиган

20-расм. Ганч ўймакорлигининг нақш бу занжирadir. Занжира рамка интерьерда қўлланилиши вазифасини бажариб намоён, токча, эшик, дераза ва тахмонларнинг четига ишлатилади. Панжаралар Ўрта Осиё меъморчилигида ўзига хос характерга эга бўлиб, кўпинча геометрик ва ўсимликсимон нақш тузилишида қўлланилади.

Нақш ва безаклар ҳунармандчилик турларидан сопол, металл буюмлар ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланилади. Кулолчилик Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Кулолчилик ҳунари лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача тоғора, хум, тандир, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва ҳоказолар тайёрлайдиган соҳа ҳисобланади. Ушбу йўналишда буюм турига қараб ўсимликсимон ва геометрик нақшлар қўлланилади. Сопол идишлар юзасига гириҳ, турунж, бахт гириҳи, бодом гули каби нақшлар ишлаш кенг тарқалган. Мисгарликда эса геометрик ва ўсимликсимон нақш (ситора, гардиш, ишкалак, турунж, чашми булбул, қўчқорак, пушти балиқ) лар жуда нозик дид билан ишланади.

Ўзбек халқ амалий санъатининг зардўзлик, каштачилик ва кигиз босиш, гилам тўқиш турларида гул, ўсимлик, қуш, ҳайвон тасвирлари ҳамда ўсимликсимон, геометрик ёки аралаш нақшлар кенг қўлланилади.



21-рasm. Нақшларнинг амалий санъат турлари бўйича намуналари: а – сопол идишлар; б – мисгарлик буюмлари; в – зардўзлик; г – гиламдўзлик.

Юртимизда бадий наққошлик санъати ҳозирги кунда ҳам кенг кўламда ривожланиб, ҳозирги пайтда нақшлардан меъморчиликда, уй жиҳозлари, майда ёғоч ўйинчоқлар, мусиқа асбоблари, совғалар ва турмушда керакли буюмларни безашда фойдаланилмоқда.

3.3. Наққошлик санъати тарихига оид маълумотлар. Ўзбек халқ амалий санъати, унинг тарихи, турлари. Наққошлик санъати

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Диёримизда вужудга келиб гуллаб яшнаган санъат турлари турфа хил ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур.

Наққошлик санъатининг ибтидоси жуда қадим замонларга ибтидоий жамоалар даврига бориб тақалади. Инсон тақдирида тош асри катта рол ўйнади. Қуйи плеолит даврида, яъни неандертализлар тўда-тўда бўлиб

яшаганлар, улар фақат кўпол тошлардан курол-яроқлар яшашнигина эплай оларди. Улар ижод қувончларини билмаганлар. Аммо инсон маълум даражада фикрлаш ва фикрлаш жараёнида маълум ишларни режа асосида яратиш қобилиятига эга эдилар.

Матриархат даврига келиб инсоннинг меҳнатга мойиллиги сабабли унинг тафаккури тараққий қилиб, санъат билан шуғулланиши учун етарли даражада тажрибага эга бўлди. Бу даврда ғорларга, тошларга расм чизиш юқори даражага кўтарилди (бунга Ўзбекистоннинг жанубидаги Зарауткамар-Кўхитанг, тоғи Тешиктош, Омонкўтон ғори ва Сирдарё бассейни ва ҳоказолар мисол бўла олади). Ибтидоий одамнинг кузатувчанлиги, меҳнат тажрибаси қадимги овчининг ҳайвонни забт қилиш, яъни унга эга бўлиш каби содда ўй-хаёли билан ҳайвонлар расмини тасвирлашга чорлади. Аста-секин билан санъатнинг бу тури юзага келишига сабаб бўлди. Санъат ибтидоий одамнинг турмуш тарзига ҳаётий эҳтиёж сифатида сингиб кирди.

Юқори плеолит давридаги ғор рангтасвирлари, суякларга ўйиб ишланган тасвирлар, ҳайкалчалар кишини ҳайратда қолдиради. Аммо ибтидоий одам турли ҳайвонларни, овчиларни, аёлларни тасвирлар экан унда нақш тасвирлашга ҳали кераклича зарурат туғилмаган эди. Тошларга ва суякларга нақш чизиш, уларга чуқурчалар ўйиб белгилар қўйиш палеолитнинг охириги эпиплеолит мезолит давридан бошланган. Сабаби бу даврга келиб инсонда афсун, сеҳр, жодуга бўлган ишончлар аста-секин сўна бошлаган эди.

Нақшинкорликнинг тараққий этиши асосан кулолчиликнинг ривожланиши билан боғланган бўлиб, бу неолит янги тош асрига тўғри келади. Бу даврга келиб инсон ўз яшаш муҳитини ташкиллаштиришни ўрганган давр эди.

Аввалги текисликларда барпо этилган Амударё қуйиси, Қизилқум, Унгузи Қорақумнинг юқориси ва шу каби манзилгоҳлар ҳоказоларда ёғочлар шох-шаббалар, қамишлардан ясаиб уларда бутун бошлиқ қабилалар уруғдошлик жамоалар жойлашган. Кейинчалик одамларнинг тураржойлари

пахса, турли формадаги ғиштлардан курилиб, уларда камишлардан боғловчи ва мустаҳкамловчи элементларнинг ритмик равишда қўллана бошланиши содда архитектуравий архаик-декор формаларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Мис тош асри (энеолит даври, Қора тепа, Ясси тепа эрамиздан аввалги IV-III асрлар)га келиб йирик турар жойлар барпо этила бошланди. Улар кўп хонали курилмалардан иборат бўлиб, аста-секин уларнинг поллари ва баъзи деворлари қора, қизил ва табиий рангларда бўяла бошланган эди. Шунинг билан бирга бундай хоналарда тўғри тўртбурчак, шахмат шаклидаги безак ишлари ҳам кўзга ташланади. Бундай шакллар олдиндан махсус грунтланган юзаларга чизилган. Баъзи биноларда сопол элементларда қора, қизил, оқ бўёқларда бўялган ва деворга ёпиштириб ишланган. Бунда нақш элементлари ва мотиви этиб бир-бирлари билан кесишган чизиқлар ва учбурчаклар танланган. Ясси тепа қўрғонида девор бўйлаб қўйилган ёғоч устунли хоналар деворида тўрт қатламли рангли нақшинкор деворда қийшиқ шаклда ганчлар билан инкрустацияланган учбурчак нақш учрайди. Анау-1 кулолчилигида оч ва қизил ангобда қора-қўнғир безакланган зигзак тўрида тўғри бурчакли безаклар учрайди. Шундай қилиб инсон тафаккури тараққиётида унинг турмуш тарзи табиат билан чамбарчас боғланавериш турли шакл шамоиллар ихтиро қила бошлади. Унинг ҳар бир ихтироси турмуш жиҳозларини безашга эстетик талабларини қондиришга хизмат қилади. Шаклларда турли геометрик формалар, ҳайвонлар тасвири, уйларнинг хоналаридаги ташқи ва ички безак ишлари кейинчалик матоларда ҳам қўлланила бошланди.

Ўтмишда ота-боболаримиз қурган муҳташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Ушбу биноларда юксак дид билан ишланган нақшлар ҳозиргача бизни ҳайратга солиб келмоқда.

Нақш - арабча “тасвир, гул” деган маънони билдириб, қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа шаклларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир.

Наққошлик халқ амалий безак санъатининг бир тури сифатида кадимдан ўзбек маданиятининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Кўп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди. Нақшларда санъатнинг бошқа ҳамма турларидан фарқли равишда авлодларнинг чамбарчас боғлиқлигини, анъаналарнинг давомийлигини кўриш мумкин. Наққошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ўрганиш методлари сифатида ҳам бободан отага, отадан ўғилга ўтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли нақш санъати ҳозиргача сақланиб келмоқда. Нақшнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия орқали бирлаштирилган шаклларнинг мақсадга мувофиқлиги ва гўзаллиги билан фаркланади. Бунда халқ усталарининг атроф муҳитга қарашларидаги ўзига хосликни кўриш мумкин. Нақшдаги чизгилар ўйини мусиқадаги оҳанг сингари, қўшиқ ва эртак каби “халқ ҳаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан” иборат бўлади.

Ўзбекистоннинг анъанавий меъморчилигида наққошлик асосан шифтларни, сарой устунларини, масжидлар, мактаблар, тураржой уйлари, ёғочдан ясалган буюмларни безашда кенг қўлланилган. Нозик ўсимликсимон-геометрик нақшдаги ўзаро сингиб кетган новдалар, шохлар ва ҳашаматли тасвирланган гулларнинг ритмик ҳаракати, ўзбек усталарининг ишларидаги ислими ва гириҳ нақшларининг классик мотивлари шифтларнинг шаклига мосланган. Нақш кўпроқ интерьерларни ва ёпиқ айвон, пешайвонларни безашга хизмат қилади.







Халқ наққошлик санъатини ўрганиш ўқувчиларда бадиий дидни, меҳнатсеварликни ривожлантиришга ва қатор фойдали билим ҳамда малакаларни шакллантиришга хизмат қилади. Уларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга ёрдам беради.


Стилизация. Табиий ўсимлик турларини нақш элементлари ҳолатида чизиш

Инсоният ривожланиш жараёнида ўзи учун зарур бўлган жамики буюмларни бадиий безаб, такомиллаштириб келган. Оддий рўзгор буюмларидан тортиб, кийим-кечак, китоб, бино безаклари ҳамма-ҳаммаси

нақш элементлари ёрдамида безатилади. Халқ амалий санъатида безак элементлари табиатдаги мавжуд ўсимлик дунёси гул, новда, барг ва ҳайвонлар тасвири энг содда кўринишларда акс эттирилади.

Маълумки, ҳар бир нақш намунаси ўзига хос нақш элементларининг йиғиндисидан иборат. Стилизация – бу ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан олинган турли шакллар масалан, буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мевалар ва шу кабиларнинг табиий шакллари қайта ишлаш демакдир. Бунда танланган шаклни нақш композицияси таркибига қўшиш мумкин бўлган безак шаклига келтирилади. Бунинг учун наққошдан бутун бир яхлит табиат элементининг ташқи кўринишларини бир нечта бадий чизиқлар ёрдамида аниқ лўнда қилиб тасвирлаш талаб этилади. Халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган жами нақшлар табиат ҳамда воқеликнинг шартли тасвири бўлишига қарамасдан ўзига хос қонун-қоидаларга эга. Ўсимликлар фақат бир томонга қараб ўсадилар. Масалан, мажнунтол худди пастга қараб тескари ўсаётгандек туюлади, лекин новдадан барг бўлиб, бир томонлама йўналишда давом этиб келади. Табиатнинг бу қонуни нақшда ўз аксини топган. Уста чизадиган нақш шунчаки қоғоз бетини тўлдириш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадийлик қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда манзара тасвирини чизишдан иборатдир. Атроф-муҳит, табиатда мавжуд бўлган табиий шаклларни қайта ишлаш, яъни стилизациялаш йўллари билиш, ундан самарали фойдалана олишни пухта ўзлаштириш бадий нақш ишлаш жараёнида ўқувчиларга жуда қўл келади.





22-расм. Табиат шаклларининг услубга келтирилиши (стилизация)

Таъкидлаганимиздек, табиатда учрайдиган ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, уй-рўзгор буюмларини табиий кўринишдан анча соддалаштириб, энг ихчам кўринишларда тасвирлашга стилизациялаш дейилади. Нақш чизишни ўрганувчилар ана шу усулни батафсил тушунган ҳолда эгаллаб олишлари лозим. Чунки кўпгина нақш композициялари ана шу тарзда қайта ишланган турли-туман шакллар, тасвирлар ёрдамида тузилади.

Наққошлик машғулотлари жараёнида нақш элементларини чизиш, уларни ҳосил қилиш тартиблари, йўллари ва усуллари ўзлаштириб борилади. Дастлабки машғулотларда нақш элементлари тарзида қуйидаги шакллар чизиб ўрганилади.

- барглار (барг элементларини чизиш).
- гуллар (гул элементларини чизиш).
- новдалар (новда элементларини чизиш).
- боғлам ва сиртмоқ (уларнинг элементларини чизиш).
- таноб (таноб элементларини чизиш).
- маргула ва куртак (уларнинг элементларини чизиш).

- мадохил элементларини чизиш.
- гажак ва жингалак элементларини чизиш.
- бофта ва шкуфта элементларини чизиш.

Одатда бадий нақшлар чизишда кўпроқ барг тасвирларидан фойдаланилади. Бунда барг ислими нақш элементлари сирасига кирганлиги сабабли нозик, нафис кўринишларда тасвирланади. Наққошлар тол, анор, хурмо, бодом, самбит, хина, атиргул, узумлар ва шу кабилар барглари стилизациялаштириб, нақш композициясини тузишда қадимдан фойдаланиб келганлар.

3.4. Нақш турлари ва уларни чизишда кетма-кетлик

Наққошлик ҳар бир давлатнинг ўзига хос муҳитига, географик ўрнига, ўлканинг ўсимлик дунёсига кўра ривож топади. Масалан, арман ва грузинларда узум ва узум барги, шимол халқларида арча ва ҳар хил ҳайвонлар, қирғиз ва қозоқларда мол шохи, тожик ва ўзбек халқларининг нақшларига қарасак анор, бодом, гуллар, қалампир ва бошқаларнинг рамзий нақш тариқасида ишлатилганлигини кўрамыз

Юртимизда ҳар бир воҳа ва шаҳарларнинг нақш композициялари бири-бирдан ажралиб туради. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм наққошлик мактабларининг ўз орнамент ва ранг колоритлари мавжуд.

Нақшлар мазмунига кўра ўсимликсимон, геометрик нақшларга, гулли гириҳ, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

Ўсимликсимон (ислими) нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута ғунча ва бошқа элементларнинг наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклининг маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган.

Геометрик (ҳандасавий) нақш - ҳар хил геометрик шакллар яъни тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан ҳамда кўпбурчаклардан танланган нақш тури. Геометрик нақш узлуксиз раппортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раппорт ўз тузилишига эга бўлади.

Геометрик нақш турларидан бири **гирих** бўлиб, “чигал”, “тугун” маъносини англатади.

Ҳар бир нақш ўз номига ва маълум мазмунга эга бўлади. Нақшлар нақшланадиган буюмнинг шакли ҳамда қандай мақсадларда қараб танланади ва ўзига хос номланади. Қуйида биз нақш атамалари ва элементлари билан танишиб чиқамиз.

Гуллар – ислими нақш элементи бўлиб, нақшларга таргил пардоз берилганидан сўнг янада кўрк ва хусн бағишлайди. Гул элементлари асосан нақш шакллариининг марказий қисмларига жойлаштирилади. Гулларнинг ҳам беҳисоб турлари мавжуд бўлиб, ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, кувачагул, карнайгул, сафсаргул, атиргул, нарғизагул ва бошқа гул турлари киради.

Новда – ўсимликсимон нақш элементи сирасига киради. Гул, барг, мевабарг ва бошқа элементларини ўзаро боғлаб бириктириб тўлдиради. Намоён рута, морпеч, мунаббат, турунж ва турли мураккаб нақш композицияларида новда элементлари якка ва куш бандларда учрайди.

Таноб нақш намуналаридаги асосий шакл йўлларини ясайди. Бундай шакл номлари меҳроб, мадоҳил қалампир, гардиш ва шу кабилар билан аталади.

Мадоҳил – ислими нақш элементи. Мадоҳил лола, тумор, учбурчак кўринишини эслатувчи шакллар мисолида учрайди.

Шкифт – ислими нақш элементи. Шкифт асосий шакл ясовчи элементларни куртак – гажак кўринишларида ўзаро боғлайди.

Рамзий нақшлар – кабутар, шер, балиқ, давлат герби ва бошқаларнинг стиллаштириб тасвирланган элементларидан ташкил топади.

Рута – икки томонга уланувчи нақш тақсими, яъни ҳошия нақш. Унинг ўлчами кўпинча 14-20 см атрофида бўлади. Ҳошия нақш турли хил бўлиб, унинг меҳробга, хонага ишланишига қараб лўла ҳошия, ишком ва бошқа турлари бўлади.

Мунаббат – арабча ўстирмоқ деган маънони англатади. Асоси квадрат ёки тўртбурчакдан ташкил топиб, тўрт томонга такрорланадиган нақш тақсими. Катта юзаларни безашда мунаббатдан фойдаланилади. Мунаббатнинг ўсимликсимон, геометрик ва бошқа композицион турлари бор. Унинг мунаббати меҳроб, мунаббати бофта, мунаббати ислими, мунаббати гириҳ ва бошқа атамалари мавжуд.

Турунж – арабча “лимон” деган маънони билдиради. Нақшларда композициянинг марказига чизиладиган нақш тури.


Турунж ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланиб, бойитилган.

Намоён – форсча кўриниш, манзара демакдир. Намоён ҳеч нимага уланмайдиган мустақил композиция бўлиб, мураккаб нақш турига киради. Унинг ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, рамзий ва бошқа турлари мавжуд. Намоёнлар симметрик ва асимметрик тузилишга эга бўлади.

Гириҳ ва унинг турлари

Ўрта Осиё халқ амалий санъати қадимдан машҳурдир. Ўтмишда аجدодларимиз яратган нодир санъат асарлари, улар қурган муҳташам бинолар, архитектура ёдгорликлари ҳозирги кунгача ўз мафтункорлигини йўқотмаган. Ҳаттоки чет эллардан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам мамлакатимиздаги қадимий ёдгорликларни, бадий дид билан ишланган нақшларни кўриб лол қолмоқдалар. Бухородаги Улуғбек мадрасаси, ЮНЕСКО муҳофазасидаги Исмоил Сомоний мақбараси, Калон минораси, Самарқанддаги Шоҳи-Зинда мақбараси, Гўри Амир мақбараси, Улуғбек, Шердор, Тиллақори мадрасалари ва бошқалар, шарқнинг нодир гўзаллиги, соддалиги ҳамда нақш мотивларининг улуғворлиги билан кишиларни сеҳрлаб келмоқда. Юзлаб, минглаб халқ меъморларининг қавариқ қўллари билан яратилган ёдгорликларидаги жонли нақшлар худди табиатнинг гўзаллик оламини куйлаётгандек туюлади ва кишиларга кўтаринки руҳ бағишлайди. Чунончи, Самарқанддаги асрлар давомида мусулмон шарқида донг тартагн олий билим маскани Улуғбек мадрасасини томоша қилар

эканмиз, унинг таълим-тарбия мақсадида кўзлаб бунёд этилганлиги наққошлар беағи орқали сезилиб турибди. Мадраса беағидаги бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб кўп бурчакли ва кўп қиррали чизиқлардан ташкил топган нақшлар худди коинотдаги чарақлаб турган юлдузларни асрлар оша ҳикоя қилиб тургандек туюлади. Ана шу бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлар, ҳар бурчакли ва қиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик нақшлар гириҳ деб юритилади.



23-расм. Гириҳ композицияларидан намуналар

Гириҳ – форсча чигал, тугун деган маънони англатади. Гириҳ мураккаб нақш тури ҳисобланади. Геометрик нақш муайян тақсимлардан тузилган бўлиб, ҳар бир тақсим ўз тузилишига эга бўлади. Гириҳ Ўрта Осиёда ва яқин Шарқда кенг тарқалган нақш тури. XII-

XVI асрларда айниқса Ўрта Осиёда жуда кенг тараққий этган. Бундан ташқари Покистон, Туркия, Испания, Япония каби мамлакатларда ҳам нақшнинг гириҳ тури ривожланди.

Гириҳ композицияларини архитектура минораларидан тортиб, китоб муқоваларини безатишгача бўлган кенг кўламда қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўша давр учун гириҳни чизмачилик асбоблари, математика формулалари асосида ишланиши катта илмий кашфиёт эди. Шарқнинг машҳур олимларидан Абдулвафо ал-Бужжоний (940-998) ўзининг китобларида 20 га яқин геометрик нақшлар ечими тўғрисида ёзиб қолдирган. Бу китобларда гириҳлар ечимининг баъзи осон йўллари ёзиб қолдирилган. Ушбу китоб ҳозирда Париждаги музейларнинг бирида сақланмоқда. Абдулвафо ал-Бужжоний асарларида гириҳлар ҳақида маълумот берилган бўлсада, улар кўпчилигининг ечими ҳали ҳам жумбоқлигича қолмоқда.

Мураккаблигиданми ёки яшаш қонун-қоидаларининг аста-секин унутиб кетганлигиданми XVII асрга келиб гириҳ санъати жуда кам ишлатиладиган бўлди. Гириҳ чизадиган усталар ниҳоятда кам қолган. Ўша даврларда гириҳ нақшини яхши билган усталар етук усталар бўлиб ҳисобланганлар. Шундай усталардан бири Уста Ширин Муродов бўлган. У янги гириҳларни осонлик билан чиза олган ҳамда уларни ўз урнида моҳирлик билан қўллай олган. Уста ўз даврида гириҳнинг пири ҳисобланган.




Санъатшунос олимлар Л.Ремпель “Панжара”, “Архитектур-ный орнамент Узбекистана”, М.Булатовнинг

24-расм. Кўп қиррали гириҳ

“Геометрическая гармонизация памятников Средней Азии IX-XV веков” каби асарларида гириҳ ҳақида батафсил ёзиб ўтганлар. Замонамизнинг гириҳкор усталаридан бири З. Боситхоновдир. У ўзининг 300 га яқин янги гириҳ нақшлари билан республикамызда донг таратган.

Гириҳ ўсимликсимон нақшлардан фарқ қилади. Ўсимликсимон нақшлар табиатдан барг, гул, новда ва бошқа нарсаларнинг наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклидир. Геометрик нақш эса табиатдаги барг, гул ва бошқа нарсаларнинг умумий шакли олиниб, геометрик шаклга келтирилганлиги билан фарқ қилади. Гаплар сўзлардан, сўзлар эса



25-расм. Гириҳ ва ислими нақшлардан тузилган доира шаклидаги композиция

харфлардан ташкил топгандай гирихлар ҳам ўз элементларидан ташкил топади.

Геометрик нақш элементлари тўрт турдаги ясовчилар - учбурчаклар, тўртбурчаклар, кўпбурчаклар ва эгри чизиклардан ташкил топади. Шу гирих элементлари ёрдамида минглаб нақшлар ясаш мумкин. Гирих ҳам нақш турлари сингари тақсим деб аталадиган жуда оддий элементдан ташкил топади. Шу тақсимларнинг такрорланишидан тугал нақш композицияси ҳосил қилинади.

Гирих маълум мазмунга ва характерга эга бўлиб, ўзига хос номлар билан юритилади. Агар гирих беш қиррали юлдуздан иборат бўлса, беш рахли гирих деб юритилади ва худди шу шаклнинг қирралари сонига қараб номланади. Гирих беш ва олти қиррали юлдузсимон элементлардан иборат бўлса, у беш-олти рахли гирих деб аталади. Агар олти ва ўн қиррали юлдузсимон элементлардан иборат бўлса, олти-ўн рахли гирих деб номланади. Шунингдек гирих беш, саккиз ва ўн икки қиррали юлдузсимон элементлардан ташкил топса, беш-саккиз-ўн икки рахли гирихлар деб номланади ва ҳоказо.

Инсоният ўзи учун зарур ҳисобланган барча кийим-кечак, уй- рўзғор анжомларини доимо такомил-лаштириб бегаб келади. Шунинг билан бирга, ҳар қандай бадиий безатилган буюм ва жиҳозларнинг ўз безатилиш усуллари ва материалларга бадиий ишлов бериш босқичлари мавжуд.

Композиция яратишда мавжуд нақш элементларини маълум қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда жойлаштириш маълум билим ва малакага эга бўлиш лозимлигини тақозо этади. Биргина “Бодом”, “Қалампир” нусхалари шаклидан наққошлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик каби халқ амалий санъатида турли-туман ўзига хос нақш намуналарини яратиш мумкин. Композиция тузиш йўллари ва уларнинг хомаки намуналарини тайёрлаш наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа амалий санъат турлари учун умумийдек кўринсада, аслида қўлланиладиган хом ашё, ижро, пардоз турлари билан фарқланади.

Композиция сўзи лотинча бўлиб, “жойлаштириш, куриш, тузиш” деган маънони англатади. Бунда танланган нақш композициясига кўра унинг элементлари қоғоз юзасида бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлашиб, яхлит композицияни ҳосил қилади. Танланган мавзу мазмунига мос келадиган нақш композициясини тузиш учун бир қанча хомаки эскизлар ишланади ва улардан талабга жавоб берадиганлари танлаб олиниб, композиция тузишда қўлланилади. Нақш композициялар тузишда бўлакларнинг ўрнини алмаштириш, қўшимча деталлар киритиш орқали унинг мавзусини янада бойитиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Нақш мавзусини ифодалашда композициянинг асосий қонуниятларига риоя қилиш лозим.

Нақш яратишда композициянинг муайян қоидалари симметрия, асимметрия, мувозанат, элементларнинг ўлчами, шакли, рангги кабиларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

Шунингдек, нақш композицияларини тузишда кўпроқ қуйидагиларга:

- Нақш намуналаридаги чизиқлар ҳаракатининг стилистик бирлигига эришиш;
- Даврий такрорланиш;
- Симметрик жойлашув ва ранглар мутаносиблигини сақлашга эътибор берилади.

Нақш яратилишида нақш бўлакларининг вазифалари ва равиш чизирилишига катта эътибор берилади. Гул, барг, новда, бофта ва қўш бандлик нақш элементларини ташкил этади.

Дастлаб ўқувчиларга йўл ичидаги нақшларни чизиш ўргатилгани маъқул. Биз қуйида бодом гули ёки занжирани йўл ичига чизиш босқичлари билан таништирамиз. Бодом гули ёки занжирани босқичларга бўлиб, элементларга ажратиб ишланса, уни ўрганиш осон бўлади.

Бодом гулини қаламда ишлаш тўрт босқичга бўлинади.

Чизиш босқичлари:


1 – *босқич*. Оралиғи бир чизғич кенглигидаги икки параллел ингичка чизиқ керакли узунликда чизилиб, йўл ҳосил қилинади, бу чизиқлар тенг

бўлақларга бўлиниб, квадратлар чизилади, квадратлардан диагонал чизиқлар ўтказилади.

2 – *босқич*. Икки квадрат юзасида ярим айлана ёки ишқомга ўхшаш тасвир чизилади.


3 – *босқич*. Ярим айлананинг энг юқори нуктасидан пастига расмда кўрсатилганидек чизиқ тортиб, барг ёки бодомга ўхшаш тасвир ҳосил қилинади.

4 – *босқич*. Иккала баргнинг юқорисидан ва пастидан куртакчалар чиқарилади ёки гул қўйилади. Куртакча ёки гулнинг кенглиги барг ёки бодом тасвирининг кенглигига барабар бўлади (26-расм).



26-расм. Оддий нақш элементларини босқичлари бўйича чизиш:

а – бир гул; б – икки гул.



27-расм. Гириҳ ва ислими нақшларнинг ясалиш босқичлари

3.5. Нақшда рангларнинг ўрни ва ранг уйғунлигини яратиш

Халқ амалий безак санъати ўзининг қадимийлиги ва жозибadorлиги билан кишиларнинг қалбидан чуқур жой олиб келмокда. Айниқса, наққошлик санъатимиз анъаналарга бой. Наққош усталаримизнинг иш услублари ранг-баранг ва серкирралилиги билан ажралиб туради. Наққош ўз ишида рангларнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моҳирлик билан фойдаланиб ёрқин ифодаликка эришади.

Табиатга синчиклаб қараган киши у бениҳоя ранг-баранг эканлигини, ранглар турли-туман товланишининг гувоҳи бўлади. Мавжуд ранглар терминологиясида уларнинг анчаси номланган ва таърифланган. Ушбу классификацияда ранглар характериға кўра икки турға бўлинади. Биринчиси, илиқ ранглар дейилади. Бу турға қизил ранглар (тўқ қизил, оч қизил, қирмизи, лола ранг, гулоби, гулнор), сарик ранглар (оч сарик, тўқ сарик, зарғалдоқ, лимон ранг) киради. Бу ранглар аланга, чўғ, қизиган темир ва қуёшни эслатгани учун рангшуносликда илиқ ранглар деб аталади. Иккинчи тури эса совуқ ранглар бўлиб, бунга зангори, бинафша, унинг турларидан савсар киради. Булар муз, ҳаво, сув ва кўкат сингариларни эслатгани учун совуқ ранглар деб аталади. Яшил ранг эса ўз тусига кўра, илиқ ёки совуқ ранглар қаторига қўшилади.

Ранглар уйғунлигига эришиш, рангларни монанд қилиб суриш — мураккаб санъат ҳисобланади. Чунки рангларнинг тури қанчалик кўп бўлмасин, улар расм ва наққошлик санъатида уч хил — қизил, сариқ ва кўк рангларнинг ўзаро турлича нисбатда бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Ҳосил раанглар асосий ранглар ёрдамида топилишини, ранглар ўртасидаги ўзаро муносабатини, ранглар гармонияси ва фактураси, ранглар контрасти қонуни қаби тушунчаларни ўқувчилар мукамал ўрганишлари зарур. Сабаби, ранглар бўйича ўзлаштирилган билим ва кўникмалар улар ўртасидаги уйғунликни белгилашда катта ёрдам беради.

Одатда нақш композициясида бирор бир ранг ҳукмрон бўлиши мумкин. Масалан, нақшда яшил ранг ҳукмрон бўлса, барча ранглар яшилга, зангори бўлса зангорига, жигар ранг бўлса, жигар ранг муҳитга бўйсундирилиши лозим (28-расм). Айрим нақшларда бу қоидага риоя қилмаслик ҳам мумкин. Бунда чизилган нақшлар ва фонларнинг туслари бири-биридан кескин ажралиб туради (29-расм). Баъзан эса нақш элементлари бўялиб, фонлари ўз ҳолича қолдирилади (30-расм).



28-расм. Нақшларнинг колористик ечимлари: *а* - бинафша ранглар тонларидан тузилган нақш; *б* – ёрқин кўк ранглардан тузилган нақш; *в* – оч малла ва қизғиш ранглардан



29-расм. Бир неча ранг тонидан тузилган нақш намуналари.



30-расм. Табиий рангларга яқинлаштирилган нақш намунаси.

Нақшга бўёқ яхши мўйқаламлар билан сурилади. Мўйқаламларнинг ишга яроқлиси қуйидагича танлаб олинади: уни тоза сувга солиб силкитилади, агар мўйқаламнинг учи бирикиб ингичка ҳолга келса, у ишга яроқли, тўзиб турса, яроқсиздир.

Мўйқаламлар бўрсиқ, савсар, олмахон каби ҳайвонлар юнгидан тайёрланади. Биз бўрсиқ юнгидан ясалган 1 дан 10 гача рақамли қаламлардан фойдаланишни тавсия этамиз.


1. *Сиёҳ мўйқалам* — 1, 2, 3 номерли қаламлар бўлиб, ахта ёрдамида нақш туши қуригандан сўнг уларни юргизиб чиқиш ва гуллар баргларга таррил бериш ҳамда оқ бандларни тортишда ишлатилади. 4, 5 рақамли мўйқаламлар эса банд ва марғўлаларни ранглашда қўлланади.

2. *Оби мўйқалам* — 6, 7 рақамли мўйқаламлар бўлиб, улар барг, гул ва кичик юзаларни ранглаш ҳамда нақш композициялари чеккаларини (рамкаларни) юргизиб чиқиш учун ишлатилади.

3. *Мола мўйқаламлари* — 8, 9, 10 рақамли мўйқаламлар бўлиб, катта барг, банд, гул ва нақшлар тагига (катта замин, кичик заминга) ранг бериш учун фойдаланилади.


Шунингдек, нақшларни бўёқлар билан ишлашда мўйқалам турларидан тўғри фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга.


Нақшни бўяшда мўйқаламни тўғри ушлашга аҳамият бериш керак (31-расм). Ишлаш усуллари турлича бўлишига қарамай, мўйқаламни асосан икки бармоқ (бош ва



31-расм.

кўрсаткич) билан ушлаш лозим. Нақшни бўяшга киришишдан аввал мўйқалам билан махсус машқлар ўтказиш керак.





32 -расм. Нақш элементлари

Қуйида биз қаламда чизилган нақшни бўйиш тартиби ва кетма-кетлигини келтирамиз:

1. Нақшнинг тагини (фонини) ранглаш;
2. Нақшнинг гуллари ва барглари турлаш;
3. Нақшнинг бандларига ранг бериш;
4. Нақшнинг гуллари ва барглари ишлов бериш;
5. Нақшнинг оқ бандларини ва обисини тортиш.



33-расм. Оддий нақш намуналарини бўйиш босқичлари



34-расм. Мураккаб нақш намуналарини бўяш босқичлари

Накқошликда курук бўёқ, гуашь, акварель, эмульсия бўёқ, минерал бўёқ, мойбўёқ, темпера бўёқларидан фойдаланилади. Накшларни ранглашда

энг кўп қўлланиладиган бўёқ гуашдир. Гуашь кичик идишчаларда ёки алоҳида банкаларда бўлиб, у сувда яхши эрийди. Гуашнинг яна қулайлиги шундаки, у билан турли рангда қоғозлар ва ёғочларни ҳам бўяш, бир рангни иккинчи ранг билан аралаштириб, учинчи бир ранг ҳосил қилиш ҳам мумкин.

Ҳар бир бўёқ алоҳида стакан ёки кичкина идишчада тайёрланади, алоҳида таёқча билан аралаштирилади. Бўёқ зарур қуюқликда ва тиниқликда танланиши лозим. Бунинг учун оқ бўёқни бўёқлар билан аралаштириб, керакли ранг топа билиш муҳим аҳамиятга эга.

Нақшларни гуашь бўёқлар билан ишлаганда қуйидагиларга:

1. Нақшларни бўяшда симметриклик принципи;
2. Нақш элементларининг аниқ чиқиши;
3. Рангларнинг боғлиқлиги, оҳангдорли ва ҳамоҳанглиги;
4. Бўёқ қаватларининг текис чиқиши;
5. Кўзга яққол ташланадиган ранг доғларнинг бўлмаслиги;
6. Нақш композицияларининг мазмуни ҳамда таъсирчан чиқиши ва бошқаларга амал қилиш керак.

Шуни эсда тутиш лозимки, нақшни бўяшдан олдин танланган бўёқ оқ қоғозда синаб кўрилади. У талабга жавоб берадиган бўлсагина ишлатилади. Қўлга олинган бўёқда керакли жой бўялганидан сўнг симметрик равишда навбатдаги жойи бўялади. Кичикроқ элементлар (барглар, ҳар хил гуллар ичида чизиладиган тарғиллар) алоҳида бўялади. Нақш элементларининг асосини тарғиллар ташкил этади ва нақшнинг чиройли чиқишини таъминлайди. Тарғиллар кўпинча қизил, қирмизи, тўқ зангори, тўқ яшил, жигар ранг, қора ва шу каби тўқ тусдаги бўёқлар билан ишланади.

Бундан ташқари ёғоч буюмларни нақшлаш учун қуйидаги асбоб-ускуна ва материаллар керак: ёғоч, белчалар, жилвир қоғоз, бўр, листа кўмир, синка, дока, хитой қоғози, нина, алиф, елим, куруқ кукунли бўёқлар, олтин ва кумуш кукунли бўёқлар, лок, мўйқаламлар, идишчалар ва бошқалар.

Ёғоч буюмларни нақшлаш учун ёғоч турлари ва уларнинг хусусиятларини билишлари керак. Чунки нақш ишлашга ҳар қандай ёғоч ҳам

ярайвермайди. Нақш ишлаш учун қайин, қора қайин, терак, қарағай, нок, ёнғок, ДСП ва бошқа ёғочлар танланади. Бу ёғочлар табиий шароитда яхши қуритилган ва ҳеч қандай нуқсонсиз бўлиши керак. Мос ёғоч танлангандан кейин унга дастлабки ишлов берилади ва юзаси текисланади ҳамда текисланган юза бўёқ билан бўялади.

3.6. Раппорт ҳақида тушунча

Раппорт (франц. Rapport - орқага айлантириш) - нақшнинг асосий элементи, нақш гулининг бир қисми, матода кўп маротаба қайтариладиган, трикотажда, кашта гулларида, гиламда, обойларда ва ҳок. Шунингдек ипларнинг кам саноклиси, нозик қадалган мунчоқлар, маржонлар қаторида ва ҳоказо каби нақшни тўқиш давридан кейин бир-бирини ўзаро бекитиш тартиби бошланади.

Тўқима раппорти

Асосидаги иплар саноғи, қайсики улардан сўнг асосий ипларнинг навбатдаги тўқималари илгариги тартибда қайтарила бошланиши - асосий раппот деб аталади. Тарқоқ иплар учун мўлжалланган ўхшаш раппот тарқоқ раппорт деб аталади. Асосий ва тарқоқ иплардан ташкил топган тўртбурчак, қайсики уларнинг саноғи роппа-роса раппотга мос келса газлама тўқимасининг раппорти дейилади.

Тўр тўқишда гулни қайтариладиган қисми. Раппорт ҳар бир кашта гули учун ҳам энига ҳам бўйига маълум санокли тугунда бўлади. Тикиш ишларида раппорт - бу газлама йўлининг такрорланиш қисми бўлиб, у 1,5-2 см дан тортиб то 40-45 см гача бўлади.



Орнаментал композиция - ўзига хос тузилиш услубига эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, архитектурада, тасвирий санъатда, текстилда, ишлаб чиқаришнинг турли маҳсулотларида ва шу каби соҳаларда бадиий безак сифатида, алоҳида мосланган услубда иштирок этади. Орнаментал композицияси образи шартли символик кўринишга эга бўлиши ёки эмоционал маънога эга ва образли мазмун кашф этувчи сифатида бўлиши

хам мумкин. Орнаментал композициянинг ифода воситаларига нўқта, доғ, чизик, ранг, фактура ва улар композициянинг элементлари сифатида катнашади (36-расм).

Орнаментал композициянинг ижодий методи. Декоратив композиция устида ишлашда унинг ижодий методини асосан рассомнинг абстракт фикрлаш қобилиятига боғлиқ. Нақш яратилиш жараёнига ассоциация ва ассоциатив фикрлаш, реал ҳаёт ва жисмларни поэтик нўқтаи-назаридан идрок этиш ва ифодалаш кабилар ҳам киради. Бу усто ўзи яратаётган нарсасига, унинг кўринишига, у бажарадиган функциясига бадийлик орқали янгича эстетик, ассоциатив кайфият бағишловчи қўшимча функция киритади. Чунки барча санъат асарлари ҳар доим ассоциатив натижага эгадир.



35-расм.



36-расм.

Нақшнинг бадиий мазмунига эга бўлиши, унинг мативлар тизими, ритми, метрик тартиботи, табиатнинг натурал элементларини танланиши ва уни ижодкор томонидан қанчалик идрок этилиб, фазовийликдан стилизациялаштирилган ва янги маънавий мазмун кашф эта олганлигига боғлиқдир. Наққош учун икки асосий ижодий манба - бири инсон онгидан ташқари мавжуд борлиқ жисмлари бўлса, иккинчиси бу халқ амалий санъатидир.

Нақшнинг конструктив элементлари

(раппорт, мотив)

Кўплаб орнаментал композициялар орасида очик структурали раппорт композицияси кўп учрайди. Уларда бир хил масофали интервалда, горизонтал ёки вертикал йўналишда даврий такрорланувчи содда ёки мураккаб орнаментал мотив кузатилади. Раппортли шакллар энг кўп матоларни нақшлашда, шунингдек архитектурада ва кулолчиликда кўп тарқалган.

Раппорт деб - мотивлар ва ён мотивгача бўлган масофани ўз ичига олган такрорланувчи шаклнинг минимал майдонига айтилади. Горизонтал ва вертикал қаторлар бўйлаб, қонуниятларга асосланиб такрорланган раппорт - раппорт сеткасини (тўрини), яъни шаклнинг конструктив асосини ташкил этади. Бундай раппорт яхлит тўрли ёки гилам раппорти номини олди (37-расм).



37-расм.

Тўрсимон нақшга мисоллар. Бунда мотив тўғрибурчакли ёки қия тўрга (сеткага) яъни тўғритўртбурчак ёки ромбга жойлаштирилган. Раппорт шакллари яратиш жараёни орнаментал мотивини яратишдан бошланади. Кўпинча шаклни раппортли такрорлаш вертикал ва горизонталгина бўлмай фақат бир тарафлама давом эттирилиши ҳам мумкин. Бундай тартибни тасмали раппорт (ленточный) дейилади. Улар газламаларда, архитектуравий формаларда, кулолчиликда ва ҳоказоларда ишлатилади. Бундан ташқари марказий розеткасимон (тўпбарг гул) раппорт ҳам (розеткалар, метоплар, кессонлар ва ҳоказолар) мавжуд.



39-расм. Марказлашган ёки розеткасимон (тўпбарг гул) нақшга мисоллар



38-расм. Тасмасимон (ленточный) нақшга мисоллар.

3.7. Дизайнда халқ амалий, декоратив санъат турларининг

қўлланилиши

Кулолчилик

Кулоллик, кулолчилик — хунарамандликнинг лойдан турли буюмлар (терракота, сопол идиш, қурилиш материаллари ва бошқалар) тайёрлайдиган тури. Кулолчиликда асосий хом ашё — тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўлган тупроқлардан турли хил кулоллик буюми яшаш жараёни ҳисобланади.

Тайёрланиши. Лой қанча кўп пишитилса, сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Кулолчиликда асосий қурол кулоллик чархи, уста унда идишлар тайёрлайди ва уларга шакл беради. Тайёрланган идишлар қуритилиб, хумдонда қиздирилади. Идишларнинг турларига кўра, хумдонлар ҳам турлича (катта-кичик) бўлиши мумкин. Сирланадиган идишлар сирланганидан сўнг яна бир бор хумдонда қиздирилади. Одатда, кулоллар ясайдаган идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўладилар (масалан, косагар, кўзагар, кошинпаз, тандирчи ва бошқалар).

Ўзбек кулолчилик санъати

Ўзбек кулолчилигидаги бадиий услуб узоқ давр давомида шаклланиб, айрим туманларда идиш-товоқлар турлари ва нақшларининг ўзига хослиги сақланиб келмоқда. Идишларга бериладиган нақшлар асосан қалами, чизма ёки харрожи услубида амалга оширилган, баъзан улар биргаликда ишлатилган.

Кулолчилик Ўзбекистоннинг ҳамма жойида учрайди. Аммо бадиий буюмлар яратишда енг йирик марказлардан Риштон, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Хива, Хонқа, Самарқанд, Тошкент қадимдан машҳур



40-расм.

бўлган. Масалан, Риштон кулоллари яратган сирли идиш ва сопол буюмлар ўзининг нозик ва мураккаб нақшлари, бўёқлар колорити, айниқса, оч кўк кобалти ва феруза рангли бир неча оҳанглилиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги Риштон буюмларидаги қалами услубида яратилгани нақшлар йирик ва декоратив хилдаги орнаментдан иборат. Ғиждувон сопол идишлари ўзининг ранг бойлиги ва қатламлилиги билан кўзга ташланади. Уларда ҳам хатлами услубида тўқ жигарранг фонида яшил, тўқ сариқ, тўқ кўк ва қизил ғишт рангли нақшлар бир неча қатламда берилган бўлиб, бўрттирилгандек сезилади. Ҳозирги Шаҳрисабз усталари йирик орнаментли қизил-жигарранг фонда яшил, сариқ, қизғиш ва баъзан кўк ранглар билан идиш-товоқларни безайдилар. Самарқандлик кулоллар катта декоратив шаклдаги олтин ёки саккиз киррали юлдуз, доирасимон, ўсимлик орнаментли нақшлари билан ўз маҳсулотларини беаганлар. Тошкентликларда икки хил сопол идишлар фарқланади: эски хилда ясалган суюқлик оқимиға ўхшаш яшил, сариқ ва жигарранг бўёқли ва ҳозирги даврга оид очиқ фонга битилган чеккаси гравировкали, майда ўсимлик орнаментли, полихром безакли намуналар. Фарғона кулоллари сопол идишларга оқ, кўк, қизил, яшил, сариқ, ва ҳоказо тусда сир берадилар.

Чинни-идишлар (фарфор) санъати

Чинни-идишлар Ўрта Осиёда яқин даврлардан ишлаб чиқарила бошланган. Ўзбекистонда кечки феодализм даврида пайдо бўлган чиннисозлик ҳозир тез суръатлар билан ривожланиб, анъанавий бадиий санъат намуналарини яратишни давом қилдирмоқда. Ўтган асрда чиннисозлик Фарғона водийсида, Андижон, Қўқон, Риштон каби шаҳарларда ривож топган.



41-расм.

Аммо XIX аср охирларига келиб Россия чинни корхоналарида ишланган идишларнинг Ўрта Осиё бозорларига кўплаб кира бошлаши туфайли маҳаллий чиннисозлар рақобатга чидаёлмай инқирозга учрайдилар. Оқибатда

асримиз бошларида бу касб кўп шаҳарларда тўхтайди ва йўқолиб кетади. 1954 йилда республикада чиннисозлик қайтадан тикланиб ривожлана бошлайди.

Ўзбек кулолчилик санъати ҳам амалий санъатнинг бошқа соҳалари сингари бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нарсани унинг ҳом ашё, ишлаб чиқариш қуролларининг турлари, меҳнат тақсимоти, буюмларнинг шакли ва нақшлари қабиларда кўринади. Сопол идишга солинадиган гуллар ва нақшларнинг номлари баъзан бир хил, баъзан ўзаро фарқланади. Фарғона водийси кулоллари, айниқса машҳур Риштон усталари ижод этган нақш намуналари 300 га яқин. Шуларнинг ичида нақш элементларини ифодаловчи қуйидаги сўзларни учратамиз: аноргул, қалампир, тож, саноти мурр, кўчқароқ (кўчқор шохи), гули афшон, нон севат, сада, гултожихўроз, меҳроба, зар пучак, булбулзор, туморча, ошпичоқ офтовагул, чой идиш, четангул, туябўйин, рўзанак, каптар қанот, ошиқча, риштагул, печак ўт, санама, листа, барг, занжира, осма гул, кошин гул, чор япроқи, гулли гажак. Сопол идишларга туширилган нақшлар ҳаммаси бир-бирини тўлдиради, мукаммаллаштиради ва ўзига хос ҳусн бағишлайди.

Чинни (чин сўзидан) — сув, газ ва электр ўтказмайдиган, ўтга чидамли, жарангдор, асосан оқ рангли (юпқаси ёруғлик ўтказадиган) маҳсулот, керамиканинг нафис тури. Махсус тупроқ (чинни гили), каолин, кварс, дала шпати ва бошқа ҳом ашёлар аралашмасидан тайёрланади. Чиннидан рўзғор буюмлари (чойнак, пиёла, коса, лycopчaлар, лаганлар), безак буюмлари (гулдон, ҳайкалча ва бошқалар), меъморлик деталлари, санитария-гигиена буюмлари ишланади, кислоталар таъсирига чидамли (фторид кислотадан ташқари) бўлганидан кимё саноатида, электр ўтказмаслиги туфайли радиотехника ва электротехникада фойдаланилади.

Сифати жиҳатдан нафис чинни (туркча фарфур, форсча — фағфур, энг сифатли чинни тайёрланган қадимги Хитой вилоятининг номи), дағал чинни (фаянс, итальянча — Фаенс, йирик керамика маркази бўлган шаҳарнинг номи), техник, хўжалик, сирланган ва сирланмаган чиннилардан фарқланади.

Нафис чиннининг сувни сингдириши 0,5% гача. Дағал чинни нафис чиннига нисбатан серғоваклиги, сувни кўпроқ сингдириши (9—12% гача) билан фарк қилади, шунинг учун ҳам у сирланади. Нафис чинни ҳам, дағал чинни ҳам бир хил хом ашёлардан тайёрланади (таркиби: оқ гил ва каолин 45—50%, кварс қуми 25—35%, дала шпати 12 — 25%, бўр 0 —10%, чинни синиқлари 5—15%), фақат тайёрлаш технологияси ҳар хил бўлади. Чиннининг қаттиқ ва юмшоқ турлари ҳам бор. Идишлар ясашда, техника ва саноатда қаттиқ чинни ишлатилади, бадий ва безак чинни маҳсулотлари юмшоқ чиннидан тайёрланади. Қаттиқ чинни юмшоқ чиннига нисбатан чидамлироқ, хом ашёси таркибида тупроқ кўпроқ (45— 60%) бўлади, шунинг учун ҳам юмшоғига нисбатан юқори турада (юмшоғи 1300° гача, қаттиғи 1450°гача) пиширилади. Чинни маҳсулотлари сирланиб, бўялиб, гуллар солиниб ёки гул босилиб ишлаб чиқарилади.

Хитойда IV-VI асрларда чиннисозлик санъати юксак даражага кўтарилган. Чиннининг таркиби ва тайёрлаш технологияси сир сақланган. XI-XIV асрларда Эрон, XVI-асрда япон чинниси шуҳрат қозонди. XVI-асрда Европада (Флоренсия, Франция, Голландия, Англияда) илк чинни буюмлари пайдо бўлди, дастлабки чинни заводи 1710 йилда Майсенда, 1717- 1718 йилларда Венада, 1744 йилда Петербургда қурилди. Дания (Копенгаген), Швеция (Мариебург), Голландия (Беен, Гаага), Белгия (Турне), Швейцария (Сюрих), Чехия (Славков, Клаштерец) бадий чинниси шуҳрат қозонди. XVII-аср ва XIX-асрда чиннидан безак маҳсулотлар ва бадий буюмлар ясалган. XX-аср бошларидагина чинни саноат миқёсида ишлаб чиқарила бошлаган.


Ўрта Осиёга чинни қадимдан Хитой ва Эрондан, кейинчалик Россиядан келтирилган. Маҳаллий кулоллар (айникса, Риштон кулоллари) сополнинг чиннига яқин хилларини ишлашган. Ўзбекистонда чинни саноати XX-аср 50-йилларида юзага келди, бирин-кетин Тошкент, Самарқанд, Қува, Ангрен шаҳарларида чинни заводлари қурилди.

Батик

Батик – матога заҳира қоришмалари-дан, (резервирующих составов) (заҳира - парафин, бензин, танланган техника, мато ва бўёқ бўйича сувли асосда) фойдаланилган ҳолда матога ишланадиган кўл иши. Чизғиларда бўёқларни чегаралари аниқ чиқиши учун юқорида кўрсатилган ашёларни суртиш ёрдамида ишлов берилади.

Батик усули жуда қадимий бўлиб, Ҳиндистон, Индонезия халқлари томонидан қўлланилиб келган.

Батик - Индонезия тилидан олинган бўлиб, “мум томчиси” маъносини англатади. Батик усули матога ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, парафин, резина клейи, шунингдек дарахт елимлари, лаклар ва бошқа ашёларда, бўёқ матонинг орқа тарафига ўтмаслиги учун суркалиб, сўнгра унга керакли шакллар туширила бошланади. Батикда асосан пахта, шойи ва синтетик материалларга ишланади.



42-расм. Ҳинд аёллари тасвирланган батик

Технологияси: иссиқ, совуқ ва эркин усулда ишлов бериш. Бу усуллар "резервлаш", яъни бўёқ матони орқа тарафига ўтмаслиги учун матога суркаладиган резервлаш ашёлари ёрдамида бажарилади.

Иссиқ батик

Иссиқ батикда резерв сифатида мум ишлатилади. Мум иссиқ, эритилган ҳолда махсус асбоб "чантинг" ёрдамида суркалиб, бўёқ матога сингиб ва чегаралари тарқалиб, бир-бирига ўтиб кетмаслиги тامينланади. Мум матога иссиқ ҳолда суркалганлиги учун уни иссиқ батик деб аталади.

Мум тасвирий ишлар тугаганидан сўнг матодан олиб ташланади. Тасвир сифати бўёқларни қатламлаштириб ишлаш эвазига эришилади.


Иссиқ батик усулида ишланган иш



43-расм. а) “Купание в тага-дымскую ночь”, б) “Анор”, в) “Бар”

Совуқ батик

Совуқ батик, европача усул дейилиб, у асосан шойи матога бўёқлар билан суркаб ишланади. Аммо бу услубни бошқа матоларга ҳам қўллаш мумкин. Совуқ батик классик технологиянинг европача модификациясига



44-расм. Сидней Опера театри

мансубдир. Батикнинг бу турига анилин бўёғи ишлатилиб, матога резерв сифатида қуюқ ва суюқ резиналар (резервни бензинда аралаштириш мумкин) ишлатилади. Резервни қўлда тайёрлаш ҳам мумкин. Совуқ батикни қулай томони унда акварель бўёғида "хуллаб" ишлагандек ишлаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек батикда рангтасвир ва бадиий декоратив ишлар ҳам яратиш мумкин. Умуман батик техникаси жуда диққат ва зийраклик билан ишлашни талаб қилади.



45-расм. Товуслар



46-расм. Икки рангда бўялган футболка

Эркин расм солиши




Бу усул кенг тарқалган бўлиб, бунда рассом ўз асарида ижодий-услубий ўзига хослигини кўрсата олиши, индивидуал бетакрорликка эришиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Батикнинг бу турида натурал

шойи, анилин бўёғи, мойбўёқ , растворител каби ашёлар ишлатилади.

Батик услубида ишланган ишлар



47-расм. Батикни резервлаб ишлаш услубларидан бири



48-расм. а) “Тун”, б) “Сув ости мавжудотлари”, в) эркин мавзудаги композиция. г) “Дюмовочка”

Тасвирий санъат ва мато тўқимачилигида батик усули ўзига хос тасвирий ва бадиий имкониятларга эга бўлган, инсонлар зикри, фаолияти, кудрати билан яратилган бу тур интерьерларни безашда ва оддий картина сифатида ҳам эстетик жиҳатдан катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Витраж

Витраж декоратив санъатнинг турларидан бири бўлиб, биноларнинг бўш проёмлари, дераза ўринларига, умуман, бино фасадларига безак сифатида қўлланилади. Витражга асосан рангли шишалардан, турли табиий



49-расм.

рангли тошлардан бир-бирига пайвандланган ҳолда ишланади. Қадимги Европа мамлакатларида саборлар, саройлар ойналарига маълум бир сюжетни ифодаланиб ёки орнаментал-декоратив кўринишида ишланган. Сюжетли тасвирларда худо ва авлиёлар образлари,

декоратив композициялари эса

манзаралар, нақш элементларидан тузилган.

Витраж санъати XII аср бошларида юзага келиб, ўзининг мафтункор чиройи, безакдорлиги билан билан одамлар диққатини тез орада жалб қилиб, бутун дунёга тарқалиб кетди. Тасвирий санъатнинг бу тури XIX асрларга келиб шунчалик тараққий этдики, одамлар витражни сохта (турли бўёқларда бўялган қоғоз ва шишалардан имитациялар) усуллари ҳам ярата бошладилар. Витраж санъатининг сир-атворлари аста-секин (XIX-XX асрлар) Россияга ҳам тарқалди. Витраж ашёлари заводларда ишлаб чиқилиб, рус мамлакатада кенг тарқалди. Ҳозирги кунда бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам нуфузли жамоат биноларига витражлар ишланмоқда.

Витраж турлари



50-расм

Бугунги кунда витражнинг жуда кўп турлари мавжуд. Шулардан куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Классик тури

Дастлабки энг содда, қайсики алоҳида-алоҳида кўп мураккаб бўлмаган қисмлардан кўрғошин, латунь, мисни эритиб, маълум бир сюжетни йиғиб ва уларни бир-бирига пайвандлаб ишланган (51-расм).



51-расм.



52-расм.

Росписли (бирор қоғоз, плёнка ёки шиша юзасига шаклни контурлаб бўйаш усули)

Бу усул эскиз сюжети бўйича қисмларни яхлит юзага кўчириб, рангли лок бўёқлари мой бўёқ ёки бошқа рангли аралашмалар билан бўйлиб, қисмлар контурлари металл пайвандларини эслатувчи контурлар билан чизиб чиқилади (52-расм).

Куймалаш тури

Бу услуб эскизланган сюжетни қисм, бўлақларини алоҳида рангли шишадан пуфлаш ёки эритиб рельефли этиб қуйиш усулида ишлаб чиқилган, ҳар бир элементни йиғиб яхлит композиция яратиш. Бу энг гўзал мафтункор асарлар яратиш имкониятига эга усул ҳисобланади (53-расм).



Кислота билан ўйиб ишлаш Бу усул куйма усулга ўхшаш бўлиб, махсус кислоталар орқали керакли



54-расм.

формавий, фактуравий ва ранг

53-расм.

эффектларига эришилади. Бунда яхши натижага эришиш учун кўп қаватли ишлов бериш (травление) усули қўлланилади (54-расм).

Комбинациялалаш тури

Бу усулда бир неча техник воситаларни – қум сепиш, хиралаштириш, қизитиш, рангларни устма-устлаштириш яъни юпқа ва қалин шиша бўлақларини қўшиб аралашган ранг тонлари ҳосил қилиш ва ҳоказо воситалар орқали эффект ҳосил қилишдан иборат.

Коллаж санъати

Коллаж – жуда ёш йўналиш бўлиб, асосан ўтган асрда юзага келди. Малумки, бу аср инсоният тараққиётининг барча жабҳаларида кескин бурилишлар, ижтимоий, сиёсий, ғоявий тизимларни юзага келиши, мисли қўрилмаган техник тараққиёт билан боғлиқ бўлган.

Коллаж – французча “клеялаш” маъносини англатади. Бу усул аслида ўтган асрда тасвирий санъатда юзага келган модернизм, кубизм, дадаизм, манеризм, импрессионизм йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг асосчиси кубист рассом Жорж Брак ҳисобланади.

Коллаж турли ўсимликлар, фотосуратлар, металл, матолар ва ҳоказо ашёлардан маълум мавзу сюжетини ёритиш, турли ғоявий, фалсафавий қарашларни олға суришга қаратилган. Коллаж билан кейинчалик Пабло

Пикассо, Анри Матисс каби етук рассомлар ҳам шуғулланишган. Демак коллаж тасвирий санъат негизда юзага келган ва бадиий нўқтаи назардан қаралганда айнан унинг воситаси сифатида бўлганлигини қайд қилишимиз мумкин. Аммо коллаж кейинги пайтларда турлича тараққий топиб, ҳис-туйғуларни ифодалаш воситасига айланди. Коллаж билан нафақат рассомчиликда бўлмай, балки оддий одамлар ҳам шуғулланиши мумкин. Масалан, ўзи йиғиб юрган фотосуратлардан мазмунли сюжет тузиш, ўсимликлардан турли хашоротлар, буюмлар, матолар ва ҳоказолардан сюжетли коллаж тузиш мумкин. Коллаж стилистик жиҳатдан манзаравий, вегетатив (ўсимликларни ривожланиш жараёни билан боғлиқ), декоратив, формавий-чизиқли бўлиши мумкин.



55-расм. Коллажга оид намуналар

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Дизайнда қандай замонавий материаллар қўлланилади?
2. Дизайнда табиий материалларнинг ўрни.
3. Дизайнда сунъий материаллар қўлланилиши.
4. Интерьерни безаш деганда қандай факторларга асосланиш керак?
5. Нақшнинг қайси турларида геометрик усул қўлланилади?
6. Ислими нақш нима?
7. Нақшда намоён нима ва қандай қўлланилади? Мисоллар келтиринг.
8. Нақш элементларини чизиб кўрсатинг.
9. Нақш яратишда қандай талаблар қўйилади?
10. Нақш машғулотларида табиатнинг қайси элементлари шакл сифатида чизиб ўрганилади?
11. Стилизациялаш нима? Чизиб кўрсатинг.
12. Раппорт нима ва унинг турларини изоҳлаб беринг?
13. Кулолчиликда хом-ашё қандай тайёрланади?
14. Иссиқ ва совуқ батикни қандай фарқлаш мумкин?
15. Витраж санъати деганда нимани тушунасиш?
16. Витраж турлари нима ва уларни бир-биридан фандай фарқлай оласиз?
17. Коллаж қайси тилдан олинган ва унинг асосчиси ким?

4-МАВЗУ

ДИЗАЙН КАТЕГОРИЯЛАРИ. ДИЗАЙН КОМПОЗИЦИЯСИДА КАТЕГОРИЯЛАР

(контраст, нюанс, симметрия, асимметрия, ритм)

РЕЖА:

4.1 Контраст ва нюанс тушунчаси

4.2 Симметрия ва асимметрия, динамика ва статика тушунчалари

4.3 Метр ва ритм тушунчаси

4.4 Пропорциялар ва пропорционаллик тушунчаси. Мувозанат ва масштабlilik тушунчаси

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

1. Контраст ва нюанс
2. Ўқли симметрия, аксий (зеркальная) симметрия
3. Асимметрия
4. Метрик кетма-кетлик ва ритм
5. Динамика ва статика
6. Бадиий форма
7. Бадиий конструкциялаш
8. Мувозанат ва масштабlilik
9. Пропорциялар ва пропорцияlilik
10. Тасвирий санъат

Дизайн категориялари ва уйғунлаштириш воситалари

Дизайн ва архитектура бадиий асарларининг чиройли, сифатли қилиб яратилишида шунингдек, унинг композицион-конструктив ва бадиий таъсирчанлигида тектоник хусусият асосий роль ўйнайди. Ҳар бир асарнинг асосини юқорида изоҳлаганимиздек тектоника қонуниятлари ташкил этади.

Бинобарин етук бадий, техник ва архитектуравий композициянинг мукамал қилиб яратилишида композиция категориялари ва мукумлаштириш (гармонизациялаштириш) воситалари мавжуд. Буларга қуйидагилар киради: пропорция ва пропорциялилик, масштаб ва масштаблилик, статика ва динамика, ритмик ва метрик кетма-кетлик, контраст ва нюанс, ранг уйғунлиги ва хоказолар.

Юқорида қайд қилинган воситаларни таҳлил қилишдан олдин гармония (уйғунлик) тушунчасининг маъносини кўриб чиқамиз.

Эстетик тафаккурнинг шаклланиши жараёнида бу ибора ҳақида учта тушунча: математик гармония, эстетик гармония ва бадийлик мавжуд бўлиб келган.

Математик гармония тушунчаси - бу тенглик, ўзаро ўлчамлилиги ва алоҳида пропорционал ҳадлар кўринишидаги қисмларнинг бутунлиқдалигидир. Математик гармониянинг туб мазмуни унинг сифатида бўлмасдан, балким саноғидадир.

Эстетика тушунчаси эса математик гармониядан фарқли ўларок эстетик ҳаяжон билан боғлиқ бўлиб, идрок қилинган объект кишига кайфият бағишлайди. Масалан табиат манзараси, санъат асарлари, архитектуравий иншоотлар манзараси, театр, кино мусиқа шулар жумласидандир.

Гармониянинг бадий тушунчаси айнан санъатга боғлиқдир. Эстетик қарашларнинг тарихий жараёнида санъат турларига нисбатан гармония тушунчаси турига, ўзига хос яъни тасвирий санъат, мусиқа архитектура бир-биридан фарқли равишда шаклланиб келган.

Аммо гармония ҳақидаги бу учта тушунча тарихнинг тараққиёт жараёнида бир-бири билан кўз илғамас, мураккаб даражада чалкаштирилиб келинган. Шунинг билан бир қаторда гармония гўзаллик, латофат, танҳолик, пропорция, симметрия, ритм, меъёр, яхлитлик каби тушунча ва категориялар билан чамбарчас боғлиқликда бўлиб келган.


4.1. Контраст ва нюанс тушунчаси

Контраст нисбатлар тушунчаси - бу турдош шаклларнинг бир биридан кескин фарқланишини билдиради. Нюанс тушунчаси аксинча ўхшаш, турдош шаклларнинг кам фарқланишига айтилади.

Катта ва кичик, оғир ва енгил, горизонтал ва вертикал, оқ ва қора кабиларни контраст нисбатлар дейиш мумкин.

Бир-биридан кам фарқланувчи ранг, форма ва шаклларнинг нисбатлари, бир-бирига ўтиши, нюансли ўтиш ёки нюансли фарқланиш дейилади. Контраст нюанс-архитектура ва бадий конструкциялашда бадий ифодаликка эришишнинг асосий воситалардан биридир. Контраст ва нюанснинг уйғунлашган нисбатларига эришиш учун, уларнинг қайси муҳитда яққоллаштириш ёки сусайтириб кўрсатишни аниқ тасаввур қилиш лозим. Жисмнинг формаси, композицияси рангига таъсир этувчи турли факторлар ичида кўз билан чизиқлар, жисм объёмлари ва формаларини идрок этувчи физиологик оптика муҳим рол ўйнайди. Контраст ва нюанснинг шунга ўхшаш кўплаб хусусиятларини геометрик иллюзиялари мисолида кузатиш мумкин (56-расм).

Инсоннинг кўриш хусусиятлари оптик алданишга мойил бўлади. Шу боисдан буюмларни лойиҳалашда кўзнинг ана шундай хусусийлигини ҳисобга олиб буюм формаларига ўзига хос тузатишлар киритиш лозим. Масалан, инсон кўзи баландликка нисбатан энининг ўлчамларини яхшироқ аниқлайди. Вертикал баландлик бир хил узунликдаги горизонтал ўлчамга нисбатан баландроқ кўринади. Шунингдек бир кўламда бўлинган фазадаги масофалар ҳам бир хилда бўлиб кўринмайди.



56-расм.

4.2. Симметрия ва асимметрия, динамика ва статика тушунчалари

Инсоннинг узок ва давомли ижодий фаолияти мобайнида санъат ва архитектура асарларида симметрия ва асимметрияга оид қонуниятлар қабул қилинган. Симметрия ва асимметрия воситалари орқали статик ва динамик композицияларнинг бадиий мувозанатига эришилади (57- расм).

Симметрик деб геометрик ва физик тенг қисмлардан ташкил топган ҳамда бир-бирига тегишлича жойлашган ҳар қандай шаклга айтилади.

Геометрик тенглик деганда (конгуруэнтлик¹) бир-бирига тенг ёки аксийлиги (рус тилида “зеркальное равенство”) тушунилади.

Симметрияни — уйғунлик яратувчи, жисмлар формалари гўзаллигининг геометрик қонуниятларининг ўзига хос тури дейиш мумкин.

Эстетика фани санъатдаги симметрия принципларини рассомнинг субъектив маҳсули деб қарамасдан, балким у объектив дунёнинг реал қонуниятларини санъатда акс этиши деб тарғиб қилади. Бадиий формаларда, архитектура, дизайн, тасвирий санъатнинг барча турлари ва амалий санъат-

1. Конгуруэнтлик – бирон бир геометрик шакл учларининг бошқа бир айнан ўхшаш шаклнинг устига мос равишда тенг келиш, устига тўлиқ мос келиш

даги симметриянинг маълум даражасидаги иштирокини инкор қилиб бўлмайди. Шунингдек, эстетика фани симметрияни гўзалликнинг ягона мезони деган тушунчага қарши боради.

Аксий, ўқли ёки айланма (винтовия) симметриялар

Аксий симметрия - иккита шаклнинг қисмлари бири иккинчисига нисбатан мувозанатда, бошқача қилиб айтганда кўзгуда акс этгани каби жойлашишига айтилади.


Шаклни тенг иккига бўлиб турувчи текислик, симметрия текислиги дейилади ва М символи билан белгиланади.

Ўқли симметрия - шаклнинг ўқи атрофида конгурэнт (устма-уст) жойлашган шакл қисмларининг тенглигига айтилади. Бунда шакллар ёки чизик бурама тарзда симметрик ўқи атрофида жойлашиб давомли, олға чорловчи ҳолатда бўлади (шакллар).

Симметрик композиция усули архитектурада, амалий санъатда турли маҳсулотларни бадий конструкциялашда кенг қўлланилади. Симметрик композиция усуллари функционал, асоссиз қўлланса бу формалликка олиб келади.

Бугунги кунда асимметрик композиция тушунчаси ўзига хос янги аҳамият касб этмоқда. У тарзда унсурларни ўзаро бирлаштириб улардан уйғунлашган функционал яхлит жисмлар яратишга имкон беради.

Симметрик қурилмалар бир-бирига зид бўлган архитектуравий иншоотлар турли станоклар, машиналарни компоновка қилишда ҳар доим қўл келавермайди.



57-расм.

Симметрия ва асимметриядан ташқари статик ва динамик композиция тушунчалари ҳам мавжуд (58-расм).

Симметрик ўқларга ёки марказлашган ҳар бир жисм ўз ўқларига нисбатан статикдир.


Шар, куб ёки параллелопипедлар ўзларининг барча томонларига нисбатан статикдир. Конус симметрия ўқиға нисбатан статик. Аммо унинг сирти бўйлаб қаралганда (силуэти) динамикдир.

Динамик композицияға ҳаракатланувчан транспорт воситалари характерли бўлиб, уларни уч асосий гуруҳға бўлиш мумкин: ер устида ҳаракат қилувчи (автомобиллар, поездлар, қурилиш машиналари ва ҳоказо), сув транспортлари (пароходлар, сув ости кемаси) ва ҳаво йўллари воситалари (самолётлар, планерлар)

Симметрик ва асимметрик, статик ва динамик жисмлар ва уларнинг комплекслари тузилиш жиҳатидан кўплаб вариантларға эға.

Ҳар бир композициянинг хусусийлиги жисмнинг ўзига хос табиати ва сифатидан келиб чиқади. Масалан, самолёт, судна, автомобиллар формаларининг нафақат ташқи кўриниши композицияси аҳамиятли бўлмасдан балким, у ҳаракат ўқиға нисбатан статик мувозанатда бўлиши керак. Бундай ҳолларда машинанинг техник вазиятларига боғлиқ бўлган,

механизмларининг бир-бирига нисбатан симметрик ва асимметрик жойлашуви табиийдир. Аммо тез юрар транспорт воситалари ҳам композицияси динамик кўринишда ўз ўқиға нисбатан суйри (обтекалый) яъни аэро, газо ва гидродинамик талабларидан келиб чиққан бўлиши лозим. Самолёт ва машинанинг формаси, суйри бўлиши функционал жихатдан қонунийдир, чунки формаси суйри бўлса тезлик ва ёкилғи тежамлилиги таъминланади. Трактор, экскаватор, йўлга ишлов берувчи машиналар ва шу каби машиналар учун суйрилиқ талаб қилинмайди, чунки улар тез ҳаракат қилмайди.



58-расм.

4.3. Метрик ва ритмик кетма-кетлик



Архитектурадагидек, бадий конструкциялашда унсурларнинг қонунияти билан композицияси кетма-кет тузилади. Кетма-кетликнинг икки тури мавжуд. Булар метрик ва ритмикдир (59-расм). Метрик композиция кўпроқ тизимли функционал талаблардан келиб чиқилади. Масалан, автобуснинг ички ечимида ўтиргичларнинг жойлашуви йўловчилар учун бир хил ўлчамда қатор жойлаштирилганлиги, шкафларнинг тоқча сифатида жойлашуви, бошқариш пульти ва ҳок.

Метрик қатор агарда бир элементдан ташкил топган шкафларнинг бўлса, у ҳолда метрик кетма-кетликнинг содда турига кирази. Агарда у бошқа элементлар билан мужассамлашган бўлса мураккаб ёки композицияда бир неча қатор элементлар иштирок этса ғоятда мураккаб метрик қаторлар тури ҳисобланади.

Ритм – такрорланишнинг анча мураккаб турига кирази. У масштаб сингари ўзига хос хусусийликка эга бўлади. Бу бинолар, жисмлар ишлаб чиқариш жиҳозлари элементларининг кетма-кет қайтарилиши улар саноғи ва формалари ўлчамларини кўпайиб, катталашиб ёки камайиб, кичрайиб боришини характерлайди. Ритмик қатор яққол ифодали элементларнинг яъни, акцентлилиқ жиҳатидан актив ёки пассив интервалда ташкил топади.

Шунингдек ритмик қатор камайиб ёки кўпайиб бориши, контрастли ёки ньюансда бўлиши мумкин.

Ритм (юнонча *rhythmos* –мутаносиб, мунтазамлилиқ) – бу ўлчовлари бир-бирига яқин, ўлчовдош элементларнинг қайтарилиб боришидир. У бадий асарнинг яққоллиғи ва мунтазамлигини таъминланишда иштирок этиб, унинг яхлитлиғи ва ифодали бўлишига ёрдам беради. Мусиқада ритм товушларни маълум ритм-инсон қоматининг маълум қонуниятларда такрорланиши хореографияда кетма-кетликда, фойдали ҳаракати орқали рақс мароми юзага келтиради.



59 -расм.

Шундай қилиб, ритм-бу элементлар форма ва интервалларнинг такрорланиши бўлиб, маълум такрорланиш қонуниятига асосланади.

Ритм тартиби агарда элементлар тенг интервал (оралиқ масофа)да такрорланса метрик бўлиши ҳам мумкин ёки элементлар такрорланиши фарқланувчи масофада яъни, геометрик ёки бошқа прогрессияга асосланган бўлса, ритмик бўлиши мумкин.

Турли ритмлар бирикмаси мураккаб тузилишдаги тизимни юзага келтиради.


Чиройли метро - ритмик қаторларини яратилишида нафақат тартибли ва характерига мос жойлаштирилишига боғлиқ бўлмасдан, балким уларнинг саноғига ҳам боғлиқ бўлади. Давомли ритмик ҳаракатда кўринувчи содда метрик ёки ритмик қатор яратилиши учун камида уч-тўрт элемент керак бўлади. Элементларнинг кўплиги одатда ритмик қаторнинг ифодали кўринишига ёрдам беради. Аммо уларнинг саноғи ҳаддан ташқари кўпайтирилса тесқари эффект беради, яъни, зерикарли кўринишга олиб келади.

4.4. Пропорциялар ва пропорционаллик тушунчаси.

Мувозанат ва масштабlilik тушунчаси

Пропорция жисмлар ва турли кўринишдаги қисмларининг маълум даражадаги мутаносиблигини билдиради. Пропорция санъатда, архитектурада, техникада, бадий конструкциялашда ифодалашнинг асосий воситаси сифатида қўлланилади.

Бадий асар ёки техник-конструкциявий ишда, архитектуравий лойиҳа ва мусиқада пропорционаллик тўғри қўлланган бўлса, унинг бадий мазмуни, таъсирчанлиги ошади.



60-расм. Шакллар пропорцияси: а – 1:2, 1:3, 1:5;
б – 2:3, 2:5, 3:4; в – Миср учбурчаги ва унинг
асосида қуриладиган оддий нисбатли шакллар

Унинг номутаносиблиги эса асарни дисгармонияга олиб келади ёки уйғунлигини бузиб, унинг бадий ёрқинлигини сусайтиради.

Қадимги Мисрлик математиклар, файласуф ва меъморлар пропорцияга жуда катта эътибор беришган. Томонлар нисбатлари 3:4:5 лик машҳур Миср учбурчаги мисрликлар учун қурилишда ўзига хос ўлчам олтин кесмага жуда яқиндир.

Шунингдек, Қадимги Юнон математиклари рассомлари ва файласуфлари ҳам пропорциялар ҳақида кўп ўйлаганлар.

Пифагор биринчи маротаба пропорциялари математик усули мавжудлиги ҳақида тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг арифметика, геометрия, гармоник пропорциялар ва олтин кесма ҳақидаги билимларнинг билимдони бўлганлиги ҳозиргача қайд қилиб келинмоқда.

Аристотель пропорциялар талаблари ҳақида тартиблилик, симметрия ва ўлчамларнинг чегараланган бўлишлигида деб тарғиб қилган эди.

Чунки, тартиблилик ўлчамлар қисмларининг ўзаро ва яхлитликдаги тасодифий нисбатлардан эмас, балки маълум нисбатлар ва ўлчамлардан таркиб топилишини талаб қилади. Аристотель ўзининг “Этика” деган китобида энг мукамал нарсага бирор нарса қўша олиш мумкин бўлмаса уни мукамал натижа дейиш мумкин. Чунки керагидан ортиқлик ва нуқсон мукамалликни паймол қилади деб уқдирган эди.


Уйғониш давридаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчилик мутафаккирлари, Ф. Брунеллески, Альберти, Леонардо да Винчи, Микеланжелло Буонаротти, Виньола, Палладио кабилар пропорция масалалари устида изланишлар олиб боришган.

Пропорционалликнинг (ўлчамлиликнинг) бир неча турлари мавжуд. Масалан, содда математик пропорция ҳосил қилиш учун тўртта ҳадлар тенглиги талаб қилинади (масалан: $a:b=c:d$).

Геометрик пропорция уч элементдан ташкил топади, булар: $(a:b=b:c)$. Бу ерда b умумий пропорционал ёки ўрта геометрик катталиқ дейилади.

Шунга ўхшаш иккита тўғри бурчак ўзаро шундай жойлашганки катта тўғри бурчакнинг кичик томони BC бир вақтнинг ўзида кичик тўғри бурчакнинг катта томони бўлиб ясалган.


Масштаблик – анча мураккаб тушунча. Архитектурада инсон ифода қиладиган архитектуравий формалари ўлчамларининг нисбий мослиги ёки ўлчамларининг одам ўлчамларига мутаносиблигини ифодаловчи композицион воситалардан биридир. Масштаблик тушунчасини иморатнинг ўлчами ҳақидаги тасаввур билан алмаштириб бўлмайди. Катталиги тенг икки бино ҳар хил масштабда кўриниши мумкин. Кичик иморат катта масштабда ва катта иморат кичик бўлиб кўриниши мумкин. Кўп бўлақларга бўлинган баланд иморатнинг кўриниши улканлашиб кўринади. Катталигига тенг икки бинонинг қайси бири кўпроқ горизонтал бўлақлар билан ажратилган бўлса, у баланд кўринади. Бўлинмалари қанча кам бўлса у пастроқ, аммо масштаб жиҳатидан улканроқ кўринади.



61-расм. Архитектуравий формаларнинг инсон ўлчам ларига мутаносиблиги

Бу ҳажмий фазовий композицияларнинг ечимида асосий принципдир. Аммо баъзи ҳолларда тескари, яъни, йирик бинолар ичида энг кичиги бош элемент ҳам бўлиши мумкин.

Одатда масштаб бино характериға боғлиқ бўлади. Бу эса у ёки бу



62-расм.

бинонинг барча элементлари, бўлинма ва силуэти, пластик ечими атроф муҳитға мос бўлиши лозим. Шунингдек, унинг жиҳозлари ҳам ўзининг ички муҳитига мосланган бўлиши керак. Бу композициянинг функционалик, бадиийлик қонуниятларига асосланган ҳолдир.

Инсон атрофини ўраб турган барча унсурлар, архитектура ва предмет дунёси унга яхши хизмат қилиши ва унга мос

бўлиши учун композиция категорияларининг бирлиги ва уйғунлаштиришнинг энг муҳим воситаси бўлган масштабlilik бош омиллардан биридир (62-расм). Бутун атрофнинг жисмлар дунёси инсонга масштабli бўлиши лозим. Агарда бирон нарса масштабсиз деб топилса албатта одам ўлчамларига мос эмас.

Масштабни сезиш бу аниқ катталиқдаги жисмлар кўринишларининг инсон томонидан муайян моддий идрок қилинишидир. Жисмларни аниқ ҳажмли ва масштабli тушунчаси одам ўлчамларига ва бир-бири билан қиёсланган ҳоллардагина намоён бўлади. Табиат қонунларига кўра бутун ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўлчамлари мувозанатда ва масштабlidir.

Масалан, дарахт танаси, гулнинг шохчалари ёки қуш қанотларининг шакли ва ўлчамлари ўзларининг конструктив тузилишиға мос бўлиб, унинг мустаҳкамлиги, бардошлиги ва функционаллигини таъминлайди. Инсон томонидан ихтиро қилинган маҳсулотнинг масштаб ва пропорциялари ҳам механика қонунларига мос келиши лозим.

Маҳсулот масштабини яхшироқ ифодалаш учун, унинг формалари тузилиши ва масштаблари табиатда мавжуд аналогларга ва уларнинг тузилиш қонуниятларига мос бўлиши керак. Масштаблик қонуниятлари, ўзларининг масштаблари билан ўзаро боғланишда бўлган турли формаларга оиддир. Масалан: 1) Унсурларнинг яхлитга ва бир-бирига нисбати; 2) Унсурларнинг моддий жисмлар ёки табиат муҳитига нисбати; 3) Ўлчамлар ва масштабнинг одамга нисбати.

Фақат барча ўзаро чамбарчас масштабларнинг тўла мувофиқлашуви содир бўлгандан сўнг уйғунлашган масштаблар тартиби юзага келади. Шунга караганда, маҳсулотнинг масштабини афзалроқ белгилашда, унинг формаси тузилишида масштаб қонуниятларига амал қилиш лозим. Катта бўлмаган жисмлар нисбатан каттароқ қисмлар, жисмлар эса нисбатан кичик қисмларга эга бўлиши лозим. Бунга табиатнинг масштаб қонуниятлари мисол бўла олади. Масалан, боланинг айрим қисмлари катта одамларга қиёсланганда нисбатан йирикроқ бўлади. Бу ҳолни ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида ҳам кўриш мумкин.

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Контрастга меъморчилик ёки турдош шаклларда қандай намоён бўлишини тушунтиринг.
2. Ньюансга турдош шаклларда, рангда қандай намоён бўлишини тушунтиринг.
3. Симметрияга мисоллар келтиринг ва исботлаб беринг.
4. Асимметрияга геометрик шакллар кўринишида мисол келтиринг ва чизиб кўрсатинг.
5. Композицияда динамика қандай тушунилади?
6. Бадиий формани қандай тушунасиз?
7. Тасвирий санъатда композиция категориялари қўлланиладими?
8. Масштабликка мисоллар келтиринг.

5-МАВЗУ

ДИЗАЙНДА РАНГЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

РЕЖА:

- 5.1 Спектр ранглари
- 5.2 Дизайнда рангларнинг аҳамияти
- 5.3 Рангларнинг инсон руҳиятига физиологик таъсири
- 5.4 Рангларнинг объектив хусусиятлари ва улар чакирадиган реакциялар


ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

- 1. Спектр қуёш нури таркибидаги ранглар мажмуаси.
- 2. Ахроматик ранглар – оқ, қора ранглар ўртасидаги кулранг тонлар.
- 3. Хроматик ранглар – спектр ранглари ва улардан ҳосил бўладиган барча қўшимча ранглар қатори.
- 4. Ранглар ва ёруғлик – уч ўлчамли формаларни (шаклларни) яққоллаштирувчи омиллар сифатида.
- 5. Ранглар муаммолари – нур ва рангларнинг инсон тафаккурининг асосий омиллари сифатида.
- 6. Ранглар феномени – объективлик нур ва субъективлик кўриш ҳақида.
- 7. Инсон руҳияти – рангларга бевосита боғлиқлиги ҳақида.
- 8. Ранг тонлари – ўзига хос интенсив реакциялар чакириши ҳақида.
- 9. Ранг ва хотира – ассоциатив образлар ҳақида.
- 10. Кандинский системаси – геометрик шакллар-квадрат, учбурчак, доира ва ҳоказоларнинг рангларни ассоциатив равишда мосланиши.

5.1. Спектр ранглари



Ньютон биринчи марта оптик призма орқали ҳосил бўлган ранг йўлакларини яратди ва уни илмий тарзда тушунтириб берди. У ранг ҳақидаги ноилмий тушунчаларга чек қўйиб унинг илмий пойдеворини яратди.

Ньютон қуёшнинг оппоқ ёруғлиги ҳар хил синувчанлик кучига эга нурлар йиғиндисидан иборат деб ҳисоблаб, ҳар бир ёруғлик нури ўзига хос ранг чакирувчи хусусиятга эга деб таъкидлади. У шиша призмалар орқали юборилган ёруғлик рангли нурларга ажратилганлиги, агар ўша рангли



63-расм. Ньютон томонидан қуёш нурининг

етти рангга ажратилиши ёруғликдан ранглар ажралиб чиқмаслигини аниқлади. Ньютон спектр рангларини етти бўлакка бўлиб, уни доира шаклида жойлаштирди. Рангларни белгилаш учун унинг қўллаган терминологияси жуда аниқ эди. Яъни, қизил ёки яшил нурлар ҳақида эмас балки яшил ва қизил қизил ранг сезгиси уйғотувчи ёруғлик нурлари ҳақида гапирган эди. Шундай қилиб, Ньютоннинг бундай ихтироси бизни рангларнинг физик табиати ҳақида аниқ тасаввурга эга қилди. Спектрнинг нурлари қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаворанг, кўк, бинафшалардан иборат бўлиб, уларни спектр ранглари деб атаيمиз.



64-расм. а – сариқ ва бинафша ранглари қўшилганда ранглар ўзгариб, сариқдан оч зарғалдоққа, сўнггра оч бинафша ва бинафшага айланади; б – сариқ ва кўк ранглар тушган юзадаги ранглар ўзгаради, сариқдан бошлаб оч сариқ, сўнггра ҳаворанг ва кўк рангга айланади.

5.2. Дизайнда рангларнинг аҳамияти

Ранглар композицияда ўзига хос хусусийлик аломатлари билан иштирок этадилар.

Барча ранглар мажмуасини 3 та қаторга ажратиш мумкин:

1. Қора ва оқ ранглар ўртасида жойлашган кулранг ахроматик тонлар;
2. Хроматик ранглар қаторини (спектр ранглари) қуйидаги аломатларга бўлиш мумкин:

А) иссиқ гамма: сарик, зарғалдоқ, қизил ва уларнинг оралиқларидаги ранглари;

Б) совуқ гамма: яшил, кўк, бинафша ва уларнинг оралиқларидаги ранглар;


В) қўшимча ранглар – ранг доирасидаги бир-бирига диаметрал қарама-қарши жойлашадилар.

3. Хроматик ранглардан (спектрал) ахроматик рангларга қараб борувчи қатор, масалан, яшилдан оққа борувчи, яшилдан кулрангга борувчи, яшилдан қорага борувчи қаторлар.

а



б



65-расм. а – зарғалдоқ ранг тасмаси фонидаги ранг тонларининг ўзгаришига нисбатан унинг ёрқинлиги хилма-хил бўлиб кўринади; б – ахроматик ранг тонларининг 24 поғонаси



66-расм. а – камаювчи ёки субтрактив ранглар; б – уч ранг тонидан ҳосил бўлган қўшимча ранглар; в – ранг тонларини оқ тондан қорага қараб очариб бориши.

Жисм рельефи ва унинг уч ўлчамли формаси унга тушаётган нурнинг характери яъни тушиш бурчаги ва олди, орқа томони ёки ён тарафларидан тушаётганлигига боғлиқ бўлади. Масалан, юмалоқ формалар – шарсимон, цилиндрсимон, конуссимон ва ҳоказо формалар соясиз кўринишда бўлса улар ўзининг объёмлигини яъни юмалоқлик формасини, шунинг билан бирга ўзининг образи ва яққол ифодалилигини ҳам йўқотади.

Уч ўлчамли формаларнинг объёми ва фактуравий сифатларини 45° бурчак остида туширилган нур яхши равшанлаштиради. Унда жисмларнинг ёруғ-соялар градациялари яъни ёруғлиги, яримтонлар, соя, рефлекс ва тушувчи соялар юзага келади. Нур манбаини жисмлар гурухига яқинлаштирилаверса уларнинг контрастлиги ошиб, соя ва ёруғлик ўзига хос мураккаб нюанс градациялар ҳосил қилади. Қийшиқ, нотекис юзаларга сирғалувчи нур тушганда унинг фактураси яққолроқ кўринади. Тушаётган нур узоқлаштирилса соя-ёруғлик аломатлари, градациялари йўқолиб унинг фактураси ҳам хиралашиб кўринади. Маълум бир лаҳзадан сўнг у умумлашиб, объёмсиз, қисмларсиз бир силуэт бўлиб кўринади.

Вертикал ҳолатда турган текисликка ёруғликни қайси тарафдан йўналтирилса ҳам у ҳар доим ўз текислигини яъни ўзига хос кўринишини сақлаб қолаверади. Аммо объёми формага нурни турли тарафдан йўналтирилганда у ўзининг силуэтини, контрастлиги ва рангини турлича

контрастли кўринишини намоён қилади. Лекин у тарқоқ нурда ёритилса ўзининг яққоллиги, рельефлиги ва образлилиги каби сифатларини йўқотиши мумкин. Агар биз оқ рангни олти ёки саккиз қиррали призмага ҳар тарафлама бир хил нур билан ёритсак у ҳолда биз унинг қирраларини яхши сезмаймиз. Худди ана шу призмага ён тарафидан нур юборсак, у ҳолда унинг контрастлилиги ошиб яққоллашади. Агар шу призма рангли бўлса, ёруғлик манбасининг ўзгаришига қараб унинг ёрқинлиги ва контрастлиги ҳам ўзгаради. Унинг эмоционал таъсирчанлиги ҳам турлича бўлади.

Композицияда рангларнинг иштироки жуда муҳим аҳамиятга эга. Архитектура, дизайн ва тасвирий санъатнинг барча турларида ранг ечими асосий талаблардан биридир. Чунки бадиий асарда асосан кўркемлик, образлилик, хашаматлик каби сифатларга ранг иштирокисиз унинг эмоционал таъсирчанлигига эришиб бўлмайди.


Ранг бадиий образни ифодаловчи воситаларнинг асосийларидан бири эканлигини тушуниш учун унинг табиати ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. Ранг ўзлиги (феномени) оддий нарса бўлмай, у бирмунча мураккабдир: унинг негизида объективлик-нур ва субъективлик-кўриш каби бир-бири билан боғлиқ ҳоллар ётади. Фақат нур дунё муҳитининг ранг-баранглигини яратади. Ранг муаммолари инсон руҳиятига таъсири ва уларни идрок қилиш азалдан инсонни қизиқтириб келган. Ранг илми тараққиёти жараёнига назар ташланса, биз ўз фаолиятини ана шу муаммоларга бағишлаган рассомлар, олимлар, файласуфлар номларини учратамиз. Жумладан, Леонардо да Винчи, Лукреций, Нажмиддин Кубро, Альберти, Ньютон, Гёте, Гельмгольц, Ломоносов, Освальд, Рабкин, Менсел, Юстов, Кюпперс ва бошқалар рангшунослик назариясига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Буюк немис шоири, гуманист ва олим **Иоганн Вольфганг Гете** (1749-1832) “Ранг ҳақида таълимот” асарини яратди. Бу асарда рангни одам организмига таъсири оқибатида содир бўладиган руҳий (эмоционал) ўзгаришлар, ҳар бир рангни ўзига хос руҳий ҳолат қўзғовчи кучга эгаллиги алоҳида таъкидланади. Гёте “ранг ёруғлик маҳсули, эмоция қўзғовчи маҳсул,


нур-ранг-эмоция бир занжирнинг бўлаклари” деган эди. Гёте ранглар ҳақидаги таълимотни аниқ система тарзида изоҳлаб берди. Аммо Гёте таълимоти Ньютоннинг физикавий қонуниятларига асосланиб, кўплаб тажриба ва изланишлар орқали яратган кашфиётига нисбатан анча примитив, илмий жиҳатдан асосланмаган тарзда эди.

Шунга қарамасдан Гётенинг ранг ҳақидаги ғоялари рассомлар учун маълум маънода таянч таълимотлардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Филип Отто Рунге (1777-1810) Гётенинг замондоши, романтизм даврининг буюк рассоми, ранг таълимотига катта ҳисса қўшган.



67-расм. Рунге рангли ҳажмининг схематик тасвири



68-расм. Рунгенинг ранг доираси

Рунге рангларни жойлашув системасини асослаш учун глобусни эслатувчи шар тартиби ҳақидаги таклифни киритди (67-расм). Экватор чизиғи бўйлаб ранг доирасидаги тоза рангларни жойлаштирди.

Шимолий кутбада оқ ва жанубий кутбада қора рангларни жойлаштирди. Меридианларида эса оқ ва қора рангларни тоза рангларга қўшиб борди. Бу билан рассом оқ ва қора ранглар қўшилмасидан келиб чиқадиган ранглар мажмуасига эришди. (68-расм)

У тарихда биринчи марта рангларни фазовий бўшлиқда жойлашишига, асосланиб, улардан эстетик, бадиий тарзда фойдалана олди.

Рунге рассом сифатида ёрқин рангларга кул ранг (ахроматик) қўшиш билан уларни хиралаштириб, ранг перспективасига эришиш масаласи билан шуғулланган эди.

Немис табиатшунос олими Герман Людвиг Гельмгольц (1821-1894) икки нурни - бирини устига иккинчисини қўшиб йўналтириб, улар тушган юза алоҳида тушган нурга қараганда ёруғроқ бўлганини ҳамда бир неча рангли нурлар бирга қўшиб йўналтирилганда яна оқ нурга айланишини очиб берди. Бу жараёни у “аддитив аралашма” деб номлади.


Кейинчалик Гельмгольц қизил ва кўк пигментларни аралашмаси юзага тушадиган нурнинг бир қисмини ютишини айтди. Бу ҳолни у "субтракция" деб, пигментларни аралашмасини эса “субтрактив аралашма” деб атади.

Бу тажрибалар асосида у хилма хил аралашмаларга илмий асос яратди. Гельмгольц рангларга аниқ ҳарактеристика бериш учун учта ўзгарувчан компонент: ранг тони, рангни тўйимлилиги ва ранг ёрқинлиги (оч-тўқлиги) танлади. Колорометриянинг бу янги принципи 1931 йилда Ёритиш бўйича халқаро комиссия (МКО)¹ томонидан мақулланиб, ўлчов бирлиги сифатида қабул қилинди.

Вильгельм Освальд, немис олими. У рангшуносликка катта ҳисса қўшган Рунгенинг ранг шарини давом этдириб, асослари бирлашган икки конус тартибида ҳажмли ранг жисминини яратади.


¹ МКО-Международная комиссия по освещению

Освальд ҳамма тоза ранглари абсолют ранглари деб номлади. У ранг таъсирчанлигини уч миқдорини ажратиб берди. (69-расм). Буни қуйидагича кўриш мумкин:



69-расм.

V-абсолют ранг, W-ок, S-қора




70-расм.

Освальднинг рангли ҳажми схематик тасвири.

Освальднинг ўзи бу ҳолни “учта фарқланувчи миқдор” деб атади. Тенг томонли учбурчак шаклидаги берилган бу уч миқдор рангшуносликда “бир томонли рангли учбурчак” деб аталиб, у Освальднинг ранг жисмининг кўндаланг қирқими кўринишидир (70-расм).

Бу тенг ўлчамли координаталар ҳар бир кўринишида абсолют қора ва оқнинг ўзаро тенг улушлигини кўрсатади (71-расм).



71-расм.

а) қора, б) оқ,
в) абсолют тоза ранг.

Бир тонли рангли учбурчакни Освальд қуйидагича талқин қилди:

W - абсолют оқ ранг нуқтаси

S - абсолют қора ранг нуқтаси

V - абсолют тоза ранг нуқтаси

W-S - чизиғида нейтраль қатор

W-V - чизиғида ёруғланган тоза рангли қатор

S-V - чизиғида қораланган тоза рангли қатор

Ички майдон эса хиралашган (кулранг аралаш) рангдан иборат бўлади. Освальд V-W-S миқдорларини қабул қилар экан, бошқа назариётчиларнинг ранг таъсирчанлигига киргизган учта элемент: ранг тони, ранг тўйимлигига ва равшалиги (ёки ёруғланиши) кабиларни (Юнг, Гельмгольц ва Максвилл қарашларини) инкор қилади.

5.3. Рангларнинг инсон руҳиятига физиологик таъсири

Қизил – кўзғотувчи, илитувчи, серҳаракатликка ундовчи, сингувчи. Бутун организмни серҳаракатлантиради, қон босимини оширади, нафас олишни тезлаштиради.

Зарғалдоқ – қизил сингари, унга ўхшаш аммо сустроқ таъсир этувчи.

Сариқ – физиологик жиҳатдан оптимал, чарчатмайдиган, нерв ва кўриш фаолиятини стимуллаштираувчи.

Яшил – физиологик жиҳатдан оптимал, кўриш органига энг таниш, оромбахш, қон босимини камайтиради, капиллярларни кенгайтиради, тинчлантирувчи, мушак ҳаракатларини кўзғатувчи ва ҳоказо

Ҳаворанг – тинчлантирувчи, мушаклар таранглиги ва қон босимини пасайтиради, томир урушини маромлаштириб нафас олишни секинлаштиради.

Кўк – тинчлантирувчи, таъсири аста-секин сиқилишга, эзилишга элтиб боради. Инсоннинг физиологик тузилиши тизими функцияларини тўсилишига олиб келади.

Бинафша – қизил ва кўк ранглар эффектини ўзида мужассамлаштиради. Нерв тизимига сиқувчи, эзувчи таъсир қилади.

Умуман олганда турлича очарган ранглар тонлари масалан, қизил, сариқ, кўк, яшил, зарғалдоқ ва ҳоказо рангларнинг оқ кўшилиб ёки ўзаро аралашмасидан ҳосил бўлган тонлар киши руҳиятига мураккаблашган, нозик туйғу чақиради ва турлича эмоция кўзғатади. Масалан, тонгдаги осмон ўзига хос ва кечки намозшом осмони кишига ўзгача кайфият бағишлайди. Бунда осмонда содир бўлаётган нюансли ранглар мажмуасини фарқлай олган ҳолда кишининг кайфияти ўзгаради. Шунингдек ҳар бир тоза ёки аралашган ранг одам онгида ассоциатив туёғуларни чақиради. Жисмоний ассоциациялар: ранглар вазнли, ҳароратли, фактурали ва акустикали ассоциатив кўринишга эга. Масалан, ранглар оғир, енгил, ҳаводор, бўғиқ, босиқ кўринишда (вазнли); иссиқ, совуқ, муздек, куйдирувчи (ҳароратли); юмшоқ, қаттиқ, силлиқ, ғадир-будир (фактурали); секин, жарангдор, буғиқ, мусиқавий (акустик) кўринишларда ёки бўртиб чиқувчи, узоқлашувчи, чуқурликни эслатувчи, юзида бўлиб кўринувчи каби фазовийлик хусусиятларга эга бўлади.

Эмоционал ассоциациялар чақирувчи: ижобий - қувноқ, ёқимли, кўтаринки, дадил, лирик; салбий - ғамгин, ланж, зерикарли, фожиали, сентиментал; холис – сокин, вазмин, босиқ, аҳамиятсиз.

Шундай қилиб биз матнимизда келтирган ҳар бир феълимиз албатта бирор рангга тўғри келади.

Рангларнинг яна бир субъектив таассуротларидан бири бу миллийлик фактори бўлиб, ҳудуднинг маданий анъаналари, ёши, жинси, шахснинг маданий даражаси, касбий фаолияти тури, психологик-асаби тузилиши кабилардир.

5.4. Рангларнинг объектив хусусиятлари ва улар чақирадиган реакциялар

1. Ранг қанча ёрқин ва тўқроқ бўлса, унга психик реакция аниқроқ, интенсивроқ ва турғунроқ бўлади;

2. Ранглар мураккаб, хирарок, ўрта ёрқин бўлса киши диққат эътиборини (реакцияси) камроқ, турғунсизроқ жалб қилади;

3. Рангларнинг хароратлигига, оғир енгиллигига, акустик сифатларига эътибор ўртача ёки умуман кам енгил қаралади;

4. Рангларни қабул қилиш ва ранг диди одамларда турлича бўлиб, яъни таъм, ҳид билиш, сезиш, ҳис қилиш кабиларга ассоциатив реакцияси бир-биридан фарқланади, қайсики уларнинг махфий ички кечинмалари ва сезги органлари фаолияти билан боғлиқ бўлади;

5. Сарик ва яшил ранглар энг бой ва хилма хил реакциялар чақиради. Чунки улар табиатда бошқа рангларга қараганда кўпроқ мавжуд бўлиб, уларнинг хилма-хиллиги киши руҳиятига сингиб қолганлиги туфайли уларнинг ассоциативлиги ҳам бой бўлади.

Рассом хотираси қанча эмоцияга бой бўлса атроф-муҳитдаги кечинаётган воқелиklar унинг муносабати шунча теранроқ бўлади. Улар туғдираётган бадиий образларга янада эмоционал ёндошади.

Ҳар бир рассомнинг колористик политраси ва образлар дунёси (буёқ аралаштирадиган дастгоҳ) ўзига хос бўлади. Чунки ҳар бир рассом рангни ўзича идрок этади. Бир хил мавзунини турлича ифодалайди. Шунинг учун ҳам санъат борлиқни билиш методи сифатида қаралганда у индивидуал характерга эга. Ҳар бир санъат асари муаллифнинг шахсий ички кечинмалари қувонч ва изтироблари билан боғлиқ бўлиб, у ўз дунёқарашинини, образларинини ранглар орқали бизга ҳавола этади.

Форма ва рангнинг бир-бирига мослиги ва уларни мослаштириш асрлар давомида рассомларни қизиқтириб келган. В.Кандинский системаси бўйича заминнинг (материанинг) ранги – қизил ранг квадратга мос деб ҳисобланади. Қизил квадратнинг оғирлиги ва шаффоф эмаслиги квадратнинг статик ва оғир формаси билан ҳамоҳанг дейиш мумкин. Шу система бўйича учбурчак – тафаккур рамзи бўлиб, унинг “жанговар”, агрессив характери оч сарик тусга мос келади. Доира – ўзида ақл-идрокни мужассам қилган шакл бўлиб, унга шаффоф кўкиш ҳаворанг мос келади. Яна шу система бўйича

трапецияга – зарғалдоқ, сферик учбурчакка – яшил, эллипсга – бинафша ранглари мослашади. Шу тизим бўйича Баухауз мактабида талабаларга композиция бўйича таълим берилиб колористикага алоҳида аҳамият беришган.

Амалий малакалар ва турли экспериментлар натижаларига назар ташланса инсон эмоциялари ва пластик, товушлар ва ранглар образлари ўртасида объектив мослашув, уйғунлашув мавжудлиги барқарордир. Ж.Ормеби Саймондснинг “Ландшафт ва архитектура” деб номланган китобида келтирилган хулосавий фикрлар умумлаштирувчи характерига эга, ҳамда бу фикрлар барча фаолият турлари билан шуғулланаётган рассомлар учун жуда ибратли аҳамиятга эга. Масалан, “Сурур” (кувноқ кайфият) сўзи кенг майдон, силлиқ, суйри формалар ва нақшинкор кўринишни, у ерда парракдек айланма ва илон изи ҳаракатлар қилиш имконияти бўлишлигини талаб қилувчи ассоциатив тасаввур пайдо қилади.

“Ҳаракат ва ритм иншоотда ўз ифодасини топади. Чегарасизлик, эмоция чақирадиган формалар, ранглар, рамзлар... Кўпроқ сернурлик, ёрқин ва стихияли ранглар оғир ва тўқ ранглар билан контрастликда бўлиши. Иссиқ ва ёрқин ранглар. Бир зумлик ва милтироқ нурлар. Қувноқ ва бардам товушлар”. Масалан, “Кўрқув” сўзи қарама-қарши ассоциация чақиради. “Сезиларли чеклов. Кутилаётган тузоқ. Чамалаш нуқтасининг мавжуд эмаслиги. Ҳолатни ёки масштабни аниқловчи воситанинг йўқлиги. Минтақа ва майдонларнинг махфийлиги. Қиялашган ва вайронлашган текисликлар. Мантиқсиз, турғунсиз формалар. Сирғанчиқ пол юзаси. Хавф. Химоясиз бўшлиқлар. Ўткир унсурларни тўртиб туриши. Хиралик, қоронғилик, зулмат. Ликкиловчи хира ёки бўлмаса аксинча кўзни қамаштирувчи ўта ёрқин ёруғлик. Совуқ кўк, совуқ яшил тонли ранглар ғайри табиий монохроматик ранг”.

Саймондс Д.О. “Ландшафт архитектураси” М.1965

Сўзлар қатори, муסיқа асарлари, шеърлар ҳам ранг образларини пайдо қилади. Бетховен асарлари “космик” мавзу сифатида ҳалокатни, портлашни, сиқикликни эслатувчи оҳанглари кишига субъектив равишда таъсир этади. Бунда кенг масшабли колористик нисбатлар, тўқ, зич полихромия, нюансларга бой ва нозик сезги кайфият бағишлайди.

Чайковскийнинг олтинчи симфониясини тасаввур қилайлик. Унинг оҳанглари киши қалбига тақдирнинг аччиқ оқибатларидан қочиб бўлмаслиги, пешона, қисмат, кайғу киши учун муқаррарлиги ҳамда имконсизлик каби субъектив тасаввур келтириб чиқаради. Бу оҳангларни кулранг, кўк, яшил ва совуқ ранглар ёрдамида тасвирлаш талаб қилинади. Аксинча енгил, ўйноқи, жимжимадор, шаффоф ранглар туйғусини Вивальди муסיқаларида кўриш мумкин.

Латвия композитори ва рассоми Чюрленис ижоди ранг ва муסיқа оҳанглари бир-бирига уйғунлиги борасида жуда ибратлидир. Унда муסיқавий композициясига ранг тасвир маълум даражада мос келади. Унинг ижодидан айнан бугунги кунда асаб стрессларини даволашда, дам олиш хоналарида муסיқа ва ранглар уйғунлигидан фойдаланишда, реклама тизимида кенг фойдаланилмоқда.

Ранг образларини идрок қилиш маълум даражада субъектив характерга эга. Чунки ҳар бир инсоннинг турмуш тарзи, жисмоний ҳолати турличадир. Масалан, оддий ёрқин, тоза, контраст рангларни соғлом ҳамда асаблари чарчаган кишилар маъқул кўради. Бу тоифадаги инсонлар – болалар, ўспиринлар, ёшлар, деҳқонлар, жисмоний меҳнат билан шуғулланаётган кишилар ва ҳоказо. Дарҳақиқат, бундай ранг бирикмаларини болалар бадиий ижодида, ёшлар модасида, декоратив амалий санъатда, халқ амалий санъатида, ноинтеллектуал меҳнат соҳиблари фаолиятида, XX аср санъатининг намоёндалари эски қарашларни революцион тарзда ўзгартира олган – Матисс, Леже, Ле Корбюзье, Маяковский ва бошқалар фаолиятларида учратамиз.

Мураккаб, кам тўйинган ранглар, очарган, қорайтирилган, синиқ-синиқ формалар, шунингдек ахроматик, нюанс ранг бирикмалари кишини жўшқинлантормасдан балки аксинча хотиржамлантиради. Улар мураккаб сермаъноли эмоция уйғотади. Уларни қабул қилиш учун узоқ мушоҳада талаб қилувчи, интеллектуал жихати мукаммал, дидлари нозик, юқори маданий даражадаги кишиларга маъқул келади. Бундай ранг бирикмалари кекса ёки ўрта ёшли кишилар ёки интеллектуал меҳнат соҳиблари, асаб тизимлари нозик, чарчаган инсонлар учун кўпроқ тўғри келади. Мураккаб ранг бирикмаларини XVIII асрда ривожланган рококо стили XIX ва XX асрларда юзага келган модерн стилларида кўриш мумкин.

Қадимги халқлар маданиятларни ўрганишда биз ранглардан маълум даражадаги ижтимоий қатлам шахсларини ва касталарни¹, шунингдек мифологик ёки диний тушунчаларни ифодаловчи стилларни учратамиз. Масалан, қадимги Хитойда сариқ ранг фақат “Осмон ўғли” ҳисобланган императорга аталган. Бошқа ҳеч ким сариқ либос кийиши мумкин бўлмаган. Чунки сариқ ранг олий донишмандлик рамзи ҳисобланган. Шунингдек Хитойликлар марҳумни “тозалик дунёсига” кузатиш маросимларида оқ кийим кийишганлар. Оқ ранг осмондек шаффоф, тоза ҳисобланган. Мексика тасвирий санъатида Европаликлар томонидан истило қилинмасдан аввал ўз композицияларида қизил фигураларни кўп учратиш мумкин.

Бунда Ер худоси Ксина-Тотек ҳамда Шарқ осмони яъни қуёш чиқиши, туғилиш, ёшлик ва баҳорни ассоциатив эслатиш кўзда тутилган. Бошқача қилиб айтганда қизил рангга бўялган тасвир эстетик гўзалликни ифодалабгина қолмай, балки маълум бир ғоя бахш этиш маъносида маълум бир маданий қатламга тегишли рамзий ранглардан ташқари умуминсоний ранглар рамзлари ҳам мавжуд. Оқ ранг бу - нур, сув, сут, уруғ, эзгулик, софлик, муқаддаслик, ҳаётни тараннум этувчидир. Қизил ранг бу – қон, қуёш, иссиқлик. Қизил ва оқ ранглар ўзаро биргаликда ҳаётни, ҳаётбахш кучни улуғлайди. Қора ранг одамлар тасаввурида қоронғуликни, тунни, ғаш-

1. Каста – жамоада ижтимоий табақаланиш.

лик, зим-зиёлик, ёвузликни эслатувчи, шунингдек қора ранг ўрта асрларда ўлим рамзи, даҳрийлик, умидсизлик, таннинг инқироzi, тартибсизлик, гуноҳ, умуман олганда тириклик дунёсининг барча яхшиликлари ва қувончларининг тескараси ҳисобланган. Аммо шарқ дунёқарашида (айниқса ишқий поэзияда) қора рангни ҳижрон билан бир қаторда ёрнинг зулфи, қоши, кўзи, сочини эслатувчи ранг сифатида ҳам ишлатган. Кулранг – христианлар дунёсида ранг ҳисобланмаган. Кул рангни фақирлар, қашшоқларга мансуб деб ҳисобланганлар. Уни рангсиз ёки ранг мавжуд бўлмаган чегара дейишган. Шунингдек, малла рангни ҳам яхши кўрмаганлар. Уларнинг энг яхши кўрган ранглари олтин ранги ва сариқ бўлиб, бу рангларни илоҳий ранглар, ўрнашиб, қотишиб қолган само ранглари деб ҳисоблашганлар. Илоҳий ўғитларда нур ва рангларни барча гўзалликларни тожи, бутун ёруғ дунёнинг шавқ-завқи деб эътироф этганлар. Аммо бу тушунча XII асргача давом этиб кейинги готика даврида бу ранг ҳақида ўзгача рамзий тушунча пайдо бўлган. Сариқ – хоинлик, хиёнат, вафосизлик, уятсизлик, ёлғончилик, умуман барча ахлоқона ниятларга оид ранг деган қарашлар юзага келган. Кўк ранг – Христиан динида мистик (тасаввуф), трансцендентли, ноашёвий ранг ҳисобланиб, яшил Исо пайғамбарнинг ердаги ҳаётини, унинг эзгу ниятларини эслатувчи ранг деганлар. Яшил ранги ислом дунёсида бахт ранги, кулранг эса бадбахтлик рамзи ҳисобланади.

Ранг тўғрисидаги қайд этилган фикр ва мулоҳазалар бадиий асар образини яратишда рангларни тушуниб, тўғри қўлланишини, уларда рамзий маъно тушунчаларини эътиборга олишни тақозо этади. Ижодий ва профессионаллик салоҳиятидан қатъий назар ҳар бир рассом ўз фаолиятида ранг бу нима? Унинг инсон руҳиятига нима алоқаси бор? Унинг табиати қанақа? – деган саволларга дуч келади.

Ранглар тўғрисидаги илмий қарашлар уларнинг физик, физиологик табиатидан келиб чиқади. Ранглар бевосита нур билан боғлиқ бўлиб, ўзининг электромагнит тўлқинларига эга ва уларнинг тирик организмга таъсири

турлича жараёнларда содир бўлади, дарҳақиқат улар тирик мавжудотлар фаолиятининг бошқарилишида фақат табиий ҳолда таъсир этади. Инсон кўзи қабул қила оладиган қуёш нури спектри 7 та рангга – қизил, зарғалдок (оранжевий), сариқ, яшил, кўк-хаворанг, кўк ва бинафша кабилардан иборат. Спектр рангларида ташқари табиатда пурпур ранглари мавжуд. Бу ранг қизил ва бинафша ранглари аралашмасидан ҳосил бўлади. Инсон 120 дан ортиқ рангларни ажрата олади.

Улар хроматик ранглар деб аталади. Қора ва оқ ранглар аралашмасидан ҳосил бўлган тонлар ахроматик (яъни кул ранглар мажмуаси) деб аталади.

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ёруғлик ва рангларни бир-бирига алоқадорлигини қандай тушунасиш?
2. Ранглар қатори ҳақида гапириб беринг.
3. Спектр нима?
4. Ранглар уйғунлиги ҳақида нималар биласиз?
5. Жисмларнинг образларига рангларнинг таъсири ҳақида гапириб беринг.
6. Рангларни инсон руҳига таъсири қандай кечинади?
7. Қўшимча ранглар қандай юзага келади?
8. Ранглар феномини – объективлик ва субъективлик ҳақида сўзлаб беринг.
9. Хотира ва рангларни алоқадорлиги ҳақида сўзлаб беринг.
10. Кандинский ва унинг системаси қандай?

6-МАВЗУ
ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИ - ВУЖУДГА КЕЛИШИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ

РЕЖА:

- 6.1 Ландшафт дизайни тушунчаси. Ландшафт дизайнида қўлланиладиган асосий унсурлар
- 6.2 Ландшафт архитектурасининг тарихий ривожланиши

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

- 1. Ландшафт архитектураси
- 2. Табиий унсурлар
- 3. Геометрик композиция
- 4. Европа ландшафт архитектураси ва мактаби
- 5. Черков боғлари
- 6. Россия ландшафтчилиги
- 7. Стил
- 8. Шарқ ландшафтчилиги
- 9. Геометрик услуб
- 10. Манзарали услуб
- 11. Ранг мажмуаси

6.1. Ландшафт дизайнининг асосий тушунчалари

Ландшафт термини бизга география фанидан маълум. Ландшафт дизайни эса бугунги кунда очик осмон қуршаб турган кенгликдаги ер, сув, ўсимлик каби табиий унсурларга маълум даражада шакл бериб, унга архитектуравий формалар ёрдамида бадийлашган ҳамда инсон эҳтиёжларига мослашган макон яратиш санъати, “архитектуравий ландшафт” деб номланган янги тушунча юзага келади.

Ландшафт дизайни – ижодий фаолият тури бўлиб, сунъий муҳитни шакллантириш, кўкаламзорларни безаш, геопластика, кичик архитектура шакллари, декоратив қопламаларни яратиш ва визуал коммуникация воситаларидан фойдаланиш кабилар билан шуғулланади. Ландшафт дизайнининг мақсади – архитектурани табиат элементлари билан ўзаро боғлашдир.

Ландшафт дизайни объектлари – очик ва усти ёпилган фазолардир. Уларга кўча ва майдонлар, кичик рекреацион (дам олиш, хордиқ чиқариш)



72-расм. Ландшафтда ранг

композицияси

жойлар (хилбон, сквер, боғлар, йўлак ва кўчалар), турли мақсадга мўлжалланган парклар, яшаш жойлардаги дам олиш ва хўжалик майдончалари (болалар, катталар дам олиш ва спорт майдонлари), турли функционал хоналарнинг интерьерлари киради.

Ландшафт дизайнида ҳам композициядаги барча қонун ва қоидаларга амал қилинади яъни масштаб, ритм, метр, контраст, нюанс, фактура, композицион яхлитлик, доминант ва бошқалар лойиҳавий режалаштиришда инобатга олинади.

Ўтмишдаги асрлар давомида яратилган боғ-парклар усталари ҳам ўз фаолиятларига табиатан бошқариладиган ва барча санъат турларига умумий бўлган қонуниятларга таянганлар. Боғлар яратилишида архитектура ва тасвирий санъат (живопись), поэзия ва мусиқа жаммулжам бўлиб бирлашади ва умумий мазмун касб этади. Аммо ландшафтни қуриш, тизимга солиш кўпроқ архитектура қонуниятларига яқинлиги исбот талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам биз атроф-муҳит фазосини табиий ландшафт воситаси орқали ташкиллаштиришни боғнинг ландшафт архитектураси сифатида эътироф этамиз.

Ландшафт дизайнида лойиҳавий ишларининг бажарилишида жой характери, регионнинг миллий анъаналари, иқлим, сув, ўсимлик (флора ва

фауна), рельеф, молиявий талаб, дизайнернинг маҳорати, ҳуллаас буюртмачининг диди каби факторларга дуч келинади. Шунинг учун ҳам боғ яратиш санъати маданиятимиздаги энг мураккаб йўналиш ҳисобланади.

Ландшафт лойиҳасида икки асосий изланиш мавжуд. Биринчиси – бу ер, сув, ўсимликлар, архитектуравий қурилмалар ва ҳоказолар мавжуд бўлган ҳудудни янгича реконструкциялаш, унга янги шакллар киритиш, ўсимлик дунёсини қайта шакллантириш, ҳудуддаги барча компонентларни қайта ориентациялаш; иккинчиси – бу янги ўзига хос режали ҳудуд бўлиб, бунда дизайнердан сув, ўсимликлар, манзарали ва мевали дарахтлар, кичик архитектуравий формаларни архитектуравий-режалаштириш, ҳуллаас “уй ва боғ” яратиш талаб қилинади. XVI асрда инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон боғ ҳақида қуйидагиларни эътироф этган эди: “Боғ – инсоннинг маиший ҳаётида энг тозасидир. Чунки у инсон руҳиятини тозалайди, унингсиз қасрлар, бинолар инсон қўли яратган қўпол қурилмалардир ҳолос”. Бунинг билан биз инсон турмуш тарзи учун ландшафт архитектурасида боғларнинг ўрни, экологик мақбуллик қанчалик муҳим эканлигини фаҳмлаб олишимиз мумкин. Қандай бўлмасин дизайнер ўз лойиҳасида қуйидаги тўрт асосий принципни эсдан чиқармаслиги керак: уч ўлчамли фазо микёсида фикрлаш, қўлланилаётган материаллардан максимал фойдаланиш, инсон физиологик талабларини инобатга олиш – бунда лойиҳавий ечимларга илмий ёндошиш, жойнинг флора ва фаунаси имкониятларидан тўлалигича фойдаланиш.

Лойиҳалаштириладиган муҳитни йил фасллари, куннинг вақти ландшафт хусусиятларига боғлиқ бўлган бошқа ўзгарувчанликни ҳамда лойиҳада кўрсатилмаган – сув шилдираши, гулларнинг хушбўй ҳиди, фонтандаги камалак ва унинг ранглари ва бошқаларни инобатга олиш зарур.



73-расм. Муҳитни ҳажмий-фазовий жиҳатдан шакллантириш

Ландшафт дизайнининг **асосий мақсади** – инсонга очик муҳитни ёқимли қилиб, дилга хушнудлик, функционал, эстетик ва экологик хусусиятга эга қилиб яратиш, бунда эстетик фактор асосий ўринни эгаллайди.



74-расм. Ландшафт ечимида архитектуравий табиий ва сунъий элементларнинг

сифатида), ўсимлик, сув, ҳаво (асосий визуал манба сифатида) асосий элементлар ҳисобланади. Бундан ташқари ландшафт дизайнининг асосий композицион элементлари очик муҳит, ўсимлик, қурилишлар, шаршаралар, рангларнинг турличалиги, ёруғлик, соя, ҳаво визуал перспективани юзага

келтиради. Кузатиш орқали келиб чиқадиган ҳис-ҳаяжонланиш ва унинг эмоционал кайфиятга таъсири, масштаб, ранг, контрастлар уйғунлиги каби воситалар орқали содир бўлади. Бу эса композициянинг асосий факторларидир.

Ландшафт дизайнининг бошқа санъат турларидан асосий фарқи:

- ландшафт дизайнининг асоси бу табиат (ўсимлик, рельеф, ер, сув, ҳаво, тошлар ва ҳоказолар) дир;
- ландшафт структурасининг асоси – жонли, табиий муҳит - доимо организмдаги ўзгарувчанликни содир бўлиб туриши.

Ландшафт дизайннинг бошқа турли композицияси динамик структурага, яъни вақт ўтиши билан узлуксиз ўзгариб туриши билан боғлиқдир. Ландшафт объекти яратилиш жараёнида ландшафтда табиий элементларнинг синтези ва сунъий шакллар, яъни ландшафтнинг янги кўринишда пайдо бўлишидир.

Ландшафт – табиат-худудий, табиий унсурлардан ташкил топган ва маълум бир ташқи кўриниш характериға эга мажмуадир.

“Ландшафт” ва “манзара” тушунчасини бир-бири билан



75-расм. Манзаравий ландшафт

композицияси

“Манзара” – рангтасвирда ишлатиладиган термин бўлиб, инсон кўзи билан худуддаги жойни аниқлашдир.

Ландшафтнинг бешта асосий унсурлари мавжуд – булар ер (рельеф), ҳаво, сув, флора ва фауна. Олтинчи унсур эса инсондир. Ер қатлами турлича рельефларга эга. Бу рельеф ҳаво ва сув тақсмотини таъминлаб туради.



76-расм. Манзаравий антропоген ландшафт

композицияси

антропоген бўлимларга бўлинади

адаштирмаслик керак, аммо уларнинг иккиси ҳам немис ва француз тилидан таржима қилинганда “жойнинг кўриниши” деган маънони беради. “Ландшафт” – географик термин, географик районларнинг табиий кўринишини ўзгача ажратишдир.

Бунинг оқибатида жойнинг худудий-иклимий ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг ўзига хос характерланишига сабаб бўлади.

Рельеф – ландшафтнинг “скелети”дир. Унинг ўзгаришида бошқа барча унсурларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин.

Ландшафтлар табиий (табиатан) ва

Табиат муҳитидаги ривожланиш давомида ва инсоннинг аралашуви жараёнида табиий ландшафтлар вужудга келди. Замонавий ривожланиш поғонасида бу тушунчани шартли равишда қабул қилиш мумкин, яъни бу худуд планетада йўқдек, асосий ландшафт унсурларига инсон фаолияти орқали тегилмагандек.

Антропоген ландшафтлар ўзаро ҳаракатланувчи табиий ва сунъий унсурлардан ташкил топади ва инсон иштироки натижасида шаклланиб

боради. Ландшафтнинг такомиллашуви жараёнида ландшафт урбанизацияси тушунчаси шаклланди. Буларга шаҳар, қишлоқ, саноат, рекреацион ландшафтлар киради.




77-расм. Рекреацион муҳит

Ландшафт дизайнида архитектуравий муҳитни яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Муҳитда барча табиий ва архитектуравий унсурлар композицион яхлитликда бажарилишини талаб қилади. Берилган объектнинг лойиҳавий ечимида дизайнер ўз диққатини архитектуравий қурилма, кичик архитектуравий формаларнинг уйғунлигига, фактура жиҳатидан бой, сифатли кўринишига эришилишига қаратиши лозим.

Бугунги кунда замонавий меъморчиликда архитектуравий конструкциялар, фасадлар ва кичик архитектуравий шаклларда янги материаллар турлари кенг кўламда қўлланилмоқда.

Дизайнер политраси бойиб, турли-туман металл конструкциялар юзасини аннодлаш усуллари кўллаш ва бу конструкцияларга янги турдаги қоплама материаллардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоқда. Дизайнер ўзининг архитектуравий қурилмаларида ранги, фактураси, чидамлилиги ва эстетик кўриниши замонавий киши дидига мос, шунингдек ландшафт ечимининг умумий композицион ечимига мос равишда лойиҳалаши лозим. Замонавий материалларни қўллашда халқаро экология, гигиена нормаларига тўла жавоб беришини ҳам эътиборга олиши керак.



6.2. Ландшафт архитектурасининг тарихий ривожланиши

Ваҳоланки, инсоният ўзи яшайдиган атроф-муҳитни жуда қадим замонлардан бери ободонлаштириш билан шуғулланиб келаётган бўлсада “Ландшафт архитектураси” ибораси пайдо бўлди. Ландшафт архитектура-




78-расм. Архитектуравий муҳитда
бўшлиқни композицион

сининг ўзига хослик томони унинг ҳар доим табиий қурилиш материаллари – ўсимликлар, сув, тошлар, ер, жойлар рельефи кабилардан фойдаланишидадир. Бинобарин бу материаллар очик фазо муҳитини яратишда асосийлари ҳисобланади. Ландшафтчи меъмор табиатнинг табиий муҳити билан ишлайди. У баъзан табиатнинг


табиий муҳитига жуда кам ўзгартириш киритса, баъзан у “сунъий табиат” яратади. Бунда ўз лойиҳасига ижодий ёндашиб табиий муҳитни тўла ўз тафаккурига таяниб яратади. Бу иккала анъана ландшафт санъатининг тарихий ривожда турлича намоён бўлиб келган. Академик Д.С.Лихачёв - “Боғ яратиш услубига у ёки бу аср, у ёки бу давлатнинг бадиий онги сифатида қараш лозим” деб уқтирган эди. Шунингдек, ландшафт архитектурасининг яна бир тармоғи боғ-парк санъати ҳамдир. Ландшафт архитектураси ҳар доим бу тармоқ билан ҳамоҳангликда тараққий қилиб шаҳар муҳити, кўчалар, йўллар, майдонларни ташкиллаштириш билан ҳам боғланиб келди. Бунда ҳар доим икки йўналиш геометрик доимий ва жонли манзара параллел тарзда мавжуд бўлиб, ҳар доим бир-бирини тўлдириб келади. Жуда аниқ геометрик композиция ҳар доим жонли табиатга сингиб, мосланиб кетса, энг ранг-баранг жонли табиат ҳам геометрик тўғри элементларсиз кечина олмайди.

Қадимдан бизга инглиз ва француз боғдорчилиги мактаблари маълум. Бунга Италия ва Россия боғдорчилигини ҳам қўшиш мумкин. Шунинг билан

бирга шарқда япон, хитой боғдорчиликлари ва жанубда ҳам қадимги Вавилон, Эрон, Арабистон мамлакатларида ҳам боғ-парк санъати тараққий этиб келган. Ўрта Осиёда ҳам бу санъат юқори даражада ривожланган бўлиб Темур ва Темурийлар даврида мисли кўрилмаган даражада юксалди.



79-расм. Чорбоғнинг Д.А.Нозилов яратган реконструкцияси



80-расм. Чорбоғ, хиёбон ва чорчаман услубида бунёд этилган боғ. XVI аср

Европада ландшафт архитектураси Антик даврдан бошланган. Қадимги юнон афсоналарида Геспериднинг ғаройиб боғлари, подшоҳ




81-расм. Мавритан типдаги ландшафт

Мидаснинг розарийлари ҳақида ҳикоя қилинади. Юнонлар жамоат боғлари яратиб унга Кипарис бодом дарахтлари қандайдир қаҳрамонлар шарафига экилган. Бу дарахтларни юнонлар илоҳий ўсимликлар деб ҳисоблаганлар. Файласуф Эпикур “Боғ” деб номланган

фалсафа мактабини яратди у ўз талабларини шу боғнинг соя салқин жойларида фонтанлар ва гротлар орасида тоза ҳавода ўқитар эди. Римликлар эса боғларни илмий асосда ярата бошладилар. Эрамиздан аввалги I асрлардаёқ боғ-паркчилик ва ерга ишлов бериш бўйича трактатлар пайдо бўлган эди.

Вергилий ўзининг “Георгики” деб номланган асарини боғларга бағишлаган Плиний Младший виллалар атрофида яратиладиган парк боғларни туркумлаб берди. Бунда энг салобатлиси Тиволдаги император Адриан боғи эди.

Ўрта асрларда боғдорчилик билан кўпинча монастрларда




82-расм. Монастр типли боғнинг мунтазам характерли тархи

шуғулланишар эдилар. Монах боғда меҳнат қилар экан, ердаги жаннатда жисмини тозалайди деб ҳисобланар эди. Черков монастир деворлари ортида одамлар нигоҳидан яширинган ёпиқ боғ деб номланган боғни ўз рамзи этиб танлади. У ерда асосан доривор гиёҳлар, сабзавот полизлари ва мевали дарахтлар экилган мазор

жойлашар эди. Француз қироллари эса монастыр боғларига қарама-қарши ўлароқ, айшу-ишратга мўлжалланган жамоат боғлари яратиб унда ўйин-кулги ва муҳаббат гулзорлари, хилват бутазорлар ўстирилар эди.

Шуниси қизиқарлики, бундай боғларни ўша монастыр (аббатлари) масла-ҳати билан яратилар эди. Уйғониш даври боғ-паркчиликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Бу даврда ўнқир-чўнқир рельефли жойда жойлашган тўғридан-тўғри терассалар, зинапоялар, балюстрададар ва шаршаралар билан боғланган Италия фаол боғ-парки яратилди. Бундай боғнинг композицияси марказий кошона сарой ёки вилла ташкил этар эди. Италиянинг боғ-паркчилигининг асосий бош мавзуси сув бўлиб, гидравлик қурилмалар билан жиҳозланган “ҳазил” фонтанлари одамларга кайфият бағишлар эди.

Биринчи марта Тиволидаги д’Эсти виллалари, боболи боғ-паркларида қирқилган яшил деворлар билан бўлинишлар ҳосил қилинди ва анфиланда принципи юзага келди. Кўпгина шаҳарларда “жиддий боғлар” пайдо бўлиб уларда шифобахш гиёҳлар ўстирила бошланди. Дастлаб бундай “доривор” парк Пиза шаҳрида 1543 йилда юзага келган эди.



83-расм. Тиволидаги д’Эсте вилласи. XVI аср гравюраси

Франция боғ-паркчилик санъатига икки вазият, яъни ер рельефининг текислиги ва Италия ренесансининг кучли таъсири унинг кейинги йўналишларини белгилаб берди.

Людовик XIV бошқарув даврида барокко йўналиши асрида француз



84-расм. Француз боғи.

Лабиринт (чалкаш йўллар)

фаол парки пайдо бўлди. Парк худудида баландлик бўлмаганлиги сабабли бирор сарой ёки қурилмани доминант сифатида намоён қилиб бўлмас эди. Шунинг учун у ерда қурилган сарой ўқи бўйлаб унинг қаршисидан тўрт қатор липа, кипарис дарахтлари экилган бўлиб, улар чегарасини узилган еридан

томошабинга кутилмаганда манзара очилиши ўзига хос гўзаллик бахш этар эди. Бундай услуб “ох-ох” деб ном олди.

Барокко даврида яратилган парклар боғ-парк санъатининг юқори чўққиси бўлди. Шунингдек, бу ўтмишнинг машҳур ландшафт архитектори Ленотр ижодининг ҳам чўққиси эди. Унинг ғаройиб лойиҳалари асосида Шактий фаол парки, Париждаги Тюильрий боғлари яратилди. Шу боғларга ўхшаш боғ-парклар Европа давлатлари Германияда – Дрезден боғ парки, Потсдам яқинида фаоли терассали Сан-Суси парки, Польшанинг Варшава



85-расм. Грек типдаги

ландшафт

шаҳрида Вильянув парки, Англияда – Темзадаги Хемптон-Корт паркларида барпо этилган эди. Бу боғларда асосан манзаравий фикрлаш кўзга ташлана бошлади. Умуман олганда XVIII аср паркчилигида рим манзарачилиги ва юнон арксозлигига қайтиш кузатилади. Классицизм даврида Англия санъатида романтизм

йўналиши вужудга келиб, у табиатни рангтасвир орқа-ли кўришни тарғиб қилади. Бу эса манзарали боғларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.



Маданият соҳасида анъанавий ўзаро боғланишлар мавжуд бўлсада,




86-расм. Манзарали Англия
боғи.

XVII-XIX асрларда рус ландшафт архитектурасига хос европа давлатларига нисбатан бирмунча ўзига хос тараққий қилди. Коломенск ва Измайлова боғлари усадба маданиятига, ҳақиқий рус маиший ҳаётига хос кўришда бўлиб, уларнинг марказида ёғочдан қурилган сарой композицияси марказини ташкил қилар эди.

Рус боғ-паркчилиги ўзининг декоратив функциялари ва хўжалик функциялари ўзаро ҳамохангликда ривожланиб келди. Виноградный, Аптекарский, Просянский, лабиринт Вавилон ва бошқалар ўз номи билан уларни функциясини характерлайди. Россиянинг янги пойтахти Санкт-Петербургда янги янги боғлар, бу борада янги ғоялар ҳам пайдо бўла бошлади. Ҳовли олдида кўча билан туташувчи “курдонер” деб номланган қисми ва уйнинг орқа қисмида Нева каналига туташувчи боғчалар юзага келди. Айнан Россияда биринчи марта ёзги боғ оммавий боғ юзага келди. Бу боғда гўзал ва етук мрамар ҳайкалтарошлик намуналари, ҳатто машҳур Италия ҳайкалтарошлари, шунингдек Антик ҳайкаллар намуналарини кўриш мумкин. Боғда кўплаб гўзал шийпончалар, фонтанлар қурилган бўлиб, улардан оддий халқ баҳраманд бўлиши мумкин эди.



87-расм. Петергоф парки: А-юқори боғ; Б-пастки боғ;
Режа: 1-сарой; 2-катта поғонали шаршара; 3-Самсон
чўмичи; 4-катта гулзор; 5-монплежир; 6-эрмитаж; 7-марли;
8-олтин тоғ; 9-тупрокли дамба; 10-“Адам” фаввораси; 11-
“Ева” фаввораси; 12-“Куёш” фаввораси; 13-Римдаги
фавворлар; 14-шахматли тоғ; 15-оранжерея; 16-
“пирамида” фаввораси.



1714 йилда Петергофда янги парк қурилиши бошланди. Бу қурилиш архитектор Растрелли ва унинг ўғли раҳбарлигида бошланиб, унда кўплаб ҳайкал усталарининг асарлари билан безатилди. Бу паркдаги фонтанлар тизими жаҳонда ягона эди. Петергоф паркининг яна бир ўзига хослик томони уни яратувчи чет эл архитекторлари рус градициан паркчилигига амал қилиш эди. Барокко стилида қурилган бу парк муаллифлари А.Ринальди, Ч.Камерон, П.Гонзаголар ҳақиқий ижод намуналарини намоён қилдилар. Парк қурилиши XVIII асрнинг 70 йилларида якунланди.

Россияда кейинчалик кўплаб парклар барпо этилдики, қайсики улар ҳақиқий рус стилида яратилиб рус паркчилик мактабининг энг ёрқин намуналари бўлиб, ҳозиргача мавжуд ва унинг анъаналари давом этмоқда.

Биз жануб ва шарқ ландшафтчилик анъаналарига мурожаат этсак, бунда ҳам ўзига хос хилма-хилликни, ҳудудларга хос нозик турланиш ва рангбарангликка эга эканлигини кўрамиз. Бундаги мамлакатларда боғлар ва жойларга хос анъанавий иссиқ, қуруқ ҳаво шароитига мосланган. Ҳамда ўз шону шавкатини намоиш этадиган, соя салқингоҳ боғлар мавжуд бўлган. Камбағал, ўзининг кичкина бўлса боғи бўлмаган кишиларга “унинг сояси йўқ, у қашшоқ” дейишар эди. Вавилон подшоҳи Навуходоносор II севимли хотини Семирамида учун қурдирган терассали қаватма-қават қурилган машҳур “Семирамида” боғлари ривоят этиб келинади. Бу боғ дунёнинг етти мўъжизасининг бири ҳисобланган.



88-расм. Хитой паркининг

Хитой боғ-паркчилиги тарихи ҳам эрамиздан аввалги XII асрга тақалади. Унда классик мисоли икки йўналиш: турар жойлар ёки монастр боғлари ва императорнинг бепоён боғлари бўлиб улар ҳақида турли поэтик мавзулар, ривоятлар мавжуд. Япон

боғлари ҳозирги кунда ҳам ўз тизимига кўра дунёвий амалиётда жуда қизиқиш уйғотиб келмоқда. Япон боғлари катта бўлмаган ҳудудга эга бўлиб, унда ҳар бир детал ўзига хос мазмунга ва рамзийликка эга. Япон парк санъатидан монастр боғлари юқори чўққиси ҳисобланади. Бу боғлар медитация ва фикрлаш жойи ҳисобланади.

ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Ландшафт архитектураси деганда нима тушунилади?
2. Ландшафт архитектураси Европада қачондан бошлаб пайдо бўла бошлади?
3. Ландшафт архитектураси мактаблари қайси мамлакатларда юзага келди?
4. Шарқ мамлакатларида боғдорчилик қайси даврлардан бошланган?
5. Черков боғларини таърифлаб беринг.
6. Россий боғдорчилигида хусусийлик.
7. Боғдорчиликда стиллар.
8. Боғдорчиликда зоналаштириш нима?
9. Боғдорчиликда ранглар қандай дроль ўйнайди?
10. Ўзбекистон ҳудудида боғдорчилик қайси даврлардан бошлаб маълум бўлган?

ГЛОССАРИЙ

(атамаларнинг изоҳли луғати)

Аннотлаш – металл юзасига кимёвий усул билан ишлов бериш.

Антик – қадимги.

Антропоген ландшафтлар – ландшафтлар ўзаро ҳаракатланувчи табиий ва сунъий компонентлар ташкил топиб ва инсон фаолияти остида шаклланади.

Архитектура – қурилишда шакл ва мазмун ҳамда ҳажмлар уйғунлигига эришиш санъати. Жамиятнинг моддий маданияти ва санъатини ўзида яхлит тарзда мужассамлаштира олган инсон ижодининг маҳсули – архитектуравий асар.

Ассиметрия – юнон тилидан олинган бўлиб, “симметрик эмас” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда асардаги деталларни, сувратни чап ва ўнг ёки юқори ва пастки томонларидаги тенглик, ўхшашлик аломатларининг йўқлиги ассиметрия ҳисобланади.

Атланд – биноларда устунлар ўрнида қўлланиладиган эркак, полвон кўринишидаги рамзий образ. Қадимги грек афсоналарига кўра гўё осмонни елкасида кўтариб турган полвон.

Ахроматик ранглар — юнон тилидан олинган бўлиб, рангсиз деган маънони англатади. Улар оқ, қора, кулранг ва уларнинг аралашмасидан ҳосил бўлган туслардир.

Ахта – наққошликдан нусха олиш учун ишлатиладиган андоза; чизиқлар игна билан тешилиб, нақшланаётган сиртга писта кўмир кукуни ёрдамида из қолдирилади.

Бадий лойиҳалаш – маҳсулот яратишда анча кенгроқ фаолият соҳаси. Бадий конструкторлаш бадий лойиҳалашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Барг – баргсимон нақш элементи

Батик – матога заҳира қоришмалари-дан, (резервирующих составов) (заҳира - парафин, бензин, танланган техника, мато ва бўёқ бўйича сувли

асосда) фойдаланилган ҳолда матога ишланадиган кўл иши. Батик - Индонезия тилидан олинган бўлиб, “мум томчиси” маъносини англатади.

Бодом гул - бодом данагисимон нақш элементи

Бофта – нақшлардан айланиб ўтиб, таноб сингари ҳосил қилинган шакл.

Боғ – унча катта ҳажмга эга бўлмаган экинлар, кўчатлар, бу ерда уй ёки сарой композициянинг маркази ҳисобланади.

Бульвар – кўчаларнинг ён томони ёки икки ёнига, соҳил бўйлаб пиёдалар ҳаракати, дам олишлари ва сайр қилишлари учун кенг кўкаламзор хиёбон. Аввал булварларни кўрғонинг мустаҳкам тупроқ деворлари деб аталган. Кейинчалик эса улар собиқ кўрғон ўрнида ярилган жой, шаҳарликлар учун сайр қилиш жойи деб аталди.

Гажак – гажаксимон қайрилган нақш. Айрим нақш элементларини ўзаро боғлайдиган ва бўш жойларни тўлдириб, нақш учун сатҳ пайдо қиладиган элемент.

Гамма — ўзаро уйғун ранглар йигиндиси бўлиб, унда биронта ранг етакчилик қилади. Масалан, илиқ ранг гаммаси, совуқ ранг гаммаси, ёрқин ранг гаммаси шулар жумласидандир.

Геопластика – ландшафт лойиҳаси ёки кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер майдонини архитектуравий ва бадиий қайта ишлаш мақсадида текислаш ва тартиблаштириш. Геопластиканинг воситалари – табиий ва сунъий рельефли формалар (шакллар): тепалик, баландлик, тупроқдан ўйиб ясалган тепалик ва девор, қиялик ва тиргакли девор, зинапоя, нишаб йўлак, кратерлар ва канонлар ва бошқалар.

Гирих – геометрик нақшлардан тузилган нақш. Чигал тугун, ҳандасавий нақш.

Градация – ранглар ва шаклларнинг ўзаро турланиши, фарқланиши.

Графика - атрофимиздаги воқеликларни текисликда тасвирлаш усули. Графика кўплаб ифодалаш услубларига эга бўлиб, улардан бир нечаси: расм, чизма (чизиқли графика), сув бўёқ графикаси, рангли графика,

штрихли ва нуктали графикалар архитектуравий лойиҳалаш ишларида қўлланилади.

Грот – қоялардаги табиий ғорга ёки табиий тошлар ўймасига ўхшатиб ишланган, сояда дам олишга мўлжалланган сунъий парк иншооти, паркларда кулгили, қизикарли жой.

Гуашь — италян тилидан олинган бўлиб, сувли бўёқ маъносини англатади. У сувда яхши эрийди. Гуашь бўёғи акварелдан уни қоғоз юзасига бир неча қават қилиб турлича қалинликда берилиши мумкинлиги билан фарқланади.

Гумбаз – сирти эгри чизикдан вертикал ўқ атрофида айлантериш натижасида ҳосил бўладиган том, ёпма.

Дизайн - (лойиҳа-фикр) асосий мақсади уйғунлашган жисмлар муҳитини яратиш. Шунингдек инсоннинг моддий ва маънавий, эстетик талабаларини қондиришга қаратилган ижодий фаолият турларидан бири.

Долменлар – вертикал тошлардан ташкил топган, усти горизонтал тошлар билан ёпилган бўлиб, қабила бошлиғи учун қурилган ва унинг ўлимидан сўнг шу қурилма ичига дафн қилинган.

Илиқ ранглар - кишиларда илиқлик (иссиқлик) ҳисларини уйғотувчи ранглар. Улар қизил, сарик, заргалдоқ, малла, новвоти, қирмизи, пушти, шингоб, сабза, садаф, лоларўй, гулгун, норанжваш, сомоний, баргикарам каби ранглардир.

Интерьер — тасвирий санъат ва меъморчилик, амалий санъатда бинонинг ички қисми кўринишини билдиради.

Ислими – ўсимликсимон нақш. Бу нақш танобли, бандли, баргли, куртакли буталардан ташкил топади, бир-бири билан чирмашиб кетади. Ислими нақшнинг хиллари жуда кўп. Нақш унинг қайси шакли билан тўлдирилса, шу шаклнинг номига ислими қўшиб айтилади.

Иссиқ ранглар – қизилга яқин (оч ва тўқ қизил, жигарранг, сарик ва ҳ.к.) ранглар

Кариатида – бинонинг аёллар гавдаси шаклида ишланган устуни (колоннаси).

Коллаж – турли ўсимликлар, фотосуратлар, металл, матолар ва ҳоказо ашёлардан маълум мавзу сюжетини ёритиш, турли ғоявий, фалсафавий қарашларни олға суришга қаратилган бўлиб, французча “клеяш” маъносини англатади.

Комфорт – ҳар жиҳатдан қулай, тўла-тўқис, бекаму кўст шароит.

Композиция — бадиий асарларда (адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, амалий санъат ва ҳоказо) қўлланиладиган атама бўлиб, у “тузиш, қуриш” маъносини англатади. Асарда бадиий образлар ва воситаларнинг ўз ўрнида шакл, ранг, мазмун жиҳатдан қурилиши унинг композициясини англатади ва композиция бадиий образларнинг ифодавийлигини оширишга хизмат қилади.

Композиция қонунлари — тасвирий санъатда яратиладиган бадиий асарларнинг гоёси, мазмуни ҳамда бадиийлигини тартибга солувчи назарий тушунчалар. Асарнинг муваффақияти кўпинча унда композиция қонунларига қанчалик риоя қилинишига боғлиқ бўлади. Композициянинг яхлитлик, суврат деталларини асар гоёсига бўйсунтириш, мувозанат, сувратда янгиликнинг мавжудлиги, контрастлар, ҳаётийлик каби қонунлари, яъни талаблари бор.

Композиция қоидалари — дейилганда ижодкорнинг композиция ишлаш жараёнида риоя қилиши лозим бўлган тамойиллар тушунилади. Унинг ритм, композицион марказ, симметрия, ҳаракат, тургунлик, планлилик, параллеллик турлари бор. Композиция қоидалари асарларнинг ифодавийлик воситалари маъносини ҳам англатади.

Композиция услублари — ижодкорнинг ўз ижодий жараёнида қўлланиладиган асар гоёсини, унинг бадиийлигини, саводхонлигини кўтаришга қаратилган чора-тадбир ва йўл-йўриқлар мажмуаси. Унинг монументаллик (маҳобатлилик), фазовийлик, горизонталлар, вертикаллар, диагоналар каби турлари бор.

Композиция воситалари — ижодкор томонидан асарни яратишда қўлланиладиган асосий тасвирлаш техникаси. Улар қаторига чизиклар, ранглар, оқ, қора доғлар, колорит кабилар киради. Колорит (гамма) — лотин тилидан олинган бўлиб, “ранг” (буёқ) маъносини англатади. Колорит асосан ранггасвирда, қисман графикада реал борлиқ ва воқеликни ифодали тасвирлашда, рангларнинг ўзаро уйғун ва мутаносиб бўлишида ниҳоятда аҳамиятлидир. Колорит ранглар мутаносиблигига кўра илиқ ёки совуқ, ёрқин ёки тўқ, мулойим ёки жиддий бўлиши мумкин. Колоритда у ёки бу ранглар гуруҳи ёки ягона бир ранг етакчилик қилади.

Контраст — французча “кескин зиддият” маъносини англатади. Тасвирий санъатда оқ ва тўқ, оқ ва қора, илиқ ва совуқ ранглар, ижобий ва салбий образларнинг ёнма-ён туриши контрастлиликни келтириб чиқаради.

Кромлехлар – мегалитик қурилмалар ичида энг мураккаби бўлиб, у композицион уйғунлашган иншоотдир. Бундай қурилма ибодатхона вазифасини ўтаган.

Кулоллик, кулолчилик — ҳунармандликнинг лойдан турли буюмлар (терракота, сопол идиш, қурилиш материаллари ва бошқалар) тайёрлайдиган тури.

Ландшафт – очик ҳавода ишлаш ва дам олиш учун яратилган, таркиби табиий ўсимликлар, рельеф, тупроқ, сув, ҳайвонот дунёси ва сунъий (архитектуравий муҳандислик иншоотлари) ишланмалар билан бадиий ва экологик қонуниятлар асосида шакллантирилган ҳудуд.

Ландшафт гуруҳи – дарахталар ва буталардан тузилган мустақил композиция. Бутасимон ва даратсимон ва аралаш гуруҳлардан ташкил топади. Бу гуруҳ таркибига 2-3 тадан 10-12 тагача бўлган ўсимликлар киради. Группа может быть контрастной или однородной, плотной или сквозистой.

Ландшафт дизайни – турли хил ландшафт объектларини яратиш учун тузилган лойиҳа; ландшафт объектларининг сунъий элементларини

бадий эстетик ва экологик қонуниятлар асосида муайян функцияларга мослаб яратишга қаратилган ижодий фаолият тури.

Мадохил – 1. Учбурчаксимон чиройли нақш. 2. Ислими нақш композициясида чизиш нуқтаси, манба, илдиз.

Майсазор – боғларда кўп йиллик бошоқли ўтлардан экилган яшил майдон. Вазифасига кўра майсазорларинг спорт ўйинлари майдони ва манзарали майдончаларга мўлжалланган. Маназарали майсазорларнинг партерли, оддий ва яйловли турлари мавжуд.

Маскан – турар жой, макон. Одамлар истиқомат қиладиган ҳудуд.

Мегалитик қурилма – диний удумлар билан боғлиқ, йирик тош қурилмалар

Менгирлар – ўртача 20 метрли ибодат учун оғирлиги 300 тонна келадиган тошлардан иборат қурилмалар

Меҳроб – қиблани кўрсатувчи тоқча; равоқ шаклида ишланган.

Мойбўёқ — рангтасвирда ишлатиладиган асосий материал (бўёқ) бўлиб, у махсус қоришма мой ёрдамида эритиб ишлатилади.

Мутаносиблик (Пропорция) – мослик, предметларнинг алоҳида қисмларини ўзаро нисбатини аниқловчи ва ўртасида, ўзаро уйғунликни намоён бўлиши.

Мўйқалам — қилқалам, рассомлар ишлатадиган иш қуроли. Улар асосан жундан ёки синтетик материаллардан тайёрланади.

Нюанс — французча сўз бўлиб, нарса ва ҳодисалардаги, тасвирдаги “нозик, кўз яхши илғаб ололмайдиган” фарқ қилувчи жиҳатлар маъносини англатади.

Нақш – ҳар хил буюмлар, мебеллар ва уйларга ўйиб ва бўяб солинадиган гул

Оби – нақш гулининг четидан, баъзан бир нақшни иккинчи нақшдан ажратиш учун тортиладиган чизиқ

Орнамент – архитектура ва амалий санъат асарларидаги асосий элементларидан бири. У чизиқлар ва ранглардан иборат бўлиб, бино ва

буюмларнинг сатҳини бўйлаш, чакичлаш ва ўйиб ишлаш йўли билан яратилади.

Орнаментал композиция - ўзига хос тузилиш услубига эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, архитектурада, тасвирий санъатда, текстилда, ишлаб чиқаришнинг турли маҳсулотларида ва шу каби соҳаларда бадиий безак сифатида, алоҳида мосланган услубда иштирок этади.

Панжара – геометрик шакллардан тузилган нақшли панжара.

Панно – девор, шип сатҳининг орнамент билан безатилган қисми.

Пахса – лойдан ясалган девор.

Прет-а-порте (*франц.* “тайёр кийим”) – бу омма учун ишлаб чиқарилган тайёр кийимлар бўлиб, улар тайёр андозалар бўйича фирма магазинлари ёки бутик (*франц.* “boutique” - дўкон) ларда сотиш учун кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилади. Дизайнер фақатгина эскизлар яратади, кийимлар эса фабрикаларда тайёрланади. “Прет-а-порте” бугунги кун анъаналарини ўзида ифода этади. Ушбу тушунча XX асрнинг 50 йилларида оммавий моданинг тарқалиши билан пайдо бўлган.

Пропорция — лотин тилидан олинган бўлиб, “муносабат” ёки “мутаносиблик” деган маъноларни англатади. У тасвирдаги ўлчамлар (бўйи, эни, қалинлиги, оч-тўқлиги, катта-кичиклиги ва ҳоказо) ўртасидаги нисбатларни назарда тутлади.

Равоқ – тик (вертикал) томонлари тепасида эгри чизиқ билан бирлашган шакл (русча – “арка”)

Ранглар тони — бу уларнинг оч-тўқлиги даражасини англатади. Ранглар тони бўёқларнинг таркибидаги эритманинг оз ёки кўплигига қараб белгиланади. Тўқ ранглар — қора, зангори, бинафша бўлса, оч ранглар — оқ, пушти, ҳаворангдан иборат бўлади.

Ранглар спектри — “спектр” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “тасаввур” маъносини англатади. Спектрнинг бошқа турлари каби оптик тури ҳам бор. Оптик спектрда оддий қуёш нурини линзадан ўтказилганда ойна уни турли — қизил, сариқ, зангори, яшил ва бошқа рангларга ажратиб

беради. Бу ҳодиса “ранглар спектри” деб аталади. Ранглар спектрини табиатда ёмғирдан сўнг осмонда пайдо бўладиган камалакларда ҳам кўриш мумкин.

Рангшунослик — ҳаётда ва санъатда рангларнинг кишилар кайфиятига, уларнинг ҳис-туйғуларига таъсирини ўрганадиган фан. Рангшунослик саноат, медицина муаммолари билан ҳам шуғулланади. Тасвирий санъатда рангшунослик фани ранглар ёрдамида тасвирий образлар яратиш, уларнинг ифодавийлигини оширишга хизмат қилади.

Ранг (ҳаво) перспективаси — реал борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг рангларида киши кўзидан узоқлашган сари рўй берадиган ўзгаришлардир. Ранг перспективаси туфайли уларнинг ранглари (ҳаво, чанг, туман таъсирида) ўзининг ҳақиқий тусини йўқотади.

Ранглар гармонияси — “гармония” сўзи юнон тилидан олинган бўлиб. “боғланиш, уйғунлик” маъноларини англатади. Рангтасвир сувратларда ишлатилган турли ранглар бир-бири билан узвий боғланса, ҳамоҳанг бўлса, улар ранглар гармониясини ташкил этади. Аксинча, ранглар бир-бирларини инкор этса, бир-бирлари билан боғланмаса дисгармонияни келтириб чиқаради.

Ранглар доираси — асосий (қизил, сариқ, зангори) рангларни ўзаро аралаштириш орқали ҳосил қилинган кўшимча 12 хил ёки 24 хил ранг тусларининг маълум тартибда жойлашган кўриниши.

Раппорт - (франц. Rapport - орқага айлантириш) - нақшнинг асосий элементи, нақш гулининг бир қисми, матода кўп маротаба қайтариладиган, трикотажда, кашта гулларида, гиламда, обойларда ва ҳок.

Рекреация – интерьердаги ёки очик ҳаводаги зона (паркда, боғда), дам олишнинг турли кўринишлари учун мўлжалланган (сайрга, спорт билан шуғулланшига ва ўйин-кулгуга).

Ритм — юнон тилидан олинган бўлиб, “оқаман” маъносини англатади. Тасвирий санъатда асарнинг ифодавийлик воситаларидан бири ҳисобланиб, у асарнинг томошабинга эстетик таъсирини кучайтиришга ёрдам

беради. Суратдаги деталларнинг, улар шаклларининг, рангларининг, ўлчамларини қайтарилиб ёки алмашилиб келиши ритмни ҳосил қилади.

Саноат графикаси — саноатда қўлланиладиган реклама, ёрлиқ, эмблема, бланка, конверт, товар белгилари, этикетка, ўрам қоғозлари, кадок идишлари ва бошқаларни ифодаладиган графика тури.

Саноат маҳсулоти – саноат йўли билан одатда серияли равишда тайёрланадиган маҳсулот. Саноат маҳсулотлари турли-туман: маданий-маиший ва хўжалик истеъмоли, саноат ускуналари ва асбоблари, транспорт воситалари, тиббий ускуналар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Сарой – ҳукмдорнинг маскани, тантаналар ўтказиладиган қошона. Жамоат ишлари учун белгиланган катта хона, ҳовли. Никоҳ саройи, ёшлар саройи ва ҳоказо.

Сиклопик қалъалар – катта ўлчамдаги вертикал тошлардан ёки ёғоч таналаридан муқоффа учун қурилган иншоотлар. Бундай қалъалар икки ёки уч қават деворлардан иборат бўлган.

Симметрия — ушбу атама юнон тилидан олинган бўлиб, “ўлчамдош” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда тасвирланган образ, объект ёки нарсанинг ўртасидан тик (вертикал) ўқ чизик ўтказилганда, унинг чап ва ўнг томонлари ўлчам жиҳатидан бир-бирига тенг бўлса, у симметрик шакл ҳисобланади. Шунингдек, сувратнинг чап ва ўнг, ёки юқори ва пастки қисмларидаги ўзаро тенглик ёки ўхшашлик ҳам симметрияни билдиради. Масалан, капалак симметрик шаклга эга. Симметрия ўқли ва марказий турларга бўлинади. Ўқли симметрияда симметрия ўқи битта бўлса, марказий симметрияда у бир нечта бўлиши мумкин.

Стилизация – нарсанинг расми, ранги ва шакли кабиларни декоратив тарзда умумлаштириш; декоратив-амалий санъатда, айниқса табиат шакллари кўпроқ умумлаштириб қўлланилади.

Стиль – жамиятнинг у ёки бу даврига хос бадиий эстетик ва маънавий қарашларини тасвирий санъат, архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафт объектларида яхлит бир ғоявий йўналиш ва мазмун асосида ўзига

хос белгиларда ифодаловчи бадий услуб, оқим. Масалан, архитектурада ренессанс, барокко, готика, классицизм, романтизм ва бошқа стиллар мавжуд. Бу стиллар турли даврларда ва турли мамлакатларда ўзига хос архитектуравий белгилар ва хусусиятларга эга бўлган. Масалан, Италиянинг барокко услуби Россия барокко услубидан фарқ қилади, бироқ уларни бадий ғоявий жиҳатдан умумлаштирувчи архитектуравий белгилар мавжуд.

Совуқ ранглар — ўз ранг тусларининг кўриниши билан кишиларда совуқ таассуротларни уйғотувчи мовий, ҳаво ранг, зангори, бинафша ранглар шундай деб аталади.

Спектр - ойнада ёки диффракцион призмадан ўтган нурнинг 7 хил рангда кўриниши, куёш нурининг спектри.

Табиий ландшафтлар – инсон фаолияти изидан бормаган ва чунончи табиат муҳитида ривожланиши йўлида вужудга келган ландшафтлар. Замонавий ривожланиш босқичда бу тушунчани шартли қўллаш мумкин, чунки планета ҳудудидаги барча ландшафтларнинг таркибий қисмига инсон фаолияти аралмашган бўлса.

Таноб – нақшда асосий шакл берувчи чизиқ. Ислими нақшида ўсимлик пояси ҳисобланади.

Тасвирий санъат — борликда мавжуд ва мавжуд бўлмаган мавжудот, нарс ва ҳодисаларни тасвирловчи санъат тури.

Тахт – подшо ўз қабулхонасида ўтирадиган тантанавор курсиси.

Темпера — ушбу атама италян тилидан олинган бўлиб, “бўёқ қориштириш” маъносини англатади. Темпера сув билан эритиб ишлатилади. У кўпроқ биноларнинг безагида, рангтасвир ишларида кенг қўлланилади. Таркибида махсус моддалар бўлганлиги сабабли ва ёруғлик таъсирида ўз рангини ўзгартирмайди, узоқ вақтгача ўз тусини сақлаб қолади.

Техника – барча соҳаларда ишлатиладиган меҳнат воситалари.

Техникавий эстетика – турмушнинг барча жабҳаларида инсон фаолиятига мослашган предметлар муҳити, шароитининг гармоник шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи илмий фан.

Тон – ранг бирикмаларининг умумий туси.

Тушь — қора сиёҳ. Шу восита билан ишланган асар ҳам баъзан “тушь” деб аталади.

Форма (лотинчадан олинган бўлиб, forma – форма, кўриниш, образ) – маълум ўлчамларга эга маҳсулот ҳажмий тузилмаси. Саноат маҳсулотларига кўйиладиган умумий талаб бу – композиция қонуниятларига асосланган барча элементларнинг мутаносиблигидир. Предметнинг умумий шаклий кўриниши, ўлчам бирликлари, юзалари ва сиртларининг характерли томонлари унинг қиёфаси, формасини белгилайди.

Хроматик ранглар – ушбу атама юнон тилидан олинган бўлиб, “ранг, бўёқ” маъноларини англатади. Улар қаторига оқ, қора, кулранг тусларидан ташқари барча ранг туслари киради.

Чинни — (чин сўзидан) сув, газ ва электр ўтказмайдиган, ўтга чидамли, жарангдор, асосан оқ рангли (юпқаси ёруғлик ўтказадиган) маҳсулот, керамиканинг нафис тури.

Чорбоғ – тўрт томони девор билан айлантирилган дарвозали тархи квадрат ёки тўғри тўрт бурчакли мунтазам хандасавий ечимга эга, марказида сарой-кўшк, унинг олдида ёки атрофида сарҳовуз, ундан тўрт тарафга кетган ариқлар, дарвозадан саройгача ҳиёбонлар, тўрт тарафда эса чорчаманлар, чаманлар ва деворлар узра йўллар, манзарали ва мевали дарахтлар, гулзорлар ва фавворалар билан ишланган архитектуравий сайргоҳ боғ.

Шаршара – Сувнинг динамик ҳолатини (ҳаракатини) эффетли ишлатувчи қурилма. Шаршаранинг сунъий қурилмада баландлиги 1,5-2 метрдан ошмаслиги керак.

Шкифтлар – асосий элементларни бир-бири билан боғлайдиган оралиқ элементлар. Бофталарга ўхшаш.

Экстерьер – ташқари деган маънони билдириб, архитектурада бинонинг ташқи кўринишини ифодалайди.

Эстетика – санъат ва бадиий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фалсафий таълим.

Юксак мода (*франц.* Haute couture, *италь.* alta moda, “от-кутюр” яъни модельер ўз қўли билан яратган) – юқори сифат даражасидаги тикиш санъатини билдиради. Халқаро мода соҳасида ўз ўрнига эга етакчи мода салонлари маҳсулотлари шулар жумласига киради. Машҳур мода салонларида мижоз буюртмаси бўйича ноёб ижод намуналари ишлаб чиқарилади. 1868 йилда тузилган Париж Юксак Модалар Бирлашмаси қоидаларига асосан буюртманинг 70 фоизи қўлда бажарилиши шарт. Буюртмалар махсус тайёрланган матолардан тикилади.

Ўсимликлар экологияси – ўсимликлар ўртасидаги ва уларни ўраб турган муҳит билан ўзаро боғлиқлик ва ўзаро ҳаракат.

Ҳиёбон – Марказий Осиёда Темурийлар даврида кенг тарқалган шаҳар ташқарисидаги катта магистрал йўл, боғ қисмларини ўзаро улайдиган бош йўл, икки ёнига қатор дарахтлар, гуллар экилган, ариқлари ёки фавворалари бўлган сайргоҳ йўл. Ҳиёбон усти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Ҳовуз (сув оқувчи жой) – ландшафтнинг табиий элементи ёки сунъий қурилма (кўл, ботқоқлик, оқим). Парк композициясига ҳовуз қўшилса унинг эстетик ҳаракати ошади. Катта ҳовузлар паркларнинг асосий элементи бўлиб, улар микроклимга ва ерга, ўсимликлар манзарасини ўзгартириш хусусиятига эгадир.

Ҳошия – ҳар хил буюмларнинг четига ишланадиган энсиз йўлли нақш

Қабулхона – бош раҳбарнинг хонаси, офис раҳбари хонаси. Бу хонада одатда ходимларни йиғиб, топшириқлар бериш, маслаҳатлар ўтказиш, мижозларни қабул қилишга мўлжалланган маъмурият хонаси.

Қалъа – қалин деворлар билан ўраб олинган, мудофаа учун мўлжалланган макон.

Қарама-қарши ранглар (контраст ранглар) – рангтасвир сувратларда ишлатиладиган рангларнинг бир-бирларига тескари турлари бор. Улар оч ва тўқ, илиқ ва совуқ, шаффоф ва кир, ёрқин ва хира ранглардир. Улар қарама-қарши ранглар деб ҳисобланади. Икки қарама-қарши ранг ёнма-

ён қўйилганда уларнинг бирининг ёрқинлиги кучаяди, иккинчисиники эса сусаяди. Бу ҳолат ранглар қарама-қаршилиги ёки контраст дейилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.
 2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қулимиз билан қурамиз. 7-том. – Тошкент, 1999.
 3. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!”. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017
-
1. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент “Меҳнат”, 1991.
 2. Волкотруб И.Т. Основы художественного конструирования. Киев, «Выша школа». 1988.
 3. Добронравова Е.А, Сулаймонова Ш.М. Ландшафт дизайни. Ўқув қўлланма, 1- қисм. Тошкент - 2012
 4. Михайлов С., Кулеева Л. Основы дизайна. Казань, 1999.
 5. Мухамадиев Э.М. Рангшунослик. Самарқанд, 2002.
 6. Мухамадиев Э.М. Композиция асослари. Маърузалар матни. Самарқанд, 2010.
 7. Набиев М.Н. Рангшунослик. Тошкент, 1992.
 8. Нозилов Д.Н. Ўрта Осиё дизайни тарихи. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998.
 9. Ожегов С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Ж. Ландшафт архитектураси ва дизайни. 2003.
 10. Пулатов Х., Аскарова Д., Розикбердиев М. ва бошқалар. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Ўқув қўлланма. Тошкент: ТАҚИ, 2003.
 11. Рунге В.Ф., Сеньковский В.В. Основы теории и методологии дизайна. Москва, 2003.
 12. Уралов А.С., Рахимов К.Ж., Саидова Б. Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари. Самарқанд, 2005.

13. Хидиров М.М. Архитектура тарихи. Тошкент, 2004.
 14. Цойнегер Г. Учение о цвете. Москва, 1971.
 15. Шпара П.Е., Шпара И.П. Техническая эстетика и основы художественного конструирования. Киев, “Высшая школа”, 1989.
 16. Қосимов Қ. Наққошлик. Тошкент “Ўқитувчи”, 1982.
 17. Stephen McDonald. Good design is good business. Design of the USA 1989.
 18. Гете И.В. К учению о цвете (хроматика). Избранные сочинения по естествознанию. – Л.: АН СССР, 1957.
 19. Ле Корбюзье — дизайнер. Мебель, 1929.
 20. Kes D. Styles of furniture. The second edition is in Russian. Budapest, 1981.
 21. History of design / Charlotte and Peter Fill translated from English by S. Barvin. M. Publishing House Kolibri, "AZBUKA ATTIKUS", 2014
 22. Johannes Itten. The elements of color. New York, 1970
- Теория цвета. asmedia.ru
- Designonstop.com
- Prodesign.in.ua
- <https://vk.com/dbooks>
- <http://books.totalarch.com/magazines/lam>

